



ТОҲИР МАЛИК

БЕЗАНГАН КЕЛИНЧАК



B65	874
Pt. Slauer	M 22
Bezvukov	
Kelchov	
	70000

Kitob shu erda ko`rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgari berilmalar miqdori _____
13/I-758-20a
6/VIII-405

877

M 22

Тохир Малик

БЕЗАНГАН КЕЛИНЧАК

865

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2018

УЎК: 821.512.133

КБК: 87.7

M 22

Малик Тоҳир.

Безанган келинчак – Т.: «Sano-standart» нашриёти,
2018. – 176 бет.

Кўпчилик ҳамма нарсани бойликка сотиб олса бўлади деб ўйлаб, аввало ўзларини бойликка сотишади. Бир бўлак олтин гўё қорани оқ, хунукни чироили, адолатсизни одил, наслсизни аслзода, кексани ёш, пасткашини ботир қилишига етадигандай туюлади. Аслида эса аксинча: бойлик – олтин кетидан қувиши жаннат йўлидан адашиб дўзах жари томон боришидан ўзга нарса эмас.

Биз мол-мулкимизни назорат қила олсаккина бой ва мустақил бўламиз. Аксинча, мал-мулкимиз бизни назорат қиласа, ҳақиқатда фақир яшаймиз. Чўнтақ тешилса, уни пул билан тўлдиришининг ҳеч бир фойдаси йўқ. Дунёнинг энг катта фожиаси камбағаллик эмас, бойликка тўймасликдир. Дунёнинг энг бойи тежамкорликни билган, энг қашшоғи эса хасис одамдир.

Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзи-ўзидан ҳам кўнгли тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган, омадсиз, ҳаётida бирорта ҳам одамни баҳтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!..

Мазкур китобда шу каби муаммолар хусусида баҳс юритилади.

УЎК: 821.512.133

КБК: 87.7

ISBN 978-9943-5467-2-1

865

© Тоҳир Малик, 2018

© «Sano-standart» нашриёти, 2018

Задиқомта Ажни

БЕЗАНГАН КЕЛИНЧАК

Бисмиллихир роҳманир роҳийм

«Одамларга дунё ҳаёти мисолини келтиринг. У худди бир сув кабидир-ки, биз уни осмондан ёғдиргач, баҳорда у сабабли ер ўсимликлари бир-бирига аралашиб, қалинлашиб кетур, сўнгра кузда шамоллар учириб кетадиган хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир» (*Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Каҳф сурасидан*).

(*Мазкурга кўплаб олимлар тафсир битганлар. Шулардан бири будир: Ояти каримада ёшлик баҳорга, кексалик куз фаслига ўжшатилмоқда ва шу билан бирга умринг, дунё ҳаётининг ниҳоятда қисқа, ўт-кинчи эканлиги уқдириляпти. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёнинг вақтинчалик эканига ишора қилиб: «Менинг наздимда дунё гўё ёз иссиғида бир отлиқ йўловчи дараҳтнинг соясида озгина дам олиб, сўнг яна кетгани кабидир», деганлар. Мазкур ояти каримада дунё тириклиги ёмғир суви билан яшинаб ўсган ўт-ўланга ташбиҳ этилади. Чунончи, ўсимлик ўсиб, камолотга эришиб, ундан фойдаланадиган вақт етгач, ногоҳ ундан сув узилиб қолиши сабабли қуриб зое бўлур. Худди шунингдек, одам фарзанди ҳам дунёда ўсиб-улғайиб, орзуларини ҳосил этмоқчи бўлиб турганида қўйқисдан ажали етиб, умр дараҳти қуриб ва тириклиқ суви узилиб, орзу чечакларини ўлим ели ҳар тарафга учириб юборадир». Байт:*

Ногаҳон тан боғига етса зимистони ажал,
Жон яғочидин сочилғой ҳар тараф япроғлар).

* * *

«Дарҳақиқат (коғир) инсон ўзини бой-бекожат кўргач, албатта, туғёнга тушади, ҳаддидан ошади. (Эй инсон) албатта, ёлғиз Роббингнинг Ўзига қайтишинг бордир (*ўшандабу туғёнларинг* учун ҳисоб-китоб қилиниб, жазоланишинг аниқдир)»(Алақ сурасидан).

* * *

«Эй Одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг меросхўрларга қолади. Ундан емоқ ва хузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйнингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай» (Хадиси қудсийдан).

* * *

«Бойлик ёмонликлардан сақланадиган кишилар учун заарсиздир. Мана шундай кишилар учун соғлик бойликдан ҳам яхшироқдир ва кўнгил шодлиги (Аллоҳга шукр айтиш лозим бўлган) неъматлардан биридир».

* * *

«Икки иллат борки, сизларга улар туфайли зарар этишидан хавфдаман: бу кибру ҳавога эргашиш ва орзу-ҳавасга берилишдир. Кибру ҳавога эргашиш – Ҳақдан тўсилиш, орзу-ҳавасга берилиш эса, дунёни яхши қўришдир. Огоҳ бўлинглар! Аллоҳ таоло дунёни суйган бандасига ҳам, суймаган бандасига ҳам беради. Иймонни эса, фақат суйган бандасига

ато этади. Эсда тутинглар! Диннинг ҳам, дунёнинг ҳам фарзандлари бор. Сизлар дунё фарзандлари эмас, дин фарзандлари бўлинглар. Билинглар-ки, дунё сизларга орқа ўтирувчи, охират эса пешвоз чиқувчидир. Огоҳ бўлинглар! Бу кун амал куни, унда ҳисоб йўқ. Яна огоҳ бўлинглар-ки, ҳисоб куни яқин, у кунда амал қилиш йўқ!»

* * *

«Ҳақиқий бойлик мол қўплиги эмас, кўнгил тўклигидир».

* * *

«Дунё севгиси ҳар хатонинг бошидир. Бир нарсанни севсанг, у сени кўр ва соқов қилиб қўяди».

* * *

«Дунё ва охират икки кундош кабидир. Бирини нақадар хурсанд қилсанг, иккинчисини шу қадар ранжитган бўласан» (*Шарафли ҳадислардан*).

* * *

Пайғамбар алайхиссалом вафот этганларида ортларида на бир динор ва на бир дирҳам, на бир қул ва на бир чўри қолдирдилар, балки совутларини бир яҳудийга ўттиз соъ таомга гаровда қолдириб, дунёдан ўтдилар (*Ибн Аббос*).

* * *

Камбағаллик – дунёда оғат, охиратда роҳатдир. Бойлик – дунёда роҳат, охиратда оғатдир (*Ийсо ибн Марям*).

* * *

Дунё ила охират икки оиласи бор кишига ўхшар. Инсон бирини рози қиларкан, иккинчисини ранжитади.

Дунё – мўминларнинг бозори, кеча ва кундуз – сармоялари, гўзал амаллар – тижорат моллари, жаннат – фойдалари, жаҳаннам эса заарлариидир (*Абу Бакр Сиддик*).

* * *

Ҳазрати Умарнинг қизлари Ҳафса онамиз оталарига ачиниб: «Бир оз ўзингизга қаранг, мазали таомлар енг», деганларида, амиралмўминин аччиқланиб: «Ҳазрати Пайғамбаримизнинг хотинисан, у Зотнинг қандай яшаганларини биласан, нега менга бошқачароқ яшашни таклиф қиласан?» – дедилар.

* * *

Аллоҳ хоҳласа, бу дунёда беради, хоҳласа, охиратга қолдиради. Аллоҳ даргоҳидаги ажр-мукофотлар таваккул қилганлар учун дунё манфаатларидан янада устун ва битмас-туганмасдир.

* * *

Аллоҳдан қўрққан кимса жаҳл қилмайди ва хоҳлаган ҳар ишини бажаравермайди. Агар охират бўлмаса эди, дунёни бу тарзда қўрмас эдингиз.

* * *

Энг жоҳил инсон охиратини биронинг дунёси учун сотган кишидир.

* * *

Дунёниг азизлиги мол билан, охиратниг азизлиги солих амаллар билан.

* * *

Очкўзлик – камбағаллик, қаноат – бойлиқдир. Кимнингки кўзи одамларниг мол-мулкида бўлмаса, уларга муҳтож бўлмайди.

* * *

Дунёсини тарк этиб, фақат охирати учун амал қилган одам ҳам ёки охиратини тарк этиб, фақат дунёси учун амал қилган одам ҳам сизларниг яхшиларингиз эмас. Балки унисини ҳам, бунисини ҳам ушлаган одам яхшиларингиздир (*Умар ибн Хаттоб*).

* * *

Кумайл ибн Зиёд ривоят қиласидар-ки: «Ҳазрати Али билан бирга юрар эдик. Жаббон қабристони ёнидан ўтаётганимизда, мозор томон қараб:

– Эй қабрда ётганлар, эй суяклари чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз ўксиз ва етим қолди ва хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда мана шундай хабарлар. Сизларда

қандай хабарлар бор? – деб сўрадилар. Сўнгра мен томон бурилиб:

– Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: «Озукнинг энг яхшиси тақводир», деб айтишган бўлар эди, – дедилар. Бир оздан кейин эса йиғлаб, бундай дедилар:

– Эй Кумайл, қабр – амаллар сандигидир. Буни фақат ўлганингдан кейин биласан...

* * *

Орзу-таманнога берилмаслик энг шарафли бойлиkdir, орзунинг ўзи ёмон бир амалдир.

* * *

Сен орзуларга таяниб қолишдан эҳтиёт бўлгин, чунки у аҳмоқликнинг бўлаклариdir.

* * *

Агар неъматнинг бир чеккасига эриша олсангиз, ношукр бўлиб ундан узоқлашманг, юз ҳам ўгирманг.

* * *

Дунё ҳаётида одам хастадир. Завқу сафо сурган одам охири пушаймон бўлгусидир. Факир одам ҳазиндир. Бой одам балога гирифткордир. Молининг ҳалолининг ҳисоби, ҳаромининг азоби бор, шубҳали фойдалардан озор топилгусидир (*Али ибн Абу Толиб*).

* * *

Молни топиш ва уни ишлата билиш ҳаракатида бўлинглар. Чунки мол сахийлар даражасини кўта-

ради ва бахилларга муҳтоҷ қилмайди. Кишилардан бирон нарса сўрашдан ўзингизни сакланг. Чунки сўрашлик кишининг энг охирги ноиложлик ҳолатидир (*Қайс ибн Осим ибн Синон*).

* * *

Бу дунёда моли омонат, ўзи меҳмон бўлмаган бирон кимса йўқ. Меҳмон деган доимо келади ва кетади, омонат эса эгасига берилиши керак.

* * *

Ҳам дунё, ҳам охират учун ҳаракат қилмаган одамни хушламайман.

* * *

Бир миллатда ишончли кишилар озайса, динини сотиб дунё йигувчилар кўпайса, у миллат орасида фитна болалайди.

* * *

Кўпчилик ёқирмайдиган ўлим ва камбағаллик қандай ажойиб нарсалардир! Аллоҳга қасами, бойлик ҳам, факирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсан ҳам, хотиржамман, Бой бўлган кезлар муҳтоjlарга ёрдам қилиш, факирликда эса сабр этиш фазилати бор» (*Абдуллоҳ ибн Масъуд*).

* * *

Одамлар камбағалликни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Улар ўлимни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Факирликни Раббимга тавозуъли

ва ўлимни Раббимга муштоқ бўлганим учун яхши кўраман.

* * *

Бой биродарларимизга адолат қилмадик. Улар ейдилар, биз ҳам еймиз. Улар ичадилар, биз ҳам ичамиз. Улар қийналадилар, биз ҳам қийналамиз. Уларнинг кўп моллари бор, унга қарашади, биз ҳам улар билан бирга у молларга қараймиз. Улар ҳисоб беришади, аммо биз ҳисоб беришдан озодмиз (*Абу ад-Дардо*).

* * *

Кимки Аллоҳ билан бой бўлса, у доим бойдир. Кимки касб-кори билангина бой бўлса, у доим камбағалдир... Дунёга эришмоқ хўрликдир, охиратга эришмоқ азизликдир. Азизликни қўйиб хўрликни истаган киши эса аҳмоқдир.

* * *

Пул – чаёндир, агар ҳалолидан топмасанг ва ўрнида ишлатмасанг, яқинлаша қўрма. Чунки чақса, заҳари сени ўлдиради.

* * *

Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нарса ўғирлама-ки, шайтон уни олишга келиб, сенинг до-дингни бермасин.

* * *

Дунё – Аллоҳнинг экинзори, одамлар – шу экинзорнинг экини, ўлим – ўроқ, жонни олувчи фаришта

алайхиссалом – шу экинни ўрувчи, қабристон – уни янчуби, жаннат ва дўзах – хавоий хоҳишларнинг уйидир. Бир гурӯҳи жаннатда, бир гурӯхи дўзахда бўлади.

* * *

Дунёни йўқотиш қаттиқдир, лекин жаннатни йўқотиш ундан ҳам қаттиқ. Охиратнинг маҳри дунёни тарк қилишдир.

* * *

«Олтин-кумуш чаёндир. Унинг афсунини ўрганмагунча қўл узатмагилки, сени ҳалок қилур. Унинг афсуни (дуоси ва йўли) ҳалолдан топиб, ҳақ-ростга харж қилмоқдир».

* * *

Эҳ, бизлар бу дунёда факир ва бечораҳол бўлишдан кўрқамиз. Аммо охиратда факир, nocte віді расвойи жаҳон бўлишдан кўрқмаймиз. Холбуки, биз – бандаларнинг яхши амалларга фақиру камбағал бўлишимиз бу дунёдаги камбағаллигимиз ва ночорлигимиздан кўрқинчлироқ ва уятлироқдир (*Яҳё ибн Муоз*).

* * *

Ким бойни икром қилиб, камбағални хорласа, лаънатлангандир (*Абдуллоҳ ибн Аббос*).

* * *

Пул – мунофиқларнинг тизгини, улар оташдан қочмоқчи бўлиб турганларида пул тизгин бўлиб туради (*Сумайт ибн Ожлон*).

* * *

Аллоҳ, таоло Одам билан Ҳаввони ерга туширганида улар дунё ҳидини топишди ва жаннат бўйини йўқотишиди. Икковини қирқ кун дунёнинг бад бўйи ўраб олди (*Захҳок*).

* * *

Камбағаллар ҳам, бойлар ҳам учта нарсани ихтиёр этишган. Камбағалларнинг ихтиёр қилган нарсалари – нафснинг роҳати, қалбнинг юмшоқ, ҳисобнинг енгил бўлиши. Бойларнинг ихтиёри – нафснинг чарчаши, қалбнинг машғуллиги ва қаттиқ ҳисоб (*Шақиқ Зоҳид*).

* * *

Факир улки, унинг овқати – нима топса, ўша бўлади, либоси авратини ёпишга етади, макони қаерда ўлтирган бўлса, ўша ердир (*Абу Туроб Нахшабий*).

* * *

Дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилувчи бир нарса келмаса.

* * *

Арзимаган бир дунёлик кишини буюк ухровий масаладан қолдириб юборади (*Абу Ҳозим*).

* * *

Ким дунёликни қаттиқ истасаю, унга бу берилса, бунга ҳеч қачон қаноат қилмайди, яна истайди.

Ким охиратликни қаттиқ истаса-ю, унга бу берилса,
у ҳам бунга қаноат қилмайди, яна истайди. На дунё-
лик орзуларининг, на-да охиратлик орзуларининг
сўнгти бордир.

* * *

Қалбда пок туйғулар ва охират қўрқуви бўлган
бир пайтда нафснинг ҳавои орзуларига берилган
бир ҳаёт келади-да, унинг тинчлигини бузиб, ўзига
бир жой очмоқчи бўлади.

* * *

Фақат қалбида охират тушунчаси бўлган кимса-
гина ёмонликлардан узоқ тура олади (*Абу Сулаймон
Дороний*).

* * *

Дунё ҳаётида қўлга киритолмаган нарсала-
ринг учун қанчалик ачинсанг, охират тушунчаси
қалбингдан шунчалик ўчирилади (*Молик ибн Динор*).

* * *

Кишининг юрагида дунё ҳаёли ва охират ҳаёли
юзма-юз келади. Қай бири ғолиб чиқса, иккинчиси
унга тобеъ бўлади (*Сайёр ибн Ҳакам*).

* * *

Ким дунё ҳаётига қўнгил бериб, фақат унигина
севса, уни охиратдан устун қўйса, Аллоҳ ўша одам-
ни олти жазога раво кўради. Буларнинг учтаси бу
дунёда яна учтаси охиратдадир. Бу дунёдаги жазо-
лар:

- охири кўринмайдиган орзу-истаклар кишанла-ри исканжасида қолиш;
- тўйиш нималигини билмайдиган очкўзликка мубталолик;
- ибодат лаззатидан маҳрум бўлиш. Охиратдаги жазолар:
 - қиёмат куни даҳшатли қўрқув ҳисси;
 - қийин ҳисоб-китобга дучор бўлиш;
 - чексиз ғам-андуҳга ботиш.

* * *

Эндиликда кимники кўрсанг фосиқ бўлиб, ўттиз минглаб ақча билан дўзах тагига шўнғиб бораётганини кўрасан. У нега шундай қилади? Ахир у Аллоҳ таоло берадиган насибасини арзимайдиган нарсага сотяпти-ку?! Яна кимни истасанг, у ўз давлати, мол-мулкини ўринсиз ерга сарф қилаётган шайтон йўлига кирмоқчи бўлаётганини кўрасан. Унинг ўзи ҳам инсофга келмайди ва бошқалар насиҳатини қабул ҳам қилмайди.

* * *

Пулни ўйлаб сарф қилиш ярим фойдадир.

* * *

Дунё ҳаёти уч кун: кеча, бугун, эрта. Кечади ўтди, эртанинг бўлиши номаълум. Шундай экан, бугунги кунни қадрлаш керак.

* * *

Дунё кезиб охиратини топганни кўрмадик, лекин охиратини қидириб дунёсини топганни кўрдик.

* * *

Мен шундай инсонларни кўрдимки, улар учун дунё ҳаёти шу сизлар кезиб юрган тупроқдан ҳам тубан. Дунё ортдими ё йўқ бўлдими, унга кулиб боқдими, бунга кулиб боқдими – ҳеч аҳамият бермайдилар.

* * *

Одам уч нарсадан афсусланиб бу дунёдан кўчади: тўплаган моли ва бойлиги билан тўймайди, орзуларига эришолмайди, охират ҳаёти учун ҳозирлигини қилолмайди (*Ҳасан Басрий*).

* * *

Дунё ва дунё ҳаётидан баҳслашиб, уни ёмонланмаг! Агар қалбингизда дунё севгиси бўлмасайди, уни ёдга олмасдингиз. Зеро, ким бир нарсани севса, ўшани кўп зикр этади (*Робиъа Адавийя*).

* * *

Туяning игна тешигидан ўтиши бойнинг жаннатга ўтишидан кўра осонроқдир (*Ваҳб ибн Мунаббаҳ*).

* * *

Дунёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини тамада кўрдим.

* * *

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим.

* * *

Кўрдимки, Аллоҳ дунё қуллигидан озод қилган кишигина ҳақиқий хур экан.

* * *

Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узунроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан (*Шайх Нажмиддин Кубро*).

* * *

Дунёдорлар дарвешларга тавозуъ қилса, дин-ий-монини сақлаган бўлурлар, дарвешлар дунёдорларга тавозуъ қилса, гуноҳкор бўлурлар (*Абу Али Фарўумодий*).

* * *

Сенки дунёга толибдурсан, дунё сенинг сultonингдир, ҳалок бўлмоғинг унинг қўлидадир. Вактики дунёдан юз ўтиранг, дунёниг султони бўлурсан.

* * *

Невъматларнинг энг яхшиси – ҳаракат қилиб эришилгани. Дўстларнинг энг яхшиси – Аллоҳ таолони эслатгани. Қалбларнинг энг нурлиси – ичида молдунё севгиси бўлмагани (*Абул Хасан Харақоний*).

* * *

Ҳеч кимга озор бера кўрма, дунё барчага баробардир (*Муъиниддин Жувайнӣ*).

* * *

Аллоҳ ўз қулини севганда бу дунёда унинг ғамларини кўпайтиради ва ундан нафратланганда молу дунёсини кенгайтиради.

* * *

Ҳар бир нарсанинг закоти бор, ақлнинг закоти охират андишасидир.

* * *

Агар дунё ҳалол бўлса ҳам ва охиратда ҳисоб сўралмаса ҳам, борди-ю менга берилсайди, сиз нажосатдан қандай жиркансангиз, мен ҳам дунёдан шундай жирканардим.

* * *


Дунё ҳаётининг масъулиятызиз, ифлос ва ғайриахлоқий йўриғига кириш осон, лекин чиқиш қийин (*Фузайл ибн Иёз*).

* * *

Дунёдаги улушинг сени, албатта, кидириб топади. Сен ундан кўра охиратдаги улушингга муҳтожроқсан. Бинобарин, сен охиратдаги улушингни танла (*Муоз ибн Жабал*).

* * *

Қалбида олтин ва кумушларни яхши кўрган одам сариқ чақа эвазига минглаб одамларнинг қонини тўкиши мумкин.



* * *

Олтин-кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки касб-хунари бўлмаган киши камбағалдир (*Мажидиддин Хавофий*).

* * *

Бу дунёning неъматлари бамисоли илоҳий ғазабга учрагандай нопок кишиларга насиб бўлади.

* * *

Баданинг учун дунёни, қўнглинг учун охиратни лозим тут. Дунё тани семиртиради, охират фикри кўнгилни ўстиради (*Суфён Саврий*).

* * *

Бир бандага дунё молидан нима етса, саҳий бўлса ҳам, Аллоҳ наздидаги даражаси пасаяди (*Абдуллоҳ ибн Умар*).

* * *

Мулк, уй, фарзанд Аллоҳ томонидан берилган омонатдир. Агар хоҳласа, уни қайтариб олиши мумкин (*Ҳамид Бағдодий*).

* * *

Дунё ҳаёти қисқа, охиратдаги азоб эса оғирдир. Ҳар иккаласининг фарқини ўйлаб, тайёргарлик қилиш лозим (*Имом Раббоний*).

* * *

Пулнинг қаердан ва қандай келаётганини билмоқчи бўлсанг, қаерга сарф қилинаётганига қарагин (*Имом Аъзам*).

* * *

Инсонларнинг энг катта фалокати бу дунё учун ҳам, охират учун ҳам бирон амал қилмаслигиdir (*Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустариy*).

* * *

Хукмдорларнинг ва қиролларнинг дабдабали яшашларига қарама, уларнинг қандай тезлик билан бу оламдан кўчиб кетаёганларига ва ҳаётларининг хотимаси ёмонлигига қара (*Мутарриф ибн Шиххир*).

* * *

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир (*Абу Райҳон Беруний*).

* * *

Кундалик ризқ кўп, қайгураверма. Шу билан бирга мол орттираман, деб ўзингни кўп қийнайверма. Чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта ҳам донея олмайди.

* * *

Мол-дунёинг сени алдамасин, чунки асраган мол-дунёинг бошқаларники бўлади. Уларни сарф эта олсанг, ўша сеники бўлади.

* * *

Бойликни топишибди-ю, ақл-идрокни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди? (Абу Али ибн Сино).

* * *

Улар бу дунёга шунчалар алданганлар-ки, барча нарсаларнинг тарк бўлишини билганлари ҳолда, талон-тарождан жуда қўрқадилар. Ҳолбуки, яланғоч кишининг ўзини ўғрилар талон-тарож қилишидан қўрқиши ажаб ғалати ишдир. Инсон бу дунёга яланғоч ҳолда келиб, яланғоч ҳолда кетади. Аҳвол шундай бўла туриб, улар ўғриларнинг номини ҳатто эшитмай туриб, юраклари така-пука бўлади. Ўлим онлари етганда бойликлари ўзлариники эмаслигини тушунадилар. Афсуски, вақт бой берилган бу пайтда надоматлардан заррача наф йўқ. Кўзлари очиқлигига уларнинг бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси этагига тошчалар тўплаб ўзини бой ҳисоблаётган ва бу «бойлигини» йўқотиб қўйишдан чўчиётган болаларнинг нодонларча қўрқуви кабидир. Агар шу тошчалардан бир нечтасини боладан олиб қўйсангиз, у алам билан йиглай бошлайди. Қайтариб берсангиз, бағоят севинади. Болани бу қилиғи учун ҳеч ким айбламайди. Бироқ, уларга ўхшаган аҳмоқлар эса дунёнинг ўткинчи сарватини ўзининг мол-мулки деб билгани учун бу ёлғончи бойликдан ажралиб қолишдан ўлгудек қўрқадилар.

* * *

Шарқ Ҳақни топди, дунёдан кечиб, Ғарб дунё
топди, Аллоҳдан кечиб

* * *

Бу олам бир бору бир йўқ. Аста-аста кетганлар –
йўқ, аста-аста келгувчилар бор.

* * *

Дунё ҳаваси Тангридан ғофил қолишидир.

* * *

Эй инсон, қўлларингдаги занжирларни еч, хур
бўл! Токай олтиннинг, зеру забарнинг асири бўла-
сан?!

* * *

Эй инсон, бу оламдаги жунбуш ва дабдабага ал-
данма! Уйқуда кўрган тушингда вужудинг қийма-
қийма бўлса ҳам, қўрқма! Зоро, бу дунё бир уйқудан
иборатдир.

* * *

Хазина азият чекканга, ишлаб ғайрат кўрсатган-
га насиб қиласди.

* * *

Ҳаддидан ошмасин орзунинг кўпи,
Тоғни кўтаролмас бир сомон чўпи. (Жалолиддин
Румий).

* * *

Бир одамни «сүддик» деб атацингиз мумкин.
Бироқ дунё муҳаббати унинг қалбига ўрнашган
бўлса, Аллоҳ таоло унга асло назар қилмайди (*Абул Ҳасан Али Мазин*).

* * *

Мол-дунё ҳасрати қилмасин абгор,
Мангу яшар киши қани, қайда бор?! (*Умар Хайём*).

* * *

Хеч бир мурид Аллоҳга севгиси ҳақиқий бўлмагу-
нича камолга эриша олмайди, мол-дунё ва дунёпа-
растларни ёмон кўрмагунича, дунё неъматларига
эътиборсиз бўлмагунича Аллоҳ таоло уни севмайди.

* * *

Дунё севгиси билан қилинган ибодат қалбга
тўсиқ бўлади ва аъзоларни чарчатади (*Абул Ҳасан Шозалий*).

* * *

Дунёпараст ножинслардан бўйин товла,
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тошдим мано.

* * *

Бешак билинг, бу дунё борча халқдин ўтаро,
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетди – фикр қил,
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро (*Аҳмад Яссавий*).

* * *

Севги кечасининг лаззат бағищлайдиган сифат-
ларига эга бўлмаганлар тилла беҳаклардан ёрдам
кутади.

* * *

Кимниң бошига қўнаркан давлат,
Барча бўлғай унга қариндош янглиғ.
Бахт унинг уйидан юз ўтирган кун,
Эшигу девори бўлғай гўё тиф.

* * *

Бир қора чақага чўзилса қўлим,
Бир ярим тангага кесилгани соз.

* * *

Бошқалар молига қўнгил қўймагил,
Сўнгра қўнгил узмоқ жуда ҳам мушкул.

* * *

Ўтиргил очу бечора ялонғоч,
Вале нокаста асло бўлма муҳтож.

* * *

Ким агар ўсибди нозу неъматда,
Холи оғир бўлар, қолса кулфатда.

* * *

Пулу мол йигишни қилурсан хаёл,
Этиб умр сармоясин поймол (*Шайх Саъдий*).

* * *

Дунё бир матоким, унинг кетидан
Хирс қўйиб юрмагил, ўтгили юзидан (*Абдураҳмон Жомий*).
* * *

Банданинг қалбида дунё шаҳватларидан бир шаҳват ёки лаззатларидан бир лаззат давом этар экан, у охиратни севган кимса эмасдир (*Абдулқодир Жийлоний*).
* * *

Шоҳликдан, бойликдан айлама сўрок,
Дунё машмашаси қалбида булоқ.

* * *

Бойлигин орттирмоқ бўлиб оҳу воҳ,
Қилган бой, билсайди тинчлик йўлин, оҳ.
Шам шодлиги бошда қалпоғидандир,
Билмаски, жонининг ёви шу кулоҳ (*Абдуқодир Бедил*).

ДУНЁ ҲАЁТИ

(Абу Ҳомид Газзалийнинг
«Мукошафатул құлуб» асаридан)

Илоҳий китоб бўлмиш Куръоннинг кўрсатмалари ва Мухаммад Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) хулқларига нолойиқ тарзда ҳаёт кечиришларни қораловчи оятлар жуда кўп. Куръоннинг кўплаб оятлари шу хусус-да тўхталади, одамларни ўз хошишистагига қараб яшащдан узоклашишга ундейди ва илоҳий ахлоқ асосларига мувофиқ яшаб ўтишга давлат этади. Пайғамбарларнинг мақсади ҳам шудир. Улар фақат инсонларни илоҳий ахлоқ билан яшашига чақириш учун Аллоҳ томонидан юборилгандирлар. Биз ўқувчиларимизда шубҳа қолдирмаслик мақсадида Қуръондан бу мавзудаги айрим оятларни келтирамиз:

«Билингиз-ки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрланиш ва молдунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатdir. (У) бамисоли бир ёмғир-ки, унинг (сабабидан униб чиққан) гиёҳ коғирларни таажжубга солур. Сўнгра у қуригач, уни саргайган ҳолда кўрасиз. Сўнгра у ўтин бўлиб қолур. Охиратда эса (қай бирингиз учун) қаттиқ азоб (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти фақат алдов матоҳидир» (Ҳадид, 20).

«Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир. Роббингиз наздига эса, боқий қолувчи солих амаллар савоблироқ ва орзу қилишга лойикроқдир» (Каҳф, 46).

«Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса, саҳродағи саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, унинг олдига келгач эса, ҳеч нарса топа олмас ва Аллоҳни унинг (қилган амалининг) олдида топур. Бас, У унинг ҳисоб-китобини мұкаммал қилур. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Нур, 39).

Кўриниб турибидики, оятлар ғоят равшан ва аниқ. Энди биз фақат шу мавзудаги ҳадислар билан бир қаторда баъзи улуғларимизнинг сўзларини келтирамиз.

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам йўл устида хандакқа ташланган қўй лошини кўрдилар. Ёнларидағи шерикларига: «Нима деб ўйлайсиз, шу қўйнинг эгаси учун бирон қиймати борми?» – дедилар. Улар: «Қиймати йўқ», деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: «Нафсимиз измида бўлган Зотта қасам-ки, Аллоҳ наздида дунё шу қўйнинг ўз аҳлига қадрсиз бўлганидан ҳам қадрсизроқдир. Агар Аллоҳ хузурида дунёning пашша қанотича қадри бўлганида, коғирга ундан бир ҳўплам сувни ҳам раво кўрмасди».

Дунё ва унда Аллоҳ ризоси учун қилинмаган ҳар нарса лаънатга лойиқдир. Абу Мусо Ашъарий ҳикоя қиласидилар: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: «Ким дунёсини севса, охиратига зарар беради. Ким охиратини севса, дунёсига зарар етказади. Абадий нарса ўткинчи нарсадек эмас».

Зайд ибн Арқам ҳикоя қиласидилар: «Бир сафар Абу Бакр (р.а.) билан бирга эдик. У сув истади. Унга сув ўрнига асал шарбати келтиришди.

Ичмоқчи бўлиб оғзига оларкан, йиғлади. Ёнидагиларни ҳам йиғлатди. Улар бир оздан кейин тинишди. Аммо Абу Бакр тўхтамай, йиғлашда давом этаверди. Сўнгра ичмоқчи бўлиб, яна оғзига олиб, йиғлади. Ёнидагилар бу ҳолни тушунолмай: «Эй Расулуллоҳнинг халифаси, сени йиғлатган нарса нима?» деб сўрашди. Абу Бакр (р.а.) изоҳ берди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. У зот ўзларидан бир нарсани даф этмоқда, узоқлаштирумокда эдилар. Ҳолбуки, ёнларида менга ҳеч нарса кўринмасди. «Ё Аллоҳнинг Расули, ўзингиздан узоқлаштирумокчи бўлаётган нарсангиз нима (нимани ҳайдаяпсиз)?» – дедим. У зот: «Бу дунё ҳаёти менга тамсил ҳолида кўрсатилди. Мен унга: «Мендан узоқлаш», дедим. Йироқлашди, сўнгра қайтиб келиб: «Сен мендан қочяпсан, лекин сендан кейингилар мендай қочмагай!» – деди. Яна Аллоҳнинг Расули бошқа ҳадисларида бундай марҳамат қиласидилар: «Гаройибдан-гаройиб кимсаларнинг ҳоли шундай бўлади-ки, охират ҳаётини тасдиқ этадилар-да, дунё ҳаётини Аллоҳ буюрган амрларга мувофиқ ўтказмайдилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқинди ташланадиган жой ёнидан ўтаётиб, унинг олдида тўхтаб: «Дунё ҳаётига келинг!» – деб айтдилар. Сўнгра у ердан чириган бўз парчаси ҳамда сувкни олиб: «Мана дунё ҳаёти бу дунёning зийнатлари шу латтадай чиришига, бу эса сиз ҳар куни кўрадиганингиз гўзал инсонлар вужуди шу чириган сувк ҳолига келишига ишорадир! Дунё ҳаёти ширин ҳолвадир. Аллоҳ сизни ер юзида ўз ўрнига халифа

қилади. Қандай яшаб, қандай амал қилишингизга қарайди», – дедилар.

Ийсо (алайхиссалом) бундай дейдилар: «Дунёга топинманг, у сизни ўзига қул қилиб олмасин! Гўзал хулқли бўлиш ва чиройли амаллар қилиш билан Аллоҳ ҳузурида хазина тайёрланг. Бу дунё учун хазина тўплаганларнинг хазинаси офатга мубтало бўлишдан қўрқинчлироқдир. Ҳолбуки, Аллоҳ ёнида хазина тайёрлаганларнинг хазинаси касридан офатга мубтало бўлишдан қўрқиш йўқ». Яна Ийсо (алайхиссалом) ҳаворийларига хитобан дедиларки: «Эй ҳаворийлар, мен сизлар учун дунёни хор ва паст қилиб бердим-ки, мендан кейин уни олдинги мақомига кўтарманглар. Дунёга Аллоҳга осийлик унинг ёмонлиги ва ифлослиги боис экан, охиратга фақат шу дунёни тарк этиш билан етиб бориш унинг ярамас ва жирканчлигини билдиради. Эй ҳаворийларим, бу дунёдан уни ислоҳ ва обод қилмаган ҳолда ўтинглар, барча хатоларнинг асоси дунёни яхши қўриш эканини билинглар. Бир соатлик лаззат ва роҳат ўз эгасига кўпинча узоқ маҳзунлик келтиради. Дунё сиз учун ёзib қўйилди, сиз эса унинг устига ўтирдингиз. Канда қилмай, рўза тутиング ва тўқис ибодат қилинг. Дунё шундай нарса-ки, сиз уни излайсиз, у ҳам сизни қидиради. Охиратга талабгор кимса дунёда ризқини тўлиқ олсий деб, уни дунё қувиб юради. Дунёга талабгор кимсани ўлим келиб, тезроқ ёқасидан тутсин деб, охират излаб юради». Мусо ибн Ясор ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Молниг кўплиги сизни алдади. Одамзод молим, молим, дейди. Сизнинг еб тутатғанингиз,

кийиб эскитганингиз ёхуд садақа қилиб, мангуликка эришганингиздан бошқа молингиз борми?»

Дунё үйи йўқнинг уйидир, моли йўқнинг молидир. Дунёда фақат жоҳил ва нодонлар бойлик тўплайдилар. Дунёда фақат жоҳилларгина мусулмон биродарига душманлик қиласди ва бир-бирига ҳасадда бўлади. Фақат ақли калта кишиларгина дунёга очкўзларча берилади. Кимнинг сахарлаб турган заҳоти энг катта ғам-ташвиши дунёга таалуқли бўлса, унинг Аллоҳ наздида ҳеч бир қиймати йўқдир. Бундан ташқари, Аллоҳ унинг қалбига тўрт нарсани солади: қалбига ғам-ташвиш жойлайди-ки, ундан абадий қутула олмайди. Шундай машғуллик берадики, хайрли амаллар қиласай деса, ҳеч ундан қутулишга вақт тополмайди. Яна қалбига камбағаллик ҳиссини солади-ки, қанча топиб-тутмасин, барибир қаноатланмайди. Интиҳосиз орзу-ҳавас беради-ки, ҳеч охирига етолмайди. Абу Ҳурайра (р.а.) ҳикоя қиласдилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга дедилар: «Эй Абу Ҳурайра, дунёни ипидан-игнасигача сенга кўрсатайми?» Мен: «Ҳа, кўрсатинг ё Расулуллоҳ!» – дедим. Қўлимдан тутдилар-да, Мадинанинг дараларидан бирига етаклаб бордилар. У ерда инсоннинг бош суюклари, ичак-чавоқлари, латтага айланган бўз парчалари ва чириган суюклар уюлиб ётган хандак бор эди. Расулуллоҳ: «Эй Абу Ҳурайра, бу калла суюклари ҳам сизлар каби тирик эдилар, орзу-ҳаваслари ҳам сизларнига ўхшарди. Бугун эса улар терисиз суюқ, холос. Кейинроқ булар ҳам чириб, тупроқ ҳолига келадилар. Анави ичак-чавоқлар қандай топсалар топиб, қоринларини тўлдирадилар. Ана у эски латта бўз парчалари улар

кыйган либослар эди. Энди бу ерда уларни шамоллар ўйнаётир. Бу сүяклар эса, улар миниб юрган уловларни кидир. Ким бу дунёни деб, йигламбқочи бўлса, йиглайверсинг!» Расулуллоҳнинг бу сўзларидан кейин йигимиз тўхтамади, борган сари кучаяверди». Довуд ибн Ҳилол дейдилар-ки: «Иброҳимнинг (алайхисслом) саҳифаларида бундай ёзилган эди: «Эй дунё, сен солих зотларга қандаям ҳақирсан. Аммо Мен сени улар учун зийнатладим, факат улар қалбига сифинмаслик хиссини солдим. Улар сени деб яшамагайлар, Менинг буюрганларимга тобе бўладилар. Эй дунё ҳаёти! Мен сендан ҳам ҳақирроқ ҳеч нарса яратмадим. Сен ҳар қандай ҳолда ҳам арзимас ва оддийсан. Йўқ бўлишга маҳкумсан, сени яратган куним ҳеч кимсанинг сенга абадий эга бўлмаслигига хукм чиқардим. Сен сабабли баҳиллик ва хасислик билан нақадар хуш кайфиятда яшамасинлар, барибир улар баҳтиқародир! О, нақадар баҳтли бўлгайлар, қалблари тўғри кимсалар!.. Менинг барча муждаларим ана ўшаларгадир!.. Улар Менинг ёнимга келган чоғларида катта мукофотларимга сазовор бўладилар. Қабрларидан турган вақтларида уларнинг олдлари ёруғ бўлади. Раҳматимга ётишгунларича уларни фаришталар зиёрат қиласидилар!»

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Киёмат куни бир гуруҳ инсонлар кела-дилар, тоғ каби орзу-ҳаваслари бор. Жаҳаннамга ташланишга амр қилинади». Саҳобалар сўрашди: «Улар намоз ўқирмидилар?» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Ха, намоз ўқир, рўза ту-тар ва кечалари йиглашар эди. Лекин дунёвий фойда кўндаланг бўлган заҳоти сакраб ўринларидан туриб,

Аллоҳни унутардилар». Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бир хутбаларида буларни айтган эдилар: «Мўмин одам икки қўркув, икки муддат орасидадир. Булардан бири мозий-ўтмишдир. Бунда Аллоҳ ўзи ҳақида қандай ҳукмлар берганини билмайди. Яна бири мангулиқдир. Лекин мўмин банди Аллоҳнинг қандай ҳукм қилишидан хабарсиз. Бинобарин, инсон ўз нафси билан ўзи (охират) учун озиқ ҳозирласин. Бу дунёда охиратни деб, умр бўйи ўлимни ўйлаб, ёшлигига кексалиги учун ҳозирлик кўрсин! Чунки дунё сизлар учун яратилди. Сизлар эса дунёда охиратга ҳозирлик қиласиз. Борлигим қудрат измида бўлган Аллоҳга қасам-ки, ўлимдан кейин ёлғиз жаннат ва жаҳнам ҳаёти бор».

Ривоят қилинишича, Жаброил (алайхиссалом) Нуҳ пайғамбардан сўрайдилар: «Эй узок умр кўрган пайғамбар, дунё ҳаёти ҳақида нима деб ўйлайсан?» Нуҳ (алайхиссалом) бундай жавоб берадилар: «Икки эшик-ли уйга ўхшайди. Унинг биридан кириб, бошқасидан чикдим». Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай дедилар: «Дунё ҳаётига эътиборли бўлинг. Зеро, у Ҳорут ва Морутдан ҳам сеҳграрроқдир».

Яна Пайғамбаримиздан соллаллоху алайҳи васаллам ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ асҳоблари билан кўришганларида буларни айтдилар: «Сизларнинг ҳар бирингиз Аллоҳ қалбингиздан басиратсизлик-идроксизликни йўқотиб, басиратли-идрокли қилишини истайсиз, шундай эмасми? Шундай бўлгач, хабарингиз бўлсин, дунёда ким Аллоҳ буюрганларига мувофиқ яшамаса, узун ва бехуда орзу-ҳавасларга қанчалик кўмилса, Аллоҳ унинг

қалбидаги басиратни шу даражада йўқ қиласи. Ким дунёда Аллоҳнинг амрларига риоя қиласа, узун ва бехуда орзу-ҳавасларни тарк этса, Аллоҳ унга илм ва ҳидоят беради. Хабарингиз бўлсин, сизлардан кейин бир талай инсонлар келади, жабру-жафо ва қатл йўли билан мол-мулк соҳиби бўладилар, хасислик билан бойлик орттирадилар ва бу билан мақтанадилар. Севги-муҳаббат фақат ҳавои нафсга берилиши билан бўлади. Сизлардан қай бирингиз у замонларга етиб борса, ҳақли равишда топганига қаноат қилиб, рози бўлсин. Ноҳақлик билан бой бўлиш қўлидан келса ҳам, бу йўлга кирмасин, камбағаллигига сабр этсин. Бошқаларнинг севги-муҳаббатига сазовор бўлишни уддалай олишга қодир экани ҳолда, ҳавои нафси кўрсатган йўлларга кириб кетмасин. Азизу мўътабар бўлиш қўлидан келса ҳам, хору хокисорликка чидаб, сабр қиласин. Лекин ўзини бундай тутиши билан ёлғиз Аллоҳнинг ризосини талаб этсин. Ўзини шундай тутса, Аллоҳ унга эллик сиддиқ савобини беради».

Ийсо (алайхиссалом) дейдилар-ки: «Дунёга топинувчиларга уят! Энди қандай ўладилар, дунёни ва дунёдагиларни қандай ташлаб кетадилар?! Дунё ҳаёти уларни алдайди, шарманда қиласи. Улар эса дунёга ишониб, суюниб, керилиб юрадилар. Дунё ҳаётига мағрут бўлганларга уят! Дунё шундайки, уларни ағёрлар билан учраштиради, севганларидан айиради. Ваъда қилинган нарсаларни кўрсатади. Жон-жахди билан дунё кетида эргашиб юрган ва барча амаллари хатолар билан тўла бўлган кимсларга уят! Эртага Аллоҳнинг ҳузурида бу гуноҳлари боис қандай шарманда бўлурлар!»

Аллоҳ ваҳий юбориб, Мусога (алайҳиссалом) бундай хитоб қилди: «Ё Мусо! Золимларга хос дунё ҳаётининг сенга нима кераги бор?! Золимларга ўхшаб яшаш сенга ярашмайди. Ақлингни ишлатиб, бундай яшашдан қоч! Золимлик билан ўтказилган бу дунё ҳаёти нақадар тубан! Чиройли амаллар билан ўтказилган дунё ҳаёти эса нақадар гўзал! Мен мазлумнинг ҳақини золимдан олиб бериш учун у золимни қадам-бақадам кузатаман».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайда ибн Жарроҳни тижорат мақсадида сафарга жўнатганлар, у бир талай мол билан сафардан қайтгач, ансорлар унинг келганини эшитгандилар. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) билан бирга намоз ўқиётган ансорлар ибодатдан кейин у зотнинг атрофига йиғилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг кайфиятларини кўриб кулимсирадилар ва: «Афтидан, Абу Убайда бир нарсалар олиб келганини эшитгансизлар», – дедилар. Улар: «Ҳа, ё Аллоҳниң Расули!» – дея жавоб беришли. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Севининг ва сизларни севинчга гарқ этувчи амалларни хаёл қилинг. Онт ичиб айтаманки, мен сизларнинг факирона ҳаёт кечиришингиздан кўрқмайман, чунки сизлардан аввалги баъзи қавмлар дунёда мўл-кўллик, маъмурлик ичидагашандилар. Шу боис ўзаро курашиб, маҳв бўлгандилар. Сизларнинг ҳам айни тарзда мўл-кўллик ичидагашёт кенира туриб, бир-бирингизга ташланишингиз ва охири маҳву паришон бўлишингиздан кўрқаман».

Абу Сайд Худрий (р.а.) бундай ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): «Эй умматим, сизлар

учун энг кўп қўрқсан нарсам, Аллоҳ ердан чиқарган баракатлардир», дедилар. Сўрашди: «Ё Аллоҳнинг Расули, баракатлар нима?» «Дунё зийнатлари дидир», – дедилар. Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар-ки: «Қалбларингизни дунёда кўпроқ бойлик орттириш фикри билан банд қилманг».

Аммор ибн Сайд ҳикоя қиласидилар: «Ийсо (алайхиссалом) ёнларида ҳаворийлари билан бир қишлоққа борган эдилар. Қишлоқ аҳолисини кўчаларда ва соҳилларда ўлик ҳолда топдилар. Ҳаворийларига дедилар-ки: «Эй ҳаворийлар, булар Аллоҳнинг ғазабига учраганлар, шунинг учун ўликлари бу ҳолда ётибди. Агар шу сабаб билан ўлган бўлмасалар эди, дафн этилардилар». Шунда ҳаворийлар Ийсадан (алайхиссалом) уларнинг қисссасини билмоқчи бўлдилар. Ийсо (алайхиссалом) эса Аллоҳдай бу воқеанинг тафсилотини маълум қилишни сўрадилар. Аллоҳ вахий орқали: «Тун кирганда уларга нидо қил, сенга жавоб берадилар», деб билдириди. Тун кирди. Ийсо пайғамбар: «Эй қишлоқ аҳли!» деб уларга хитоб қилдилар. Бир овоз: «Лаббай, ё Ийсо!» деб жавоб қилди. Ийсо (алайхиссалом): «Бу ҳолга тушишингизга нима сабаб бўлди, ҳикоя қилинг», – деб сўрадилар. Овоз: «Кечқурун соғсаломат ётган эдик, эрталаб ўзимизни жаҳаннамда кўрдик», – деди. Ийсо (алайхиссалом): «Бунга нима сабаб бўлди?» – деганларида, овоз: «Дунёга ўчилигимиз ва Аллоҳ йўлидан чиққанларга итоат этганимиз», – дея жавоб берди. Ийсо (алайхиссалом) «Дунёни шу қадар севармидингиз?» – деб сўрадилар яна. Овоз: «Ха, гўдак онасини севгандек севардик. Ноз-неъматларга кўмилганда севинардик, ундан

ажраган пайтимизда қайғуриб, йиғлардик», – деб жавоб қилди. Ийсо (алайхиссалом) бу сафар: «Хўп, у ҳолда дўстларингизнинг ҳоли қандай? Улар нега жавоб бермаётирлар?» – деб сўрадилар. Овоз: «Чунки улар қаттиққўл фаришталар қўлида олов тизгинлар билан жиловланган», – деди. Ийсо (алайхиссалом) сўнгги марта овоздан ўзи қандай жавоб бераётганини сўради. Овознинг жавоби бундай бўлди: «Мен улар ичида бўлсанм ҳам, уларнинг ёмон амалларига кўшилмасдим. Уларга азоб тушди. Мен эсам муаллақ осилиб ётибман. Азобдан халос бўламани-йўқми, билмайман».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир туялари бўлиб, юрища ҳечбир туюнинг олдигатуша олмасди. Бир куни бир аробий туяси билан келиб, Пайғамбаримизнинг туяларини ортда қолдирди. Шунда Расулуллоҳ (алайхиссалом) дедилар: «Аллоҳ ўзи юксалтирган нарсасини сўнгидаги мутлақ пасайтириб ҳам қўяди». Ийсо (алайхиссалом) дейдилар-ки: «Денгиз тўлқини устига ким уй қура олади? Мана, дунё ҳаёти шудир. Уни абадий қароргоҳ қиласман, деб ўйламанг». Яна Ийсо (алайхиссалом)дан сўрадилар: «Бизга шундай нарса ўргат-ки, у туфайли Аллоҳ бизни севсин». Ийсо (алайхиссалом) бундай жавоб бердилар: «Дунё ҳаётида ҳавои нафсга берилманг. Шунда Аллоҳ сизни севади».

Абу Дардо ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар-ки: «Агар менинг билганимни билсайдингиз, оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз. Ҳавои нафс орзуларига берилиб яшалган бу дунё ҳаёти сизга ҳақир кўринарди. Аллоҳ йўлида ҳаёт кечиришни устун қўйган

бўлардингиз». Абу Дардо Пайғамбаримиздан бу ҳадисни нақл қилганларидан сўнг, бундай хитоб қилдилар: «Менинг билганимни билсайдингиз, тоғ-тошларга чиқиб кетиб, Аллоҳга ёлборардингиз ва ўз ҳолингизга йиғлар эдингиз. Жонингизни жабборга бериб йиғган, кўз қорачиғидай асраган молларингизни ташлаб кетиб, улар ҳеч нарса эмаслигини тан олардингиз. Лекин узун орзу-ҳавас сизларнинг қалбингиздан охират ташвишини сидириб ташлаган. Дунё ҳаёти бирдан-бир орзунгиз бўлиб қолган. Шу сабабли тўғриликдан юз ўғиргансиз. Баъзиларингиз эса қилган ишлари фалокатга олиб боришини ўйламагани учун ҳавои истакларини тарк этолмаган. Булар ҳайвонлардан ҳам тубанроқдир. Сизларга нима бўлган ўзи, бир-бирингизни севмайсиз, бир-бирингизни тўғри йўлга солмайсиз? Ахвол шундай-ки, тилда ўзаро биродарсиз. Аммо аслида, ёмонлик сизларнинг бирингизни иккинчингиздан айирган, бирингиз бошқангизни йиқитасиз. Агар тўғри йўлда бўлсайдингиз, бир-бирингизни севардингиз. Сизларга нима бўлган ўзи, дунё ишларида бирингиз иккинчингизга йўл кўрсатасиз-у, охират ишида бундай қилмайсиз? Ҳеч бирингиз дунё ишларида севгаи ва ёрдам берган кишингизга охират ҳусусида сира, насиҳат қилмайсиз; бу ҳол сизларнинг қалбингиздаги иймоннинг сустлигидан юз берди.

Агар дунёни ўрганганингиздай охират ҳаётини ҳам яқиндан билсайдингиз, унга инонсайдингиз, у дунё учун ҳам бирор иш қилас, Аллоҳнинг амр-буйруқнарига итоат этган бўлардингиз. Чунки охират ҳаёти сиз учун абадийдир. Йўқ, «Дунё ҳаётига

бўлган севгимиз ажойиброқ!» – деёлмайсиз, чунки дунё ҳаётида ҳам баъзан келажакда қўлга киритишиңгиз мумкин бўлган нарса учун қўлингиздаги бор-йўқ нарсаларингизни фидо қиласиз (масалан, бир йил кейин эришишингиз мумкин бўлган ҳосил учун ҳозир қўлингизда тайёр турган уруғни сочасиз).

Кутган нарсангиз бўлмай қолиш эҳтимолини била туриб ҳам, заҳмату маشاққатларга кўмилиб, нақд нарсангизни қўлдан чиқарасиз. Сиз комил инсон соҳибларига хос аломатлардан маҳрум бўлган ёмон инсонларсиз! Ёки айтинг, Аллоҳнинг Расули Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тақдим этган ҳақиқатлардан шубҳангиз борми? Агар ундей бўлса, бу гумонларингизни баён этинг, мен эса сизларга ҳақиқатни далиллари билан кўрсатай, қабларингизни нур билан ёритай. Аллоҳга қасам-ки, сизлар ақли ноқис кишилардан эмассиз-ки, маъзур кўрсам. Чунки дунёвий ишларингиздан тўғри ва фойдалиларини фарқлай оласиз, корингизга ярайдиган нарсаларни қўлга киритишни яхши биласиз, уларга эга бўласиз. Сизларга нима бўлган ўзи, бир оз дунёликни қўлга киритсангиз, севиниб кетасиз, лекин озгина дунёликни йўқотсангиз, қайғурасиз?! Шундай ғамгин бўласиз-ки, бу дардингиз юзингиздан билиниб туради, тилингиз уялмай шундан гап очаверади ва шу арзимас йўқотишни мусибатдай таърифлайсиз ва билмайсиз-ки, бу хусусда гуноҳга ботасиз. Аксариятингиз динингиздан кўп амалларини тарқ этган. Шундай бўла туриб, юзларингизда оз бўлса-да ўзгариш, қайғу аломатлари йўқ. Ҳолбуки, заррача дунёликни йўқотсангиз, юз-

ларингизда қайғу аломатлари кўриниб қолади. Мен ҳозирча, сизлардан Аллоҳ юз ўғирган, деб ўйламайман. Баъзиларингиз ўзаро севиниб сұхбатлашасиз. Ҳар бириңиз бошқа бириңизни қабул қылганда уни ранжитмасликка тирищасиз, аммо буни фақат «У ҳам мени қабул қылганда хушмуомалада бўлсин», деб қиласиз. Қалбларингизда эса бир-бириңизга нисбатан гинаю адоват ва душманлик мавжуд. Бутун ҳәётингиз ҳою ҳавасдан иборат. Амални унтиши борасида бир-бириңизни ортда қолдириб кетгансиз. Истардим-ки, Аллоҳ мени сизларнинг бу ҳолларингизга солмасин, тинчлик-хотиржамлик берсин ва мени Аллоҳнинг Расулига етиштирсин. Агар у зот ҳәёт бўлсайдилар, сизларнинг бу ҳатти-ҳаракатларингизга чидай олмасдилар. Мана, сизга ҳақиқатларни эшиггиришим, ақлингиз бўлса, Аллоҳнинг наздидағи нарсаларни изласангиз, осонлик билан топасиз. Мен ўзим ва сизлар учун ёлғиз Аллоҳдан мадад сўрайман».

Ийсо (алайҳиссалом) бундай дедилар: «Эй ҳаворийлар, дунё неъматларини кўрганда, диний асосларни тарқ этманг. Гап шундаки, кўпинча, дунёга сигинганлар дунёвий саодатга эришганда диний асосларни тарқ этиб кетадилар». Аллоҳнинг Расули, севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васаллам бундай дедилар: «Эй умматим, мендан кейин шундай дунё ҳаёти келадики, олов ўтинни егандай, бу ҳәёт ҳам сизнинг иймонингизни ейди».

Аллоҳ Мусога (алайҳиссалом) вахий қилиб бундай буюрди: «Эй Мусо, охиратингни унуттирадиган дунё севгисига майл қўйма. Агар ҳузуримга дунё севгиси билан келадиган бўлсанг, энг катта гуноҳинг

шу бўлади». Мусо (алайҳиссалом) бир жойдан ўтаётган эдилар. У ерда дуо ўқиб йиғлаб ўтирган одамини кўрдилар, аммо эътибор бермай, йўлларида давом этавердилар. Анчадан кейин ортга қайтдилар. Карасалар, ўша одам ҳамон дуо қилиб йиғлаётган экан. Шунда ўзларича: «Ё Раб, банданг Сендан кўркиб йиғляяпти», -дедилар. Мусо (алайҳиссалом) нинг хаёлларидан шундай ўй ўтиши билан Аллоҳ ваҳий юбориб буларни билдириди: «Ё Мусо, бу қулим дуо ўқиб йиғлаётганида оқкан кўз ёшлари билан мияси суюлиб оқиб кетса ҳам ва қўлларини дуо учун кўтариб, ҳолдан тойгунча турса ҳам, уни афв этмайман, чунки у мени эмас, дунёни севади. Менга эмас, дунёга ва унинг молига ишонади».

Ҳазрат Али дейдиларки: «Кимдаки олти хислат жамланган бўлса, жаннатга тушади, жаҳаннамдан омон қолади: Аллоҳни таниб, унга итоат этса, шайтонни билиб, унга эргашмаса, ҳақни ўрганиб, унга таслим бўлса, ботилни таниб, ундан қочса, дунёниг ҳавои ҳаёт эканини билиб, уни тарк этса, охират ҳаётини таниб, унга тайёргарлик кўрса, яъни охират учун ҳам ишласа».

Ҳасан Басрий (раҳимахуллоҳ) дедилар: «Дунё ҳаёти ўзлари учун омонат эканини биладиган ва бу омонатни эгасига қолдириб кетадиган, сўнгра бу дунёдан айб-гуноҳсиз кўчиб кетадиган кишиларни Аллоҳ ғаҳмат қилсин. Бирон киши сен билан дин масаласида мужодалага киришса (тортишса) ва динингга бирор зарар келтирмоқчи бўлса, сен ҳам у билан мужодала эт. Лекин дунёвий масала-да мужодалага киришса ва сенинг дунёингга зарар етказмокчи бўлса, уни ўз ҳолига қўй».

Луқмони ҳаким ўғлига: «Эй ўғлим, дунё ҳаёти бениҳоя чукур денгиздир. У ерда кўп кишилар чўкди. Бу ҳаёт денгизида кеманг тақво бўлсин. Кемангнинг ашёлари Аллоҳга иймон бўлсин, елкани Аллоҳга таваккал бўлсин. Шундагина умид қиласан-ки, бу ҳаёт денгизида чўкмасдан, омон қоласан. Йўқса, сен учун бошқа қутилиш йўлини кўрмайман».

Хикмат ахлидан баъзилари бундай дейишган: «Дунёда ҳеч бир нарса йўқ-ки, сендан илгари эгаси бўлмаган бўлса. Яна бирор нарса йўқ-ки, сендан кейин эгасиз қолса. Шундай бўлгач, бу қадар қисқа ҳаётни деб ҳавои нафсинг учун ўзингни ҳалок этма. Аллоҳнинг йўлидан айрилма. Охират учун ҳозирлан. Дунё молининг сармояси ҳавои нафсdir, топгани эса жаҳаннам оташидир». Бир роҳибдан сўрашди: «Дунё ҳаёти ҳакида нима дейсан?» Жавоб берди: «Танларни қаритади, орзуларни янгилайди, ажални яқинлаштиради ва узун орзу-ҳавасларга кўмади».

Яна бир хикмат ахли: «Дунё бор, лекин мен унда эмасман, дунё ҳаётида ҳавои нафсга берилмайман. Бундан кейин ҳам дунё бўлади, лекин мен дунё ҳаётига яна алданмайман. Аллоҳ буюрганларидан асло четга чиқмайман. Дунёнинг ёмон ҳаётига аралашмайман», – деди.

Суфён Саврий: «Бу дунёнинг неъматлари худди Аллоҳнинг ғазабига учрагандай нуқул нопок кишиларга насиб этади», – дедилар. Абу Сулаймон Дороний дедилар: «Ким дунёни қаттиқ истаса-ю, унга бу берилса, берилганига асло қаноат қилмайди, яна хоҳлайди. Ким охиратни қаттиқ истаса-ю, унга бу берилса, у ҳам бунга қаноат қилмайди, яна хоҳлайди.

На дунёлик орзуларининг, на охиратлик орзуларининг охири бордир». Бир одам Абу Ҳозимга дерки: «Сенга шикоятим шуки, кун сайин дунёга меҳрим ортиб боряпти. Дунё менинг уйим эмас-ку, намунча уни қаттиқ севмасам?!» Абу Ҳозим шундай жавоб бердилар: «Аллоҳ буюрган машруъ йўл билан топғанларингга қаноат қил. Ҳалол бўлмаган бирор нарсани ўзингга мол деб билма. Ҳалол молингни ва ҳалолдан топганингни ўз ўрнида сарфла. Шунда дунё севгиси сенга заرار бермайди».

Фузайл ибн Иёз: «Агар дунё ҳаёти келиб-кетадиган олтин, охират ҳаёти эса, йўқ бўлмайдиган сопол бўлсайди, муҳаққақ-ки, бизга маъқул бўладиган одам ҳеч йўқ бўлмайдиган сополни келиб-кетадиган олтиндан устун қўяр эди. Лекин, афсуски, биз йўқ бўладиган сопол (дунё ҳаёти)ни боқий қоладиган олтин (охират ҳаёти)дан юқори қўямиз», – дедилар.

Абу Ҳозим: «Масъулиятсиз яшаб ўтказиладиган дунё ҳаётидан сақланинг. Зеро, менга маълум бўлишича, дунёда ўз хоҳишига қараб яшаган кимса Киёмат куни келганда тикка турғазилади ва унга бундай хитоб қилинади: «Бу Аллоҳ ҳақир деб ҳисоблаган ҳаётни устун кўрди. Унга сажда қилди».

Иброҳим ибн Адҳамдан: «Аҳволинг қалай?» – деб сўрашди. У бундай жавоб берди:

Динимииздан узуб олиб, дунёмизни ямадик,
Ҳа, динни ҳам, дунёни ҳам бой бермоққа ярадик.
Ким воз кечса ҳой-ҳавасдан, дунёсига очса жанг,
Аллоҳ йўлин танлаб олса, ўша зотни шарафланг.

Бу мавзуда айтилган бошқа шеърлар:
Мол-дунёга ўч одамнинг умри узун бўлгани,
Неъматларга ғарқ ўлароқ севинчларга тўлгани.
Бу шундай бир ҳолки, яъни: қаср қуради инсон,
Лекин унга кирган чоғи қаср бўлади вайрон.

* * *

Дунёда ҳар муродинг камол топишин ўйла,
Вале бир кун бисотинг завол топишин ўйла.
Дунё ҳаёти, билсанг, фақатгина соядир,
Соя ташлар, сўнг бирдан ғойиб бўлар қайгадир.

Луқмони ҳаким ўғлига: «Эй ўғилчам, гўзал хулқли бўлиб, дунёни охиратинг билан айирбош қил. Шундай қилсанг, ҳам дунёда, ҳам охиратда фойда то-пасан. Ёмон хулқли бўлиб, охиратингни бу дунёинг билан алмашма. Бундай қилсанг, ҳар иккисида ҳам зиён кўрасан», – деб насиҳат қилдилар.

Ибн Аббос (р.а.): «Аллоҳ дунё ҳаётини уч турда яратди: мўминнинг ҳаёти, мунофиқнинг ҳаёти ва кофирнинг ҳаёти. Мўмин дунё ҳаётини Аллоҳ кўрсатган гўзал амаллар билан безаб ўтказади. Охирати учун ҳам ҳозирлик кўради. Мунофиқ манманлик билан, ороланиб, дабдабали ва эркин ҳаёт кечиради. Кофирнинг иши бутун эътиборини дунё неъматларидан завқ олиб қолишга сарфлашдан иборат», дедилар.

Абу Умома Боҳилий дедилар: «Муҳаммадга (алайхиссалом) пайғамбарлик вазифаси берилган чоғда, Иблиснинг ёрдамчилари ҳовлиққанича: «Бир пайғамбар жўнатилиби ва бир уммат пайдо бўлиби», дея хабар беришибди. Иблис: «Ўша уммат

нафсининг ҳавои истакларига берилиб яшашни севарканми?» – деб сўрабди. Ёрдамчилари: «Ҳа, севаркан», – дейишибди. Иблис дебдики: «Нафсининг ҳавои истакларига берилиб яшашни севсалар, ҳеч зарари йўқ. Бутга топинишлари мутлақо шарт эмас. Мен уларни уч усул билан йўлдан оздираман: ноҳақдан фойда топтириш орқали, топган-тутгандарини нолойиқ жойларга харж қилдириш воситасида ва ҳақли жойларга сарфлашдан юз ўтиририш билан. Жамики ёмонликларнинг асоси шулардир».

Бир одам ҳазрат Алидан (каррамаллоҳу важҳаху) дунё ҳаётини тавсифлаб беришини илтимос килганида, бундай жавоб берганлар: «Мен сенга дунё ҳаётини қандай тушунтирам экан?! Дунё ҳаётида соғлом инсон хастадир. Завқу сафо сурган киши охири пушаймон бўлади. Фақир одам хазиндир. Бой киши балога гирифткордир. Ҳалол йўл билан топилган молнинг ҳисоб-китоби, ҳаромдан топилган молнинг азоби бор, шубҳали фойдалардан озор тотилгусидир».

Сайёр ибн Ҳакам: «Кишининг қалбida дунё ва охират хаёли юзма-юз келади. Қай бири ғолиб чиқса, иккинчиси унга тобе бўлади», – дедилар. Ҳазрат Али: «Дунё ҳаёти билан охират ҳаёти бир эркакнинг икки хотинига ўхшайди. Бири мамнун бўлса, иккинчиси ранжийди», – дедилар.

Ҳасан Басрий (раҳимахуллоҳ): «Мен шундай инсонларни кўрдим-ки, улар учун дунё ҳаёти сизлар босиб юрган тупроқдан ҳам хор. Дунё ортдими ё йўқ бўлдими, унга кулиб бокдими-йўқми, ҳеч аҳамият беришмайди», – дедилар.

Лукмони ҳаким ўғлига: «Эй ўғилчам, сен дунёга

келган кунингдан бери Аллоҳ кўрсатган ҳаёт йўлидан юрдинг, ҳеч қандай масъулиятни билмайдиган дунё ҳаётига аҳамият бермадинг. Сен ўзинг яшаб турган бу дунё ҳаётидан кўра яқинлашиб келаётган охират ҳаётига яқинроқсан», дедилар.

Сайд ибн Масъуд: «Дунё ҳаётига кундан-кунга хирси ортиб, охират қайғуси вақт ўтгани сари камайиб бораётган бирор кимсани кўрар бўлсанг, яхши билки, у алдангандир», – дедилар. Амр ибн Ос: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидаги инсонларнинг гўзал хулқли бўлиш учун ҳаракат қилганларидек ҳеч бир кишининг гўзал хулқли бўлишга интилаётганини кўрмадим. Онт ичib айтаман-ки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларига бирор нарса тушса, қўлларидан чиқаётганида бу ундан ортиқ бўларди», – дедилар.

Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ):

«Эй инсонлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин! Яна сизларни алдамчи (шайтон) алдаб қўймасин!» (Фотир, 5), деган оятни ўқигач, бундай дедилар: «Буни, яъни «сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин!» жумласини ким айтиётир? Дунёни яратган Зот айтиётир. Дунё ҳаётини уни яратгандан ҳам яхшироқ биладиган бирон зот бўлиши мумкинми? Ҳушёр бўлинг, эй инсонлар, дунё ҳаётининг алдамчилигидан ҳушёр бўлинг. Дунё ҳаётининг алдоқчилик ҳунарлари кўп. Бир одам бир ҳунарга ўрганса, бу уни яна бошқа ҳунарга ўргатади. Ҳалолдан топган фойдаси боис ҳисоб беруб, ҳаромдан қўлга киритган фойдаси сабабли азоб

тортишини билган инсон боласи қандай қилиб шу дунё ҳәётига ўзини бағишилайди. Охират қайғусини ҳеч эсга олай демайди. Эртага Аллоҳ ҳузурида ҳисобга тортилишини ҳеч ўйламайди. Амалларини ёлғиз Аллоҳ ризоси учун қилмайди. Дин асосларига зарар келаётганини кўрса ҳам, ҳеч охирати учун қайғурмайди, фақат дунё манфаатига зарар теккандагина йиғлаб-сиқтай бошлади».

Бир куни Муовиянинг (р.а.) ҳузурларига икки юз ёшга кирган нажронлик қария келди. Муовия ундан сўрадилар: «Дунё ҳәёти назарингда қандай кўринди?» У жавоб берди: «Бир йиллари бало, бир йиллари роҳатдир. Кун ўтади, тун ўтади, туққан туғади, ўлган ўлади. Туққан туғмасайди, дунёда жонзот тугарди; ўлган ўлмасайди, ер юзи тирикларга тор бўлиб қоларди». Муовия: «Тила мендан, нима истасанг», – дедилар. Одам: «Ўтган умримни орқага қайтар ёки яқинлашиб келаётган ажалимни даф эт», – деди. Муовия: «Бунга менинг қудратим етмайди», – дедилар. Одам: «Ундай бўлса, менинг сендан бошқа тиласим йўқ», – деди.

Довуд Тоий (рахимахуллоҳ): «Эй одамзод, амалингга эришганда севиндинг, лекин билиб қўй-ки, ажалинг яқинлашди, умринг битаётир. Келажак учун олдиндан йиғланларинг фойдасини бошқалар кўради», дедилар. Абу Ҳозим: «Дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқ-ки, кетидан ранжитувчи нарса келмаса», – дедилар. Ҳасан Басрий: «Одамзод уч нарсага афсусланиб, бу дунёдан кетади: тўплаган моли ва бойлигига қоникмайди, ўйлаган ишларини охирига етказа олмайди ва охират ҳәёти учун ҳозирлигини кўролмайди», – дедилар.

Бир кишидан сўрадилар: «Дунё муродига эришиб, ўлжаларга эгалик қила олдингми?» Жавоби бундай бўлди: «Фақат дунёга топинишдан ўзини тия олган кимсагина муродига эришиб, ўлжаларга эгалик қила олади». Абу Сулаймон Дороний: «Фақат қалбida охират ташвиши бўлган кимсагина ёмонликлардан узоқ тура олади», – дедилар. Молик ибн Динор: «Биз, инсонлар, худди яхшиликка унда маслих ва ёмонликдан қайтармаслик тўғрисида бир-биримиз билан келишиб олганга ўхшаймиз. Бу кетища бошимизга қандай азблар тушишини кошки билсайдим», – дедилар. Ҳасан Басрий: «Дунё ҳаётини паст кўрингиз! Аллоҳга қасамки, нафсиға берилиб яшалган дунё ҳаётидан ҳам тубанроқ бирон нарса йўқ. Аллоҳ бандаси учун бирон яхшиликни ният қилганида, унга мол-дунё беради, тугагач, яна ато қиласи. Агар банда назарида бу дунё ҳақир кўринса, унга эътиборли бўлмаса, Аллоҳ унга янада мўлроқ беради», – дедилар. Бир одам доим бундай дуо қиларкан: «Эй осмону фалакни ўз низомида тутган Аллоҳ, масъулиятсиз дунё ҳаётидан мени кутқар». Муҳаммад ибн Мункадир: «Шундай одамлар бўлади-ки, йилларча рўза тутади, тунлари эрталабгача намоз ўқиди, молини Аллоҳ йўлида харжлайди, Аллоҳ йўлида жиход қиласи ва ҳаром-ҳаришдан тийилиб юради. Шундай бўлса ҳам, Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига келтирилганда, унга бундай хитоб қилинади: «Аллоҳ кичик қилган нарсани кўзи (назари)да катталаштирди, Аллоҳ катта қилган нарсани эса ҳақир кўрди!» Қиёмат куни шундай хитобни эшитганида бу кишининг ҳоли не кечур? Ҳолбуки, баъзилар гуноҳ қилган бўлсалар-

да, бундай дағдағали хитобга қарамайдилар», – дедилар.

Абу Ҳозим: «Аллоҳ йўлида бормоқчи бўлсанг, биронта ҳам кўмакчи тополмайсан, лекин исён йўлига кирмоқчи бўлсанг, ҳар қадамингда сенга ёрдамга шай турган ёвуз одамни учратасан», дедилар. Абдуллоҳ ибн Муборак дедилар: «Масъулиятсиз, кайфу сафо ичра яшаш иштиёқи ва гунохлар қалбни бутунлай ўраб-чирмаб ташлайди. Шундай экан, яхшилик ва ҳақиқат туйғулари қалбга қандай қилиб кирсин». Вахб ибн Мунаббаҳ: «Кимда-ким дунёдан қўлга киритган бирон нарса сабабли қаттиқ севинса, хато қилган бўлади. Кимда-ким нафсининг ҳавои орзуларини оёқ остига олса, ўзини орқаворотдан таъқиб этиб келаётган шайтонни қувган бўлади. Кимнинг илми ҳавои нафсини енгиб олса, шакшубҳасиз зафар қозонади». – дедилар. Бишрга дерлар-ки: «Фалончи вафот этди». Дер: «Дунё йиғди, охиратга кетди, ўзини нобуд қилди». Дерлар: «Ушундай-шундай яхшиликлар қилган эди». Дер: «Айтганларингиз унга фойда қилмайди. Чунки у дунёга сифинар эди». Ҳикмат аҳлидан бири: «Дунё хароб жой, ундан ҳам хароброғи у ерда ҳавои нафсиға берилиб умр ўтказган кимсанинг қалбидир. Жаннат – обод қилинган уй, ундан ҳам маъмурроғи ҳавои нафсиға берилмай, Аллоҳнинг буюрганларига амал қилиб яшовчи кимсанинг қалбидир», – деди.

Жунайд Бағдодий: «Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) дунёда доимо ҳақни сўзлаган киши эдилар. Бир куни диндош биродарларига берган ўгитларида бундай дедилар: «Эй дўстим, дунё ҳаёти сирғанчиқ жойга ўхшайди. Ҳеч кимнинг

оёғи мустаҳкам туролмайди. Дунё қанчалик обод қилинmasин, охири хароб бўлмоқдир. Унда яшовчиларнинг сўнгти манзили қабрдир. Охири севганларидан айрилмоқдир. Дунё ҳашаматининг ниҳояси фақириликдир».

Мол-дунё тўпламоқ қийин. Эй биродарим, Аллоҳдан қўрқ, У Зотнинг ҳалолдан берган ризқига рози бўл! Ғайришаръий фойда йўлини излама. Етиша олмаган, етишишинг гумон бўлган кунларинг учун олдиндан узун орзу-ҳавасларга кўмилма. Чунки сенинг умринг вақтингчалик соядекдир, йиқилишига оз қолган девордекдир. Гўзал амалларни кўпайтири, узун орзу ҳавасларни эса камайтири.

Исмоил ибн Айёш: «Таникли дўстларимиз ҳавои нафсга мослашиб яшалган дунё ҳаётини «тўнғиз ҳаёти» деб атардилар ва шундай ҳаёт ке-чирувчига: «Биздан нарироқ тур, эй тўнғиз», – дердилар. Агар бундан ҳам хунукроқ номни топсайдилар, шубҳасизки, уларга ўша сўзни лақаб қилиб тақардилар», -дедилар. Яхё ибн Маоз Розий (рахимаҳуллоҳ): «Ақллилар уч тоифадир: ажал етиб келмасидан бурун Аллоҳ йўлига кирганлар, қабрга кирмасидан олдин унга ҳозирлик кўрганлар ва Раббининг хузурига бормасидан олдин Уни хушнуд этганлар», – дедилар. Ҳавои нафсга берилиб ўтказилган дунё ҳаёти шу қадар машъумдирки, у маънода афв сўраш ҳам кишини Аллоҳ йўлидан чиқаради. Шундай бўлгач, феълан ўшандай ҳаёт оғушида яшаганларнинг ҳоли не кечади?

Биндор: «Мол-дунё тўплашга муккасидан кетганлар тўғрилик ва такводан сўз очсалар, билиб қўйки, улар бу ҳолда шайтон масхаралариdir. Ким

дунёга сифинса, дунёнинг олови, яъни ҳирс уни ёндиради, оқибатда маънан қулга айланади. Ким охират ҳаётини ўйласа ва Аллоҳ буюрган асосларга риоя қилса, ўзини бамисоли соф кумуш парчаси деб билаверсин ва бойлигидан истаганча фойдаланса бўлади. Ким Аллоҳга юзланса, тавҳид олови уни шундай қиздиради-ки, Қиёматда бекиёс гавҳар ҳолига келади» – дедилар.

Ҳазрат Али: «Дунё ҳаёти олти нарса: ейилувчи, ичилувчи, кийилувчи, минилувчи, никоҳланувчи ва хидланувчидан иборатdir. Ейилувчи нарсаларнинг энг яхшиси асал, ҳолбуки, у арининг чиқиндисидир. Ичилувчи нарсаларнинг энг қимматлиси сув, уни яхши ҳам, ёмон ҳам баб-баравар ичаверади. Кийилувчи буғмларнинг энг қимматлиси ипак, у эса қуртнинг чикитидир. Минилувчи ашёларнинг энг тӯзуги от, унинг устида эса, жанг қилинади. Никоҳланувчиларнинг энг шарафлиси аёл, у ҳам ясан-тусанлари сабабли бир қатор ёмон амаллар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳидланувчи нарсаларнинг энг ёқимлиси мушкдир, унинг асли эса қондан иборатdir», – дедилар.

Бир киши бундай деди: «Эй инсонлар, тадбирли бўлинг! Аллоҳдан қўрқинг. Узун орзу-ҳаваслар ва ўлимни унутиш сизларни алдаб қўймасин. Дунё ҳаётининг ифлос томонларига чўмманг. Бу дунё ҳаётининг ифлос қисми зулмдир, алдовдир. У йилтироқ қўриниши билан сизни алдаб қўяди. Узун орзу-ҳаваслар сиз учун тузокдир. Сизга безангандекелиндай қўринади. Кўплар унга мафтун бўлади, кўнгиллар уни кўрганда титрайди, нафслар унга талпинади. Лекин у неча-неча ошиқларни қатл эт-

ган, ундан қаноат топувчиларни, қанчадан қанча ишқибозларни расвои ради бало қилган. Унга ҳақиқат кўзи билан бокинг, эй инсонлар! Ҳавойи нафснинг орзуларига берилиб яшашнинг заҳмату машаққатлари кўп.

Аллоҳ бундай яшашни қатъяян қоралаган. Бу дунёда ҳар янги нарса мутлақо эскиргай; кўлга киритилган мол-мулк яна кўлдан чиқиши муқаррардир; азиз ва қадрли бойликлар куни келиб қийматини йўқотади. Кўп озаяди, севги ўлади, эзгулик ҳалок бўлади. Кўзларингизни очинг, эй инсонлар!Faflatdan уйғонинг! Аллоҳ хайрингизни берсин, огоҳ бўлинг, ўлмасдан олдин кўзингизни очинг! Сенга ўлим лаҳзаси келганда одамлар бундай дейдилар: «Фалон киши оғир қасал. Тузалишдан умиди йўқ эмиш...» Ажабо, бунга шифо бўладиган бирон дори ва ё уни оёққа турғиза оладиган бирон табиб йўқмикин? Табибларни чақирадилар, улар томирни ушлаб кўриб: «Бу энди шифо топа олмайди», дейишади. Сўнгра шивир-шивир яна давом этади: «Фалон киши васиятини ёздирибди!». Ундан кейин айтиладиган гап-лар шу: «Тилдан қолди, келган-кетган дўстларини танимаётир!» Бу асно сен тинмай инграб, ажал терларини тўкасан. Энди бу дунёдан қўучиб кетаётганингни англайсан. Кўзларинг шифтга тикилади, тилинг тутилади, илгари гумон қилган нарсаларинг тўғрилиги юзага чиқади. Яқинларинг ёнингда йиглашади. Сенга тепангла турган одамларни кўрсатиб: бу ўғлинг фалончи, бу уканг писмадончи, дерлар. Лекин сен гапиролмайсан, тилинг тутилган, оғзинг ҳеч очилмайди. Сўнгра Аллоҳнинг ҳукми қелади, руҳинг баданингдан айри-

лади, кўкларга юксалиб кетади. Кейин дўстларинг, яқинларинг келиб, кафанингни тайёрлайдилар, қабринг тепасида кафанингдан тутиб, даст кўтарадилар ва лаҳадга қўядилар. Кейин зиёратчиларнинг кети узилади, сени кўролмайдиганлар ўлимингта севинадилар ва «ух!» тортадилар. Ворисларинг молмулкингни бўлиб олишга киришадилар. Сен омонат сифатида амалларинг билан юзма-юз қоласан».

Ҳасан Басрий Умар ибн Абдулазизга ёзган мактубларида бундай дейдилар: «(саломдан сўнгра) дунё ўткинчи ўлароқ қоладиган уйдир, у абадий истиқомат жойи эмас. Одам (алайхиссалом) жаннатдан дунёга жазо маъносида туширилди. Дунё ҳаётига дикқатли бўл, эй мўминлар амири! Дунёдан охиратга кетишда олакетиладиган энг яхши озиқ – ҳавои нафсга берилиб ўтказиладиган ҳаётдан сақланмоқдир. Дунёда энг аъло бойлик инсоннинг ожизлигини эътироф қилиш ва қабул этиш, Аллоҳнинг қудратига таслим бўлишдир. Бу ҳаёт ҳар бир лаҳзасида кимларнидир ҳалок қиласди, маҳв этади. Дунё ўзи учун ишлагани хору зор қиласди, молмулк йигувчини факир айлайди. Бу алдоқчи ҳаёт киши билмасдан еб ё ичиб қўйган заҳарга ўхшайди. Заҳари борлигини билмаган киши уни иштаҳа билан ейди ва билмайди-ки, унда ўлими яширинган. Алдоқчи ва оҳанраболи дунёнинг ҳою ҳаваслари ҳам шундайдир, кишини адаштиради, охири фалокат содир бўлади. Эй мўминлар амири, бу дунё ҳаётида сен жароҳатли инсонсан, ожиз ва хаста бандасан, сени бирор эмас, ўзинг даволамоғинг керак! Маълумки, кишининг хасталиги ортиб кетмаслиги учун у парҳез қиласди, иштаҳаси тортган нарса-

ларни ейишдан сақланади. Шунингдек, касаллиги узайиб кетишидан кўрққани сабабли ичаётган до-риларининг аччиғи ва бемазалигига чидайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ, ҳийлагар ва алдоқчи бу дунё ҳаётидан эхтиёт бўл, эй мўминлар амири! У инсонни узун орзу-ҳаваслар билан алдайди. Келинга ўхшаб безаниб кўринади, кўзлар унга иштиёқ билан термилади, нафслар унга талпинади. Ҳар ким бу дунё ҳаётини никоҳидаги хотиндай қабул қиласди. Лекин кўп ўтмай, у эрни ўзгартиради. Кейин аввалги алданган эрдан ибрат олиб, ёмонликларни тарк эта олади ва дунё ҳаётининг алдамчилигидан огоҳ қилган Аллоҳнинг ўгитига қулоқ солади. Бу дунё ҳаётига ошиқ киши муроди ҳосил бўлганда ўзини музaffer ҳисоблайди, охиратни унутади, ўткинчи дунёга мағурланиб, алданади. Бутун фикр-ёди дунё ҳаёти билан банд бўлади. Кейин шундай пайт келади-ки, оёғи тояди, пушаймонлиги катталашади, ҳасрати кўпаяди, ўлим сархушлиги, алами ва қўлдан кетган нарсаларнинг ғамгин ҳасрати уни сиқади. Шунда у нима истаётганини ўзи ҳам билмайди. Зеро, дунёга майл қўйган одам хафалик ва машакқатлардан асло қутуолмайди. Бу ҳаёт билан оч одамдай видолашади, чунки охират сафарига чиққанда у ерга ҳозирликсиз кетаётганини кўради. Сақлан бу дунёning алдоқчи ҳаётидан, эй мўминлар амири! Ёлғончи дунё ҳаётида яшаётганингда унга энг кўп чап берувчилардан бўл. Зеро, аксар ҳолларда ким бир неъматга эришса, у неъмат уни ёмонликка бошлайди. Дунёда заарли нарсалар ҳам, фойдалилари ҳам охири ёвузлик қиласди. Мўллик-кенглик кишининг бошини балога тиқади. Зотан, ҳар бир

нарса вақт-соати келиб йўқ бўлади. Севинчларда яширин ҳазинлик бор. Чунки қўлдан кетган неъматлар қайта қўлга кирмайди, шу нуқтаи назардан қўлдалигига севинчга сабаб бўлган нарсалар қўлдан кетганда юракни орзиқтирадиган ҳазинлик беради. Келажакда кишига нималар олиб келишини билиб бўлмайди!..

Дунё ҳаётидаги орзулар ёлғондан иборатdir, орзу-ҳаваслар беҳуда ва ботилdir. Улар сафо саналади, vale аслида баҳтсизлиқdir, тирикчилик эса ранжу аламдан иборат. Агар одамзод ақлини ишлатиб, атрофга назар солса, таҳликалар қаршисида турганини кўради. Инсон дунё ҳаётининг неъматлари сабабли, таҳликада, балолари боис қўрқувдадир. Аллоҳ ҳавойи нафсга берилиб ўтказилган умрнинг ёмонлигини хабар қилмаган тақдирда ҳам, бу дунёning уйқучиларини уйқудан, ғофилларни эса ғафлатдан уйғотишга қурби етарди. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳавойи нафснинг орзуларига берилиб яшашнинг ёмонлиги тўғрисида бандаларига хабар берган ва бундай яшашни тақиқлагандир. Бундай яшашнинг Аллоҳ наз-дида зифирча ҳам қиймати йўқ. Дунё яралибдики, Раббимиз бундай ҳаётга қиё боққан ҳам эмас. Дунё қулф-калитлари ва ҳазиналари билан бирга нуқсонсиз ҳолда Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга ҳадя этилди, лекин у зот бу неъматларни қабул қилишдан ўзларини олиб қочдилар. Аллоҳнинг амрларига қаршилик қиласлик, У Зотнинг севмаганини яхши кўрмаслик, тубан қилғанларини юксалтирмаслик Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам учун шон-шарафли иш эди. Аллоҳ имтиҳон

учун солих бандаларини баъзи неъматлардан маҳрум этди, иймонсизларнинг янада кўпроқ йўлдан озишлари учун уларга мўл неъматлар берди. Бундан мағрурланганлар ўзларини шарафли инсонлар деб билдилар. Шунинг учун ҳам «Аллоҳ бизга шундай неъматлар ато этади», деб ўйлаганлар. Бундай кишилар билмаслар-ки, оламда яратилган зотларнинг энг хайрлиси Мухаммад (алайхиссалом) оч қолган пайтларида қоринларига тош боғлаб юрганлар ва бу ҳам Аллоҳнинг тақдири билан бўлганди.

Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Рabbимиздан қилган ривоятларида айтилишича, Аллоҳ Мусога (алайхиссалом) бундай буюрган: «Эй Мусо, ўрнида ишлатилмаган бойликни кўрганингда: «Бу жазо тез келадиган гуноҳ!» -деб айт. Аллоҳнинг тақдирига рози бўлган ва исён йўлларига кирмаган факирликни кўрганингда: «Марҳабо эй Аллоҳ дўстларининг шиори!» – деб айт.

Агар хоҳласанг, бу борада Марям ўғли Ийсога эргаш. У бундай дерди: «Дори-дармоним – очлик, шиорим – Аллоҳдан кўркув, либосим – гўзал ахлоқ, уловим – оёқларим, ейдиган таомим ва мевам – ер ўстириб етказиб берган нарсалардир, оқшом ётаман – ҳеч нарсам йўқ, тонгда тураман – ҳеч вақоим йўқ, ер юзида ҳеч кимса мендан бойроқ эмас».

Ваҳб ибн Мунаббаҳ дедилар: «Аллоҳ Мусо (алайхиссалом) билан унинг укаси Хорунни Фиръавн олдига юборганида вахий орқали бўларни тайинлаган эди: «Фиръавннинг ҳашаматли либослари сизларни ҳайратга солмасин. У эришган дунёга кўнглингиз суст кетмасин. Чунки унинг тақдири Менинг измимдадир. Менинг измим бўлмаса, гап-

лашолмайди, кўзини очиб-юмолмайди (киприк қоқолмайди), нафас ололмайди. У суроётган ҳаёт сизни таҳликага солмасин. У ҳаёт вақтингчалик, кўз-кўз қилиш учун ёзиб қўйилган кўргазмадан иборат, ўткинчи вақтихушликдан иборат. Агар Мен хоҳласам, сизларни шундай зебу-зийнатларга кўмиб ташлардим-ки, Фираъвн кўрганида, ҳасаддан кўзлари ўйнаб кетарди. Лекин Мен сизни бундай нарсалардан узоклаштираман, сизни имтиҳон қиласман. Фаросатли чўпон қўйларини заҳарли ўтлар ўсган жойларда ўтлатмагани каби, Мен ҳам дўстларимни алдоқчи дунё ҳаёти неъматларидан сақлайман, уларни бундай алдамчи неъматлардан маҳрум этаман. Нафснинг ҳавои орзуларига берилиб яшаш Менга тубан ва ҳакир кўринади. Менинг бандаларим, камолда энг юқори чўққига кўтарилиш учун Мендан қўрқадилар, одобли ва тақво соҳибидирлар. Тақво қалбларида унади, тақволи бўлганлари ҳаракатларидан билинади. Тақво уларнинг кийимлари, устларида кўриниб турган либосдир. Уларнинг қалблари тақводан иборат, шу билан шуурланадилар ва шу туфайли саодатга эришадилар. Шунга эришмоқ уларнинг бирдан-бир амаллариdir. Тақво улар учун буюк шарафдир, у билан ифтихор қиласадилар, таниладилар. Шундай сифатли бандаларимга дуч келган пайтингизда, улар билан ҳалим-юмшоқ муомалада бўлинг. Қалбингиздан ҳам, тилингиздан ҳам улар учун камтарин сўзлар излаб топинг. Уларга нисбатан тақаббурлик қиласманг. Билингиз-ки, ким Менинг юқоридаги хислатларга эга дўстларимга қаттиқ муомала қиласа, Менга қарши чиққан бўлади».

Ҳазрат Али хутбалидан бирида буларни айтган эдилар: «Эй инсонлар, билиб қўйинг-ки, сиз муқаррар ўласиз ва ўлгандан кейин албатта тирилтирилиб, амалларингиз билан юзма-юз келтириласиз ва ҳисобини берасиз. Агар эзгу амалларингиз кўпроқ бўлса, мукофотланасиз, ёмон ишларингиз ортиқ бўлса, жазоланаисиз. Ўткинчи дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин, чунки дунё ҳаёти турли бало-офатлар билан нақшланган, унинг охир фоний, ғаддордир. Дунёдаги мавжуд ҳар нарса омонатдир. Дунё ҳаёти ер юзида яшовчиларни таҳдид-тараддудга солади, ёмонликлардан қутула олмайсиз. У ер юзида яшовчиларни гоҳ севинчга гарқ этади, гоҳ балоларга қўмади. Замон тўхтовсиз ўтаверади, завқу сафога чўмиб, кайфиятга берилиб яшаш чиркинликдир. Севинчли ва нашъали онлар узоқ давом этмайди. Дунё кишилари нишонга ўхшайди, дунё ҳаёти уларни бўйнига уриб синдиради ва ўлдириб олиб кетади. Ҳар жонли зот ўлим шарбатини тотувчиидир. Эй Аллоҳнинг бандалари, бу дунёда сиздан олдин ҳам инсонлар бор эди. Улар сиздан узунроқ умр кўрар, сиздан кучлироқ, сиздан дурқунроқ эдилар. Масканларини сизницидан муҳташамроқ қилгандилар, буюк иншоотлар барпо эттандилар. Лекин бу узоқ умрдан фойда чиқмади, шундай пайт келди-ки, улардан ном-нишон ҳам қолмади, овозлари маҳв бўлиб кетди. Вужудлари чириб, йўқликка юз тутди. Курган бинолари хараб бўлди. Баланд-баланд, ҳашаматли ва бақувват кўринган кўшку қасрлар қабрга айланди. Кўшклардаги юмшоқ ёстиқлар ўрнига энди қабрда қаттиқ тошларни ёстиқ қилиб ётибдилар. Кўшклардан

қабрга, юмшоқ ёстиқлардан қаттиқ тошларга ўт-дилар!.. Уларнинг эндиғи масканлари (қабрлар) узоқда эмас, лекин бу масканларнинг сокинлари (яъни бу масканларда тиниб-тинчиган кишилар) ғарип, бир-бирларига бегонадирлар. Ёнгиналаридан дунёда мол-дунё ортириш билан машғул бўлган, бирга ишлаган дўстлари ётибди. Лекин энди қаср қуришда уларга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ётоқлари яқин бўлишига қарамай, қадрдонлари ва қўшниларини зиёрат қилишга келмайдилар. Қандай келсинлар-ки, уларнинг бағирлари ҳам эриди, вужудларини тошу тупроқлар еди. Илгари-ги қувватли инсонлар кейин ўзларини ўлик ҳолда топдилар, авваллари покиза, терга ботиб юрган вужудлар энди чириб, парча-парча бўлди. Дўстларини ва яқинларини маъюс ҳолда қолдирдилар, ер остига кўчдилар, кетдилар, ортиқ улар учун қайтиш йўқ. Оҳ, қанчалар узоқлашдилар! Олдиларида уларни тирилтириб, тикка турғизадиган кунгача тўсик (олис масофа) бор. Эй инсонлар, улар охир-оқибатда нимага дучор бўлган эсалар, сиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўшанга юзма-юз бўласиз. Қабрга ёлғиз кирасиз, амалларингизга омонатдор-сиз. Қабр сизни ҳам ўз ичига олади. Қабрлар ичидан кавлаб чиқарилганингизда, кўкрагингиздаги бор нарсалар ҳам бир тўп бўлиб ўртага чиқсанда, ҳақиқатларни яланғоч ҳолда кўрган ва Аллоҳ ҳузурида тикка турғизилган чоғингизда ҳолингиз нима кечади? Ана ўшандада, қилган гуноҳларингиз сабабли, қалбингиз кўркувдан ҳаприқади. Пардалар кўтарилиб, айбларингиз, сирларингиз очилади. Бу ерда ҳар нафас қилған яхши амалларининг

мукофотини, ёмон ишларининг жазосини олади». Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи:

«Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар фақат Аллоҳнидири. У ёмонлик (гуноҳ) қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва эзгу амал қилган зотларни гўзал (савоб, жаннат) билан мукофотлагай» (Нажм, 31).

«(Сўнгра ҳар бир кишининг) номаи аъмоли (ўз кўлига) қўйилур. Бас, гуноҳларнинг унда битилган нарсалардан даҳшатга тушиб: «Холимизгавой! Бу қандай китоб-ки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди?»-дейишларини кўрурсиз. (Улар) қилган (барча) амалларини нақд ҳолда топурлар. Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (Каҳф, 49).

Аллоҳ барчамизни Куръонга амал қилувчилардан ва ҳабибларининг йўлида кетувчилардан айласин. Фазлу карами билан сизу бизни жаннатга киритсин. Ҳамдусанога лойиқ зот фақат Аллоҳдир, ҳар қандай шону шараф ёлғиз Унга оиддир.

Ҳикмат аҳлидан бири деди: «Кунлар ўқ, одамлар эса нишондир. Эй инсон, замон ҳар куни сени ўқлари билан ўқлаётир ва бутун вужудингни ҳар бир ҳужайрасига қадар илма-тешик қилиб, кечаю кундуз илгакли игнаси билан тўрлаётир. Кундузлар ҳам, кечалар ҳам бир зумдай ўтиб кетади. Бу ахволда сенинг вужудинг қандай қилиб соғ-саломат сақланиб қолсин? Агар кунларнинг сенга етказаётган нуқсонлари кўз ўнгингда кўргазма қилиб ёйиб қўйилсайди, ҳеч шубҳасиз, келиб-кетган у кунлардан ўтаканг ёрилар, сўнг зир югуриб кетардинг, тез келиб-кетган соатларинг нималарга сарфлангани-

ни кўриб жирканардинг. Лекин Аллоҳнинг тадбири тадбирларнинг аълосидир. Дунё ташвишларидан узоқ бўлганда, ҳаёт totли кўринади, албатта, лекин аслида сен завқ деб ўйлаган нарсалар кимёгарнинг ханталдан олган аччиғидан ҳам аччиқдир. Ҳавойи нафсга берилиб яшалган дунё ҳаётининг иснодлари шу қадар кўпдир-ки, буни тушунтирмоқчи бўлгандар гапира-гапира чарчайдилар. Ё Аллоҳ, Ўзинг бизни тўғри йўлга сол».

Бир ҳикмат ахлидан дунё ҳаётини тавсифлашни сўрашганда, бу жавобни берган эди: «Дунё ҳаёти сен ичида бўлган ондан иборатдир. Чунки ўтган (умринг) ўтмиш бўлиб қолади, ортиқ ҳеч нарсали бўлолмайсан. Келажагинг эса қандай кечиши ни билмайсан. Вақт шундай нарса-ки, тун кундузнинг заволидан хабар беради, туннинг бошланиши куннинг завол топганини билдирувчи ишоратдир. Тинимсиз келиб-кетган ҳодисалар инсонни ўзгартиради, эскиртади, қаритади. Вақтнинг вазифаси жамоаларни сочиб ташламоқ, сараламоқ ва неъматларни йўқотмоқдан иборат. Орзу-ҳаваслар чексиз, умр қисқа, ҳар нимарса эса ёлғиз Аллоҳга қайтади».

Умар ибн Абдулазиз (раҳматуллоҳи алайх) бир хитобда буларни айтган эдилар: «Эй инсонлар, сизлар бир нарса учун яратилдингиз. Агар уни тасдиқ этсангиз, беаклсиз, инкор этсангиз ҳалқ бўласиз. Сиз бу дунёда абадий яшаш учун яратилмадингиз, лекин бу дунёдан охиратга ўтасиз. Эй Аллоҳнинг бандалари, сиз ҳозир шундай дунёдадирсиз-ки, бу ерда сиз учун еганларингизда ҳам, ичганларингизда ҳам қувончу ҳаловат йўқ. Бир томондан, қўлга киритган неъматларингиз туфайли севинсангиз,

иккинчи тарафдан, қўлдан чиқарган нарсаларингиз учун маъюсланасиз. Қаерга кетаётганингизни, қаерда абадий қолишингизни биллинг-да, ўша ҳаёт учун ҳаракат қилинг».

Ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) бир хутбада бундай деган эдилар: «Эй инсонлар, қанчадан-қанча кишилар борки, неча кунлик умрлари қолганини билмайдилар, лекин улар ҳамон очкўзлик билан дунё пайида бўладилар. Дунёда кўрган заарларингиз сабабли йиғлаб-сиқтаманг, чунки улар келаверади-кетаверади; қўлга киритган неъматларингиз туфайли жуда хурсанд бўлиб ҳам кетманг, чунки вақти-соати келгач, у неъматлар йўқолади. Мен очкўзлик билан дунё пайида ҳовлиқиб юрган кимсаларни кўрсам, ҳайратланаман, чунки ўлим унинг кетида юрибди-ку, нега у бунчалик ғофил, дейман. Ҳолбуки, ўлим ундан ғофил эмас». Мухаммад ибн Ҳусайн: «Аллоҳнинг наздида, ҳавои нафсга берилиб яшалган ҳаётнинг ҳеч қандай қиймати йўқдир. У Зот дўстларининг бундай ҳаёт суришларига асло рози бўлмайди. Бундай умргузаронлик Аллоҳ наздида бенихоя тубан ва ҳақирдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай яшашдан астойдил қочганлар, саҳобаларни ҳам бундан эҳтиёт бўлишга чорлаганлар», – дедилар.

Шундай қилиб, дунё ҳаётининг қадр-қиммати йўқлигини англаған олим, ориф, фозил ва адаб кишилар ёддий ҳаёт кечирдилар, ҳожатларига ярасига қаноатланиб, топган бойликларини Аллоҳ йўлида сарф этдилар. Устларини беркитадиган даражада кийиндилар, очликларини қондирадиган даражада таомландилар. Дунёға фоний деб, оҳратга

боқий деб қарадилар. Бу дунёларидан кўпроқ охиратларини обод қилдилар. Охиратни қалб кўзи билан ҳам, юздаги кўзлар ила ҳам кўришларини англаб етдилар. Келажакда қалблари билан ҳам охиратга етиб боришларини билганлари учун ҳозирдан қалбан у ерга кўчдилар. Улар бу дунёда озгина вақт заҳмат чекдилар, лекин охиратда абадий неъматларга мушарраф бўладилар-ки, буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг тавфиқи туфайли амалга ошади. Аллоҳнинг севганини севдилар, севмаганини севмадилар.

МОЛ – МУЛКНИНГ БЕВАФОЛИГИ

Аллоҳ таоло огоҳ этади:

«Эй иймон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (*Унга ибодат қилишдан*) чалғитиб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир» (*Муноғиқун*, 9).

«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фақат бир синовдир. Улуг мукофот эса Аллоҳнинг ҳузуридадир» (*Тағобун*, 15).

(Ким мол-мулкини ва бола-чақасини Аллоҳнинг ҳузуридағидан устун қўйса, қаттиқ алданаётгани шак-шубҳасиздир).

«Хар қимки дунё ҳаётини ва унинг зеб-зийнатини истаса ва охиратни истамаса, шу дунёда уларнинг қилган амалларининг мукофотини тўлик, мукаммал қилиб берурмиз. Уларнинг шу дунёда оладиган ҳиссаларидан камайтирил-

майди. Лекин охиратда бу жамоанинг насибалири дўзахдан бошқа нарса бўлмайди. Уларнинг дунёда қилган барча амаллари охиратда бефойда ва ботилдир (*Худ, 15 – 16*).

«Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой-бехожат санашидир» (*Алақ, 6-7*).

«(Эй инсонлар!) Сизлар кўп дунё (мол-мулк) жам қилишга машғул бўлдингизлар. (Хаттоки шу (мол-дунё тўплаш) муҳаббати (билан) охири қабрга бордингизлар (фафлатда қолиб ўлдингизлар). (Йўқ!) Ундай қилмасликларингиз керак эди! Яқинда (сизлар) қилган ишларингизнинг оқибатини биласизлар. Яна такрор айтаман-ки, ундай қилмасликларингиз лозим эди! Яқинда дунё муҳаббатининг оқибатини биласизлар» (*Такосур, 1 – 4*).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам де-дилар:

«Сув уруғни ундиргани каби, мол, шухрат севги-си ҳам қалбда нифоқ ундиради. Молга, шухратга ва мансабга берилган кишининг динига етказган зарари қўй тўдасига оралаган икки бўрининг етказган зараридан ошиб тушади».

Аллоҳ Расулидан сўрадилар:

– Умматларингизнинг энг гуноҳкорлари ким-лар?

Жавоб бердилар:

– Мол-мулкини яхшилик йўлига сарф этмаган бойлар! Сиздан кейин бир тўп инсонлар келади, таомларнинг энг тансиғини ейишади, уловларнинг энг яхисиин минишади, хотинларнинг энг гўзалларига никоҳланишади, либосларнинг энг

жозибалисими кийишади, муштдеккина меъдари бўлади, лекин ҳеч тўйишмайди. Нафслари ҳакалак отган бўлади, қаноат нималигини билишмайди. Шу тор дунёга ташланадилар, тунлари алламаҳалгача ишлаб, яна саҳардан иш бошлидилар. Аллоҳни қўйиб, дунёга сифинадилар. Аллоҳга эмас, дунё нафсларининг ҳавои орзуларига итоат этадилар. Ҳавои нафсларига бериладилар. Абдуллоҳнинг ўғли Мұхаммаддан у кунларга етиб борган кимсаларга тавсия шуки, ундаи бойлар билан учрашиб қолсалар, салом бермасинлар, хасталанганда бориб кўрмасинлар, ўлганда жанозасига қатнашмасинлар, катталарини ҳурмат қилмасинлар. Ким уларга салом берса, беморларини зиёрат қиласа, жанозасига қўшилса ва катталарини ҳурмат қиласа, исломиятни йикитища уларга ёрдам берган бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Дунёни дунё ахлига қолдириңг. Ким керагидан ортиқ дунёлик тўпласа, буни инсонлар фойдаланиши йўлида сарфламаса, ўзи билмаган ҳолда, ўзига фалокат сотиб олган бўлади», дедилар. Яна у зот алайҳиссалом бундай марҳамат қилдилар: «Одамзоднинг дўсти учтадир. Биринчиси, рухи қабз қилингунча у билан биргадир. Иккинчиси қабригача, учинчиси эса маҳшаргачадир. Рухи тандан чиққунча дўстлик қилгани молидир. Қабргача дўстликни давом эттиргани – оила аъзолариdir. Маҳшаргача дўст бўлгани эса, қилған гўзал амаллариdir».

Ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломдан сўрадилар: «Сенинг ниманг борки, сув узра юра оласан, биз эса юролмаймиз?» Ҳазрати Ийсо: «Сиз ўз наздингизда

пулни қандай баҳолайсиз?» – деди. Ҳаворийлар: «Яхши баҳолаймиз», дейишди. Ҳазрати Ийсо: «Менинг назаримда пул билан лой бир қийматдадир», дедилар.

Салмон Форсий Абу Дардога (розияллоху анхумо) буларни ёзган эдилар: «Эй биродар, бу дунёда шукрини қилишга улгурмайдиган дарражада мол-мулк орттиришдан сақлан, чунки мен Расулуллоҳ алайҳиссаломдан эшигтанман, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айттардилар-ки: «Дунёда Аллоҳга итоат этган одам Қиёмат куни ўз молини олдига соганича Сирот кўпригига келади. Энди ўтмоқчи бўлганида моли унга қараб бундай дейди: «Қани, ўт! Сен дунёда Аллоҳнинг менинг зижмамдаги ҳақини ўтадинг, шукрини адо этдинг!» Сўнгра Аллоҳга итоат этмаган бошқа киши келади. Ҳовучида моли бор. Шу мол билан Сирот кўпригидан ўтмоқчи бўлганида моли унга бундай дейди: «Сенинг ҳолинггавой! Аллоҳнинг менинг зижмамдаги ҳақини адо этмадинг, шукр қилмадинг!» Бу сўзларни айтиб улгурад-улгурмас ахвол оғирлашади. Бу киши ўтмишига афсусланади ва ўлимини тилайди. У ўлиши билан фаришталар: «Олдиндан бир хайрли иш қилиб, охиратта атамади ҳам!» дерлар. Ундан кейин қолган инсонлар эса: «Бу қишидан бизга ҳеч нима қолмаган эди!» – дейдилар. Мол-мулк орттиришга берилманг, дунёга берилиб кетасиз!..»

Абу Дардо ўзига ёмонлик қилган одамга бундай «баддуо» ўқирди: «Ё Аллоҳ, ким менга ёмонлик қилган бўлса, унга соғлик бер, умрини узун қил, мо-

лини кўпайтир». Кўриб қўй, эй биродар, узун умр ва тани соғлик билан бирга мол-мулкнинг кўплигини қандай бало деб хисобламокда. Чунки халқ фойдаланиши учун Аллоҳ йўлида сарф этилмаган ортиқча мол-мулк кишини қутуртиради.

Умар (р.а.) Пайғамбаримизнинг завжай покизалари Зайнабга егулик ҳадя жўнатгандилар. Ҳазрат Зайнаб: «Нима бу?» деб сўрадилар. «Умар сизга юборди», дейиши. Ҳазрат Зайнаб: «Аллоҳ Умарни мағфират айласин», – дедилар. Сўнгра ўзларига тегишли парда орқасига ўтдилар-да, егуликларни кесиб, бурда-бурда қилдилар, оила аъзолари ва етимларга тақсимлаб, бундай дедилар: «Ё Аллоҳ, бу йилдан кейин менга Умардан бирон ҳадя келмасин». Шундан кейин ҳазрат Зайнаб Расулуллохнинг руҳи билан қовушган завжаларининг биринчisi (яъни, Мухаммад алайҳиссаломдан кейин биринчи бўлиб вафот этган аёллари) бўлдилар. Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ) дедилар: «Аллоҳга қасамки, пул азиз қилган ҳар инсонни Аллоҳ хор айлагай». Яна тамсилий ўлароқ дедиларки: «Пулни илк марта шайтон чиқарди. Сўнг уни пешонасига қўйди, ўпди ва бундай деди: «Ким сени севса, у, шубҳасиз, менинг кулимдир».

Умар ибн Абдулазиз (раҳимаҳуллоҳ) хаста эдилар, ўлим тўшагида ётардилар. Муслим ибн Абдумалик зиёратга келгандилар. Амирга дедилар-ки: «Эй мўминлар амири! Шундай иш қилдинг-ки, сендан илгари ҳеч кимса бундай қилмаганди. Болаларингни ҳеч вақосиз тап-тақир қолдирдинг. На пул, на бойлик! (Амирнинг ўн уч нафар боласи бор эди). Бу сўзларни эшитганида амир: «Бошим-

ни кўтаринг!» – дедилар. Унинг қаддини кўтариб, ўтиргиздилар. Шунда дедилар: «Болаларимга пул-бойлик қолдирмаганимни сўйлайсан, мен уларнинг ҳақини улардан тортиб олганим йўқ. Бошқаларга тегишли ҳақни эса уларга бермадим. Фарзандларим икки йўлдан бирини танлайдилар: ё Аллоҳга итоат этиб яшайдилар, бу ҳолда Аллоҳ уларга кифоядир, чунки Аллоҳ солиҳ бандаларининг ҳомийсиdir, ёки Аллоҳга ишонмайдилар, бу ҳолда уларнинг қандай ахволга тушишларининг менга алоқаси йўқ».

Мұхаммад ибн Каъб жуда бой эдилар. Бир куни унга: «Мол-мулкингни болаларингга бўлиб бериб кет», дейишиди. «Йўқ, молими Роббим ёнида ўзим учун қолдираман. Фарзандларимга Эгам хазинасидан ажратиб ҳозирлаб кўйилган», деб жавоб бердилар.

Бир одам Абу Абдга бундай деди: «Гуноҳ билан кетма: ўғлингга яхшилик қолдир». Бу сўзларни эшитган Абу Абд дарҳол жўнаб кетдилар, бойликларининг катта қисмини садақа сифатида тарқатдилар. Яхё ибн Муоз дедилар-ки: «Киши учун ўлим онида моли сабабли икки мусибат бор-ки, ҳеч кимса бундай мусибатни эшитган ҳам эмас» Сўрадилар: «Нима экан улар?» Жавоб бердилар: «Қўлидан ҳамма нарса олинади, айни вақтда барчаси учун ҳисоб беради» (яъни, ўлганда бутун мол-мулки қўлдан чиқади, айни вақтда қаердан, қандай йўл билан топгани, нимага сарф қилгани тўғрисида ҳар бир моли учун ҳисоб беради).

ХОЮ ҲАВАС ЁКИ ОРЗУ-ИСТАКЛАРНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАСЛИГИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Эй умматим, сиз учун қўрқанларимнинг энг даҳшатлиси икки нарсадир: ҳою ҳавас ва ҳавойи нафсга берилмоқ. Ҳою ҳавас охиратни унуттиради. Ҳавойи нафсга берилиш эса, кишини тўғри йўлдан адаштиради». «Мен уч нарса кишини уч нарсага шак-шубҳасиз, мубтало қиласига кафилман».

Мол-дунёга бутун борлиғи билан ташланмоқ. Бу шундай қашшоқлик келтиради-ки, ундан кейин ортиқ бойлик бўлмайди. Яъни, бутун борлигини дунёга бағишилаган кимса, қанчалик бойлик орттирган бўлмасин, ўзини бой кўрмайди.

Дунёда очкўз бўлмоқ. Бу одамга шундай машғуллик келтиради-ки (яъни, одамни ишга шундай боғлаб ташлайди-ки), унда ҳеч бир ибодат, ҳеч бир хайрли иш учун бўш вақт қолмайди. Чиндан ҳам, дунёга тўймайдиган кимсанинг ибодат ва бошқа хайрли иш учун бўш вақти йўқдир.

Дунё молига хасислик. Бу шундай қайғу, шундай ташвиш олиб келади-ки, ундан кейин ортиқ севинч ва фароғат йўқ. Ҳам ўзига, ҳам ўзгага хасислик қилувчи кимса молига кўп мол қўшолмаётганидан сикилиб юради.

Абу Дардо (р.а.) дедилар: «Эй инсонлар, уялмай-сизми? Бино қурасиз-да, ичида ўтира қолмайсиз. Яна орзу-ҳаваслар билан машғул бўласиз, охирига етолмайсиз. Дунё молини тўплайсиз-да, қаноат қилиб ея олмайсиз. Сиздан олдинги қавмлар сиздан ортиқроқ дунё тўплагандилар ва сиздай ҳою

ҳаваслар билан овора бўлгандилар. Лекин шундай кун келди-ки, дабдабали бинолари мозорга айланди; орзу-ҳаваслари уларни алдади; тўплаган бойликлари маҳв бўлди». Ҳазрат Али Умарга (розияллоҳу анхумо): «Икки дўстинг (Пайғамбар ва ҳазрат Абу Бакр)га қўшилишни истасанг, ямоқ кўйлак ва ямоқ пойабзал кий. Ҳою ҳавасга берилма. Тўйиб овқатланма», дедилар.

Ҳазрат Одам ўғли Шис (алайхимуссалом)га қўйидаги беш нарсани насиҳат қилиб, унга ўзидан кейин ўғилларига насиҳат қилишни буюрдилар: «Ўғилларингга айт, дунёга очкўзлик қилмасинлар, ундан ўзларини халос тутсинлар. Мен абадий жаннатда очкўзликка берилдим. Шу сабабли Аллоҳ мени жаннатдан чиқарди. Ўғилларингга айт, хотинларнинг ҳавои нафсларига асир бўлмасинлар. Мен хотиним ҳавои нафсига берилиб, мевадан едим. Кейин афсусландим. Ўғилларингга айт, қиласидиган ишларининг оқибатини ўйласинлар. Агар мен қилаётган амалларимнинг охирини ўйлаган бўлсайдим, бундай оғир айрилиқقا дучор бўлмас эдим. Ўғилларингга айт, қалблари бирон нарсадан ҳадиксираса, ундан узоклашсинлар. Мен тақиқланган мевадан ея бошлаган пайтимда, юрагим ҳаприқкан ва ҳадиксираган эди. Лекин орқага қайтмаган ва узоклашмаган эдим. Кейин надомат мени боғлагандан боғлайверди. Ўғилларингга ўтиг бер-ки, кенгаш билан иш қилсинлар. Агар мен малаклар билан кенгашган бўлсайдим, бундай айрилиқقا дучор бўлмас эдим».

Мужоҳид: «Абдуллоҳ ибн Умар менга: «Тонг вақтида шомгача, шом пайтида тонгтча бора

оламан, деб керилма. Ўлмасдан олдин ҳаётнинг қадрини бил, уни эзгу ишларга сарфла. Хасталиқдан олдин солиқнинг қадрига ет. Чунки эртага нима бўлишини билмайсан», – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан сўрадилар: «Ҳаммангиз жаннатга киришни истайсизми?» Саҳобалар: «Ҳа, ё Аллоҳнинг Расули», – дейишидди. Шунда у зот: «Чексиз орзу-ҳавасларни кўйинг, Аллоҳдан ҳаё қилинг», дедилар. Саҳобалар: «Биз ҳаммамиз Аллоҳдан ҳаё қиласиз», – дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Шунчаки уялиш – бу Аллоҳдан ҳаё қилиш эмас. Аллоҳдан ҳаё қилиш – қабрни ва маҳв бўлишимизни хотирда тутиш демакдир. Аллоҳдан ҳаё қилиш ичи-ташини ва қалбини ёмон ниятлардан ва ёмон фикрлардан асраш демакдир. Кимки жони охиратда яхши ҳаёт қозонишини истаса, бу дунёнинг дабдабасидан қочсин. Шу нуқтада кишининг Аллоҳдан ҳаё қилиши бошланади ва ҳаё уни Аллоҳ дўстлиги сари элтади. Бу умматимнинг биринчилари дунё завқи ва дабдабаларидан қўл тортиш билан шафоат ва најот топадилар. Умматимнинг охиргилари эса хасислик ва ҳою ҳавас билан фалокатга учрайдилар».

Уммул Мунзирдан ривоят қилинади: «Бир оқшом Аллоҳнинг расули жамоатга қўшилиб, уларга: «Эй инсонлар, Аллоҳдан уялмайсизми?» – дедилар. Жамоат: «Нега бундай деяпсиз, ё Расулуллоҳ?» – деганда, Расули акрам буларни айтдилар: «Емай-ичмай мол тўплайсиз. Ўзингиз кўрмайдиган кунлар учун чексиз орзу-ҳавасларга бериласиз. Ўзингиз ичидиа истиқомат қилмайдиган бинолар курасиз».

Абу, Саид Худрий ҳикоя қиласы: «Усома ибн Зайд бадалини бир ой кейин бериш шарти билан Зайд ибн Собитдан юз тиллага бир құл сотиб олғанди. Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам бундан хабар топгач, дедилар: «Бадалини бир ой сүнг бермоқчи бўлиб құл сотиб олған Усомадан хавотирланмайсизми? Усома ҳою ҳавасга берилган одам. Борлиғим құдрат измида бўлган Аллоҳга қасам-ки, мен кўзларимнинг ҳар очилишида яна бир ёпилмасидан бурун руҳим Аллоҳ томонидан олиниши мумкин, ҳисоблайман. Бир ёнимга ўгирилган чоғимда, жоним танимда экан, яна иккинчи ёнимга ўгирилласлигим мумкин, деб ўйлайман. Оғзимга бир лукма олганда, уни ютмасдан ўлишим мумкинлигига ҳам аминман». Кейинроқ Аллоҳнинг Расули буларни айтдилар: «Эй Одам ўғиллари, агар ақлингиз бўлса, нафсингизни ўлик ҳисобланг. Борлиғим құдрат измида бўлган Аллоҳ номига қасам-ки, сизнинг бошингизга тушиши ваъда қилинган ишларнинг юз бериши муқаррардир. Сиз улардан қочиб қутулолмайсиз».

Иbn Аббос (р.а.) ривоят қиласы: «Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам кичик ҳожатга кетдилар ва ҳожатдан кейин таяммум қила бошладилар. Мен яқин жойда сув борлигини айтгандим, менга дедилар: «Менга таъминот берилмади. Балки, сувга етгунча жоним чиқар».

Айтилишича, бир кун Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам қўлларига уч таёқ олдилар. Бирини олдиларига, иккинчисини ёнларига қўйдилар. Учинчи ҳассани эса узок ерга отгач, «Нима бу?» – деб сўрадилар. Саҳоба: «Аллоҳ ва Унинг Расули

биливчиrok», деганда Расулуллоҳ соллаллоҳ алайхи
васаллам буларни айтдилар: «Манави олдимдаги
инсон. Бу ёнимдаги ажал. Анави узоққа отганим эса
орзу-ҳавасдир. Инсон ўзидан кўп йирокларда бўлган
орзу-ҳавасларга етишмоқчи бўлиб, тинимсиз иш-
лай бошлайди. Лекин унга яқинроқ жойда бўлгани
учун орзу-ҳавасга етишмасидан олдин ажал унинг
ёқасидан тутади».

* * *

Кимни дунё айш-ишрати ғарқ айласа,
Шу боис у бу дунёни мадҳ айласа,
Арзимаган нарса учун худди шундай,
Хеч шубҳасиз, бу дунёни қоралагай.

* * *

Кимники агарда ўйнаса фалак,
Муроди ушалмас, қийналар юрак.
Ким агар яшаса жуда баҳтиёр,
Ахийри ғам уни айлар тору мор.

* * *

Уфф, бездим дунёдан, бездим кунлардан –
Бунёд бўлган улар ғам-хузнлардан.
Булардан бир четда қолар на бир шоҳ,
На оддий фуқаро, на қул, на фаллоҳ.
Доғман дунёсига: ёвдир беомон,
Инсон эса унга ошиқдир ҳамон.

* * *

Кунларини сўра, Кисродан сўра,
Кунларини сўра, Қайсардан сўра:

Қайда қолди сарой, ором боғлари?
Мадад беролдими ўлим чоғлари?
На ҳалим-салими қолди дунёда,
На ёвуз-золими қолди дунёда...

* * *

Бир аъробий бир қабилага меҳмон бўлади.
Уни иззат-икром қилиб едирадилар, ичирадилар ва чодирга ўрин тўшайдилар. Аъробий ухлаб қолади. Қабила эса йўлга ҳозирлик кўриб, меҳмон ётган чодирни ҳам йигишириб кетади. Қуёшнинг иссиғидан уйғонган аъробий бундай дейди: «Дунё ҳаёти тикланган чодиринг соясига ўхшайди: бир кунгина туради, шубҳасиз, ўша соя каби қайга кетгани номаълум, зоил бўлади».

* * *

Дунё ҳаёти бир ердан олди-сотди қилиб йўлга чиққан ва йўлда туш чоғи дам олган кимсаннинг ором олишига ўхшайди.

* * *

Эҳтиёжидан ортиқча ҳар қандай мол-мулк инсоннинг тўғри йўлдан озишига ва тойиб кетишига олиб боради. Кишининг турли ҳашамат ичида яшashi уни шайтоний ҳаракатларга бошлайди. Бойлигига керилган инсон ҳар тарафлама Аллоҳ йўлидан чиқади.

* * *

Хасис ва қашшоқ бўлиб қолишдан кўрқиб яшовчи кишилар муҳтоjlарга ёрдам бермайди. Мол-

мулкини ва пулини жуда эҳтиёт қиласи. Ҳасис одам кўпроқ мол-мулк орттириш учун ҳирс билан ўзини тўрт тарафга уради, бутун кун турли ерларда ва кўчаларда изғиб юради. Кўчалар эса шайтонлар уя қурган жойлардир.

* * *

Дунёнинг аҳволи шундай-ки, ундаги ҳамма нарса ёмонлик ва севинчга сабаб бўладиган ҳодисаларга сарфланади. Бутун дунё аҳлига бундай ҳаётда яшаш осон эмас. Дунё ҳаёти, Аллоҳнинг ҳикмати тақозосига мувофиқ, ғоят мураккабдир... Агар бир кимсанинг дунёвий аҳволи яхши бўлса, яъни куни осонлик билан ўтса, Аллоҳ дунёни унга хизмат қилдирса, у кимса буни шукр билан қарши олиши ва гўзал амаллар илиа Аллоҳга юзланиши ва дунёга мағур бўлмаслиги шарт. Гўзал амаллар билан машғул бўлиш – ёмон ишлардан тийилиш деганидир.

* * *

Фикр дунё лаззатларини кетказади ва охират лаззатларини бой бериш улкан йўқотиш эканини англатади.

* * *

Дунё – ғофиллар яхши кўрган бир мато, Маҳрум кишилар уни излаш билан машғул. Эга бўлганлар эса уни йигиб, фойдаланиш билан машғул.

* * *

Тижорат тирикчилик ўтказиш учун ёки бойлик орттириш учун бўлади. Агар хайр ва ҳасанот-

ни ўйламасдан, фақат бойлик тўплаш учун тижорат қилинса, бу савдо мақбул эмасдир. Зоро, фақат моддият учун ҳаракат қилмоқ «хатоларнинг боши бўлган» дунёга ҳирс қўймоқдир.

* * *

Эй дунё ва дунё неъматларидан завқланган ва кўзларини завқу сафосидан узмаган киши! Сен нафсингни ўзинг идрок этолмайдиган нарса билан машғул қилиб қўйдинг. Эртага Аллоҳ ҳузурига борганингда нима деб жавоб берасан? Уйғон! Ҳар бир инсон устида ҳамиша дунё мусибатлари туради. Дунёнинг иқболи очилса ҳам, ёпилса ҳам шу. Агар баҳтинг очилганини кўрсанг, доимо шукр қилиб, кутиб ол. Баҳтинг ҳамроҳинг бўлмаса, матонат кўрсат, чида.

(Миразиз Аззам таржимаси)

ХИРС ВА УЗУН ОРЗУ

*(Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандийнинг
«Танбекул-ғоғилийн» рисоласидан)*

Абу Дардо (р.а.) айтдилар: «Нимагадир олимларингиз кетяпти-ю, жоҳилларингиз таълим олмаяптилар. Илм қўкка бурилиб кетмасдан олдин, илмни эгаллаб олинглар. Сизларга ишониб топширилган нарсани зоеъ қиляпсизлар. Мен сизларнинг ёмонларингизнинг отларини, ҳамма аъзоларини билиб, зўр даволайдиган табибдан яхши биламан. Улар закот адо қилишмайди. Магар қарзнинг эвазига адо қилишади. Намозларини охирги вақтдагина ўқийдилар ва Қуръоннинг одобидан ташқари эшитадилар ва қулларини озод қилмайдилар».

Фақиҳ айтди: ҳирс икки кўринишда бўлади: ёмон ҳирс, ёмон бўлмаган ҳирс. Уни ташлашлик афзалдир. Ёмон ҳирс: у Аллоҳ таоло буюрган ишлардан бошқаси билан шуғулланиб қолмоғидир. Молни кўпайтириш ёки кўпайган молидан фахрланиш учун йиғади. Ёмон бўлмаган ҳирс: Аллоҳ таолонинг буйруқларидан лозимларини тарк этмаслигидир: молни йигишини, у билан фахрланишини хоҳлайди. Бу ёмон бўлмаган ҳирсдир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг баъзилари дунёни (молни) йиғар, жам қиласидилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга мункир бўлмадилар. Агар улар тарк қиласа, афзалдир. Чунки уни тарк қилиши афзал эканлиги равшан бўлди.

Абу Дардо, Аллоҳ ундан рози бўлсин, бу хабарда равшан қилди-ки, ҳирс қилишлик ёмон, вақтики Аллоҳнинг амрлари зоеъ бўлса. Чунки айтди: «Аллоҳ сизларга таклиф қилмаган нарсаларга ҳирс қиласизлар. Яъни, ризқларингизда, уни талаб қилишда ҳирс қиласизлар ва сизларга ишониб юклатилган нарсани, яъни тоат ишини зоеъ қиласизлар.

«Кулларини озод қилмайдилар», деган гапнинг маъноси: қулларни ишлатган каби дунёга ҳирс қилиб, ҳурларни ҳам ишлатадилар.

Айтдилар: Ҳафса онамиз оталари Умарга, Аллоҳ ундан рози бўлсин, айтдилар: «Эй ота, Аллоҳ таоло сизга яхшиликни кўп қилди ва ризқингизни кенг қилиб берди, яхши овқатларингиздан емайсизми? Юмшоқ, яхши кийимларингизни киймайсизми?» Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин, «Яқинда ўзинга ҳукм чиқарасан», дедилар. Кейин Пайғамбар алайҳиссаломда нима бўлган бўлса, эслатдилар. У ерда яна ҳазрати Алиниңг қуллари ва Умарнинг, Аллоҳ ундан рози бўлсин, хотинлари Руқия ҳам бор эдилар. Буларни эшитгандан сўнг икковлари ҳам йиғлаб юборишиди. Кейин ул зот айтдилар: «Менинг икки соҳибимнинг йўллари шу эди. Агар мен иккови юрган йўлдан бошқасида юрсам, икковининг йўлидан бошқа йўлга кирган бўламан. Менинг Аллоҳга қасамим-ки, улардек яашашга сабр қиласман. Шоядки, мен икковлари билан бирга роҳатли ҳаётни топсам».

Масруқ айтдилар: «Оиша онамиздан, Аллоҳундан рози бўлсин, «Эй онажон, Пайғамбар алайҳиссалом уйга кираётганларида қайси гапни кўп айтарди-

лар?» – деб сўрадим. Дедилар: «Уйга кираётганла-рида энг кўп айтадиган сўзлари: «Агар одам фарза-ндида икки водий тўла тилла бўлса ҳам, учинчисини хоҳлайди. Одам фарзандининг ичи тупроқ биланги-на тўлади. Аллоҳ, ким тавба қилса, тавбасини қабул қиласди ва Аллоҳ таоло бу дунёни (молни) намозни адо қилишилик учун ва закотни адо қилишилик учун беради».

Анас ибн Молик, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Пайғамбар алайхиссаломдан ривоят қилдилар: «Одам фарзандида ҳамма нарса қарииди, лекин ҳирс ва орзу-истак қаримайди». Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинди, Аллоҳ ундан рози бўлсин. Айт-дилар: «Сизлардан мен қўрқадиган хавфлироқ икки нарса бор: узун орзу ва ҳавога эргашишлиқ. Узун орзу охиратни унуттиради. Ҳавога эргашишлиқ ҳақдан тўсади».

Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам айт-дилар: «Мен дунёга муккасидан кетганга, унга ҳирслик бўлганга ва унга баҳиллик қилганга бойилмас факирлик, бўшалмас меҳнат ва ғам тушишига кафилман».

Абу Даҳдодан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қилинди: «У киши Хумс аҳлига бошлиқ бўлган эди. Айтди: «Сахийлик қилмайсизларми? Ўзларинг ўтирумайсизлар-у, уй қурасизлар. Топмаган нарсаларингизни орзу қиласизлар; емайдиган нарсаларингизни жам қиласизлар. Сизлардан олдингилар уйлар қуришганди, кўп мол жамлагандилар, узун орзулар қилишардилар. Уларнинг масканлари қабрларга айланди. Орзулари ўйлаганлариdek бўлиб чиқмади ва йиққанларининг ҳаммаси ҳалок бўлди».

Али ибн Абу Толиб Умар ибн Хаттобга, Аллоҳ улардан рози бўлсин, айтдилар: «Агар биродарингизга учрамоқни хоҳласангиз, кўйлагингизни ямоқлик қилинг, этигинги зини тикиб кийинг. Орзуларни камайтиринг ва тўймасдан овқат енг».

Абу Усмон Ҳиндий айтдилар: «Умарнинг, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ўн икки ямоқ кўйлагида, хутба ўқиётганларни кўрдим».

Али ибн Абу Толиб бозорга кирдилар. У киши қўпол кийиниб олган эдилар. Айтишди-ки: «Эй мўминларнинг амири! Бундан юмшоқроқ кийим кийсангиз-чи?» Дедилар: «Бу юрак учун тавозуълидир ва солиҳларнинг шиорига ўхшайди. Мўминлар учун иқтидо қилмоғи яхширокдир».

Абу Зарр Фифорий айтдилар: «Мен одамларни ҳайвонларнинг табибидан ҳам яхши билгувчиман: уларнинг яххиси зоҳидлардир; уларнинг ёмонлари дунёдан кифоя қиласидиган ҳам кўп олган кимсалардир».

Ҳакимларнинг баъзилари айтишди: «Хатоларнинг оналари уч нарсадир: ҳасад, хирс ва кибр. Кибрнинг асли иблисдандир. У такаббурлик қилган вақтда сажда қилмоқдан бош тортди. Сўнгра лаънатланди. Аммо ҳирс Одам алайҳиссаломдан эди. Унга айтилган эди: «Жаннатнинг ҳаммаси сенга ижозатдир, фақат бу дарахтга яқинлашма». Уни ҳирс кўтариб, дарахт мевасидан емоқликка ундали ва жаннатдан ҳайдатди. Ҳасаднинг асли Одамнинг ўғли Қобилдан эди. Укасини ўлдирган вақтда коғирга айланди ва унинг жойи абадий дўзах бўлди».

Шақиқ Балхийдан ривоят қилинди, Аллоҳ ундан рози бўлсин, айтдилар: «Илмимдан тўрт минг

ҳадис чиқардим, тўрт минг ҳадисдан тўрт юзтасини чиқардим ва тўрт юзтасидан қирқтасини чиқардим ва қирқтасидан тўрттасини чиқардим. Бу тўрттаси булардир:

Биринчиси, қалбингни хотинингга боғлама. Чунки у бугун сеники бўлса, эртага бошқанини бўлиши мумкин. Агар унга итоат қилсанг, дўзахга киргизади.

Иккинчиси, қалбингни молингга боғлама. Чунки мол яланғочdir. Бугун сеники бўлса, эртага бошқаникидир. Агар молга қалбинг билан боғлансанг, Аллоҳнинг ҳаққидан ман қилиб қўяди ва сенга факирлик қўрқинчи киради ва шайтонга итоат қиласан.

Учинчиси, қалбингда тўпланиб қолган нарсаларни ташлагин. Чунки мўминнинг қалби шоҳид ўрнидир. Шубҳа олдида изтироб чекади. Ҳаромдан қочади ва ҳалоллик олдида туради.

Тўртинчиси, жавобини ечмагунча, бир нарсага амал қилмагин».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Дунёда гўёки ғарип бўлгин ёки йўлдан ўтувчи (ўткинчи) бўлгин ва ўзингни ахли қубурлардан санағин».

Мужоҳид айтди: Абдуллоҳ ибн Умар менга дедилар: «Агар тонг оттиранг, нафсингга кечкурунгача яшайман, демагин, агар кечасида бўлсанг, нафсингга эрталабгача яшайман, демагин. Ўлимингдан олдин ҳаётингни ғанимат билгин. Касал бўлмасингдан олдин соғлиғингни ғанимат билгин. Албатта, сен эртага исминг нима эканлигини (ўлимми ё ҳаётми) билмайсан».

Фақиҳ айтади: ким орзуларни камайтирса, қисқа қилса, Аллоҳ таоло тўрт хил кароматлар билан ҳурмат қилади:

Биринчиси, тоатда кучли қилади. Чунки банда яқинда ўлажагини билса, унга юзланадиган ноҳуш нарсаларга аҳамият бермайди. Тоатларда кўп харакат қилади ва амалларни кўпайтиради.

Иккинчиси, ғамларини камайтиради, чунки яқинда ўлишини билса, рўбарўкелган кароҳиятларни муҳим санамайди.

Учинчиси, ози билан рози бўлади. Чунки яқинда ўлажагини билса, кўп нарсани талаб қилмайди. Унинг ғами фақат охират ғами бўлади.

Тўртинчиси, унинг қалбини нурли қилади.

Айтилди: қалбнинг нури тўрт нарсадир:

Биринчиси – оч қорин (рўза); иккинчиси – солих дўст; учинчиси – ўтган гуноҳларни эслаш; тўртинчиси – қисқа орзу. Албатта, кимики орзуни кўп қилса, тўрт нарса билан азобланади: биринчиси – итоатлардан дангаса бўлади; иккинчиси – дунёда ғамлари кўпаяди; учинчиси – мол йиғишга ҳарис бўлади; тўртинчиси – қалби қаттиқ бўлади.

Қалбнинг қаттиқ бўлиши тўрт нарсадан: биринчиси – тўлиб қолган қорин; иккинчиси – ёмон дўстнинг сұхбати; учинчиси – ўтган гуноҳларни унутиш; тўртинчиси – узун орзулар».

Мусулмён киши орзуни қисқа қилиши лозим бўлади. Чунки у қайси нафасда ва қайси қадамда ўлишини билмайди. Аллоҳ таоло айтди: «Бирон жон қай ерда ўлишини била олмас» (Луқмон, 34). Баъзи тафсирчилар «Қайси қадамда ўлишини», деб тафсир қилганлар. Бошқа оятда: «(Эй Мұхаммад!)

Хеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчи дирсиз, улар ҳам ўлгувчилардир» (Зумар, 30). Ва бошқа оятда: «Бас, қачон уларининг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетта ҳам суро олмайдилар, (уни) мұқаддам ҳам қила олмайдилар» (Наұл, 60).

Мусулмон учун ўлимниң зикрини күпайтиromoғи лозим бўлади. Чунки мўмин олти хислатга эга бўлиши керак: 1. Илм – уни охиратга етказади; 2. Дўст – унга Аллоҳ таоло тоатларига ёрдам беради ва гуноҳ ишлардан қайтаради; 3. Душманни билиш ва ундан ҳазар қилиш; 4. Ибрат – у билан Аллоҳнинг мўъжизаларига (оятларига) эътибор беради. Кеча ва кундузнинг алмасиб туриши каби; 5. Қиёматда хусуматчилари кўпаймаслиги учун халойиққа инсоф қиласди; 6. Қиёмат куни шарманда бўлмаслиги учун ўлимга етмасдан аввал ўлим учун тайёргарлик кўради.

Ҳасан Басрий (Аллоҳ раҳмат қилсин) айтдилар: «Тавротда бешта сўз ёзилган: Бойлик – қаноатда, саломатлик – узлатда, хурлик – шахватлардан бош тортишда, муҳаббат – рағбатни тарк этишда ва озгина кунда (дунёда) узун кунларга сабр билан фойдаланишда».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Оиша, менга етмоқни хоҳласанг, дунёдан ўйловчи озуқасидек озуқа билан кифоялан. Бойлар билан ўтиришлиқдан сақлан. Кийим йиртилмасдан олдин уни алмаштирма».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Парвардигор! Ким мени яхши кўрса, уни оғијат ва кифоя қиласидан ризқ билан ризқлантиргин. Мени ким ёмон кўрса, молини ва фарзандларини кўпайтиргин».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Дунёга рағбат қилишлик жафаликни ва ғамни кўнайтиради. Дунёда зоҳидлик қалб ва баданга роҳат беради. Сизлардаги факирликдан кўрқмайман, лекин сизлардаги бойликтан кўрқувчироқман; бойлик олдингиларга ёйилганидек, сизлар учун ҳам кенг ёйилиб кетгайдир. Улар тортишганлариdek тортишгайсизлар. Сўнгра сизларни уларни ҳалок қилгандек ҳалок қилгай».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бу умматдан аввалларининг яхшиси зоҳидлик ва яқинлик биландир. Бу умматнинг охирларининг ҳалок бўлгувчилари баҳиллик ва орзулар биландир».

КАМБАҒАЛЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (Аллоҳ, раҳмат қиласин) Анас ибн Моликдан (Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин) ривоят қилдилар:

Фақирлар Пайғамбарга (Ул зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) ўзларидан элчи юборишиди. У киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, мен камбағалларнинг элчисиман», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сенга ва сени юборғанларга марҳабо», дедилар. Элчи: «Эй Аллоҳнинг расули! Камбағаллар айтишяпти-ки: «Бойлар ҳамма яхшиликларни олиб кетди. Улар ҳаж қилишади, бизнинг қудратимиз етмайди; садақалар қилишади, биз унга ҳам қодир эмасмиз, касал бўлсалар, молларининг ортиқчасини эҳсон қилиб юборишади», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уларга етказгин-ки, ким сабр ва қаноат қилса, унга бойларда бўлмаган

уч фазл берилади. Биринчиси – жаннатда қизил ёқутдан бир уй борки, жаннат ахли унга дунё ахли юлдузларга қарагандек қарашиди. У ерга камбағал пайғамбар, камбағал шаҳид, камбағал мүмин киради. Иккинчиси – камбағаллар жаннатта бойлардан ярим кун олдин киришади. У ярим куннинг миқдори беш юз йилга teng. Улар уердан хоҳлаганларича фойдаланишади. Сулаймон ибн Довуд алайхумассалом пайғамбарлардан қирқ йил кейин жаннатга кирадилар. Бу ҳолнинг сабаби Аллоҳ таоло у зотга пайғамбарликка подшоҳликни ҳам қўшиб бергандир. Учинчиси – Аллоҳ покдир (Субҳоналлоҳ), Аллоҳга ҳамд бўлсин (Алҳамдуиллаҳ) ва Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ (Ла илаҳа иллаллоҳ) ва Аллоҳ улуғ (Аллоҳу акбар) калималарини факир киши ихлос билан айтса, бойнинг айтганлари, гарчи бунинг устига ўн минг дирҳам нафака қиласа ҳам, камбағалникига етмайди. Яхши амалларининг ҳаммасида ҳам шу кабидир», – дедилар.

Элчи фақирларнинг олдига бориб, бу хабарни етказди. Улар: «Эй Роббимиз! Розимиз. Эй Роббимиз, биз розимиз!» – дейишди.

Ирон ибн Муслимдан ривоят қилинади: Абу Зарр (р.а.) айтдилар: «Соҳибим Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам етти ишнинг устида эдилар, уларни тарк қилмадим, тарк қилмайман ҳам. Менга ул зот мискинларни яхши кўришни ва уларга яқин бўлишни, ўзимдан паст кишиларга қараб, юқоридагиларга назар солмасликни, қариндошларим юз ўғирсалар ҳам, уларга силаи раҳм қилишни, жаннат хазинаси бўлган «Ла-а ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ»ни кўп айтишни, одамлардан ҳеч нарса сўрамаслик-

ни, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмасликни ва аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўзлашни буюрдилар».

Абу Зарр (р.а.) қўлларидан қамчи тушиб кетса, бирорвга «Олиб бер», дейишни ёмон кўрардилар.

Хайсама ривоят қилдилар. Фаришталар: «Эй Роббимиз, кофир бандангга дунёни кенг қилиб, ундан балоларни даф қилгансан», деб айтишади. Аллоҳ уларга: «Унинг охиратдаги азобини бир кўринглар-чи», дейди. Улар у азобни кўргач, «Эй Роббимиз, бу дунёда топган нарсалари уларга фойда бермайди», дейишади. Фаришталар яна айтишади: «Мўмин бандангдан дунёни тўсиб, уни балоларга дучор қиласан». Аллоҳ фаришталарга: «Унинг охиратдаги савобини бир кўринглар-чи», дейди. Улар уни кўргач, «Эй Роббимиз, уларга дунёда етган мусибатлар ҳеч қандай зарар қilmайди», дейишади.

Абу Зарр Гифорий (р.а.) ривоят қилдилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: «Молини кўпайтиришга уринувчи кишилар Қиёмат кунида даражаси паст кишилардир, лекин ким молини мана бундай, мана бундай қилса, унинг оқибати яхшидир. Лекин улар камгинадир».

Фақиҳ айтадилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Молини кўпайтиришга уринувчи кишилар Қиёмат кунида даражаси паст кишилардир», деган сўзларининг маъноси бундай: агар бойлар жаннат аҳлидан бўлса, камбағалнинг даражасидан даражаси паст бўлади. «Мана бундай, мана бундай», деб айтган гапларининг маъноси: улар ўнг томонидан, чап томонидан, орқасидан, олдидан садака қиладилар, деганидир. «Лекин улар камгинадир»,

деган сўзларининг маъноси эса, бундай амал бойларда кам топилишига, шайтон улар учун бу дунёда молларини зийнатли қилиб кўрсатишига далолат этади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинишича, шайтон айтаркан: «Бой одам учхолатда нажот топмайди: молини унинг кўзига зийнатли қилиб кўрсатаман, натижада закот бермайди ёки мол топишни унга осон қилиб кўяман, шунда уни ўз йўлида ишлатмайди ёки молни севимли қилиб кўяман, шунда ноҳақдан касб қилади».

Абу Дардодан (р.а.) ривоят қилинади, у киши айтдилар: «Мени Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам юбордилар. Савдогар эдим. Мен савдогарликни ибодат билан бирлаштироқчи бўлдим. Иккаласи ҳам бўлмади. Савдогарликдан бош тортдим. Ибодатга юзландим. Жоним қўлида Зотга қасам-ки, масжид эшиги олдида бир дўконим бўлса, унда намозимдан хато қилмасам, ҳар куни қирқ дирҳам фойда олсан, у дирҳамларни Аллоҳ йўлида садақа қилсан, барибир у иш менга севимли эмас». Айтишди-ки: «Эй Абу Дардо, уни (савдони) нимага ёмон кўрасиз?» «Киёматда ҳисоби оғир бўлгани учун», дедилар у зот.

Факиҳ айтадилар: «Мусулмон киши, гарчи ўзи бой бўлса ҳам, камбағалларни яхши кўрмоғи лозим. Чунки камбағалларни яхши кўришда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга камбағалларни яхши кўришни ва уларга яқинлашмоқни буюрганлар: «Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорининг юзини истаб, Унга

ильтик жоңа қыладиган зотлар билан бирга тутинг» (*Каҳф*, 28). Яъни, нафсингизни фақирлар билан бирга тутинг, улар ўз нафсларини ибодатга боғлашди.

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби қуйидагича:

Уйайна ибн Ҳисн Фазорий қавмининг раиси эди. Бир куни у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдилариға кирганида, Салмон Форсий, Сұхайб Румий, Билол ибн Ҳамома Ҳабаший ва бошқа камбағал саҳобалар (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) ўша ерда эдилар. Уларнинг устида эски, ямоқ кийимлари бўлиб, бир оз терлашган эди. Уйайна шунда: «Бизларда обрў-шараф бор. Биз олдингизга кирганимизда, уларни ҳузурингиздан чиқаринг, улар бизга ҳидлари билан озор беришяпти ёки биз учун бошқа мажлис чақиринг», деди. Аллоҳ таоло уларни у ердан чиқаришни ман этди ва бундай деб оят индирди: «Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорининг юзини истаб, Унга илтижо қыладиган зотлар билан бирга тутинг». Яъни улар беш вақт намозни ўқиб, Парвардигорининг ризоини талаб қилишади.

«Кўзларингиз дунё ҳаёти зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга ахли дунёларга боқмасин)». Яъни, дунё ҳаёти зийнатлари талабида уларни кам кўрманг. «Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавоий нафсига эргашган кимсаларга итоат этманг!» Яъни, Биздан, Қуръондан юз ўтирганларга ва баъзи нафсининг шахватига эргашган камбағалларга ито-

яқин бўлишни буюряпти. Бу буйруқ барча мусулмонларга Қиёмат кунигача камбагалликлари учун мусулмон факирларини яхши қўрмоқни, уларга яхшилик қилмоқни ва уларга молу дунёларидан инфоқ бермоқни вожиб этади. Чунки улар Қиёмат кунида Аллоҳнинг йўлбошловчилари дидирлар ва улардан шафоат умид қилинади.

Ҳасан (Аллоҳ у зотга раҳм қилсин) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қиёмат куни бир банда келтирилади. Сўнгра дунёда киши кишидан узр сўрагандек Аллоҳ таоло ундан узр сўрайди. Айтади-ки, «Улутлигимга ва иззатимга қасам, хорлигинг учун сендан дунёни тўсганим йўқ, балки сен учун фазилат кароматларни тайёрладим. Эй бандам, бу сафларга чиқиб, Менинг розилигимни истаб, сени таомлантирган ва кийдирган кишиларга қара. Уларнинг қўлидан тут, уларнинг иши сенга ҳавола». Бутун инсон-ларни шу куни тер босиб олади. У банда сафлардан юриб, шундай амал қилган кишиларнинг қўлидан ушлаб, жаннатга кирғизади».

Фақиҳ айтадилар: Билинглар! Камбағал киши учун бешта каромат бор: 1) Унинг амали ва савоби намозда, садақада ва бошқа амалларида бойнинг амали ва савобидан кўпроқдир; 2) Агар у бир нарсани хоҳлаб, уни ололмаса, шунинг учун ҳам унга ажр берилади; 3) Улар жаннатга биринчилардан бўлиб киришади; 4) Охиратда уларнинг ҳисоби кам бўлади; 5) Уларнинг пуштаймонлари ҳам қамдир. Чунки Қиёмат кунида бойлар, «Камбағал бўлсак эди», деб қолишади. Факирлар эса, «Бой бўлсак эдик», деб

орзу қилишмайди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси аниқ хабарларда келган.

Зайд ибн Асламдан (р.а.) ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бир дирҳам садақа юз минг дирҳам садақадан яхшироқдир». «Бу қандай бўлди, эй Аллоҳнинг расули?» – деб сўрашди. Жавоб қилдилар-ки: «Бир киши юз минг дирҳамни молидан чиқаради ва уни садақа қиласди. Икки дирҳами бор киши бир дирҳамини ич-ичидан рози бўлиб беради. Ўша дирҳам эгаси юз минг дирҳам эгасидан афзалдир».

Ҳасан (р.а.) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашди-ки: «Агар бизлар бир нарсани кўриб, хоҳлаб, уни олишга кучимиз етмаса, бизга ажр борми?» Расулуллоҳ айтдилар: «У билан ажр олмасанглар, нима билан ажр оласизлар?»

Захҳок айтдилар: «Ким бозорга чиқиб, бир нарсани кўриб, ўша нарсага ҳаваси келса ва ололмаганига сабр қилса, бу иши ўнг минг дирҳамни Аллоҳ йўлида инфоқ қилишдан яхшидир».

Фақих айтадилар: Камбағалларнинг улуглигига Аллоҳнинг бу сўзлари далилдир: «(Эй мўминлар), намозни тўқис адо этинглар, закотни беринглар ва пайғамбарларга бўйсунинглар, шояд Қиёмат куни раҳматга эришсанглар» (*Нур*, 56). Яъни, Менга ибодат қилинглар, камбағалларга закотларингизни беринглар, деб Аллоҳ таоло ўзининг ҳаққи билан камбағалларнинг ҳаққини ёнма-ён санаяпти.

Айтилишича, камбағал – бойнинг табиби, унинг оқловчиси, элчиси, кўриқчиси, шафоатчи-

си. «Табиби» дейилишига сабаб – бой касал бўлиб, камбағалларга садақа қилса, касалидан тузалади. «Оқловчиси» дегани – бой унга садақа берса, камбағал дуо қилади, бой гуноҳлардан пок бўлади ва молини ҳам поклайди. «Элчиси» дегани – бой ўлган ота-онаси ёки қариндошларидан бири учун садақа қилса, садақасининг савоби ўликка етади, демак, камбағал киши бой билан ўтганларининг орасида элчилик қилади. «Қўриқчиси» дегани – бой садақа қилса, фақир унинг ҳаққига дуо этади, камбағалнинг дуоси билан бойнинг моли қўриқланади.

Ибн Аббос (р.а.) айтадилар: «Ким бойни икром қилиб, камбағални хорласа, лаънатлангандир».

Хотим Зоҳиддан ривоят қилинади: «Ким тўрт нарсани тўрт нарсасиз даъво қилса, у ёлғончидир. Аллоҳни яхши кўришини даъво қилса-ю, ҳаром этган нарсаларидан такво қилмаса; жаннатни яхши кўришини даъво қилса-ю, Аллоҳ тоатида молини инфоқ этмаса; Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламни яхши кўришини даъво қилса-ю, ул зотнинг суннатларига эргашмаса; жаннатдаги улуғ даражаларни даъво қилса-ю, мискин ва камбағаллар билан суҳбатлашмаса».

Баъзи ҳакимлар айтади: «Кимда тўрт нарса бўлса, у яхшиликнинг ҳаммасидан маҳрумдир. Ўзидан пастдагилардан ўзини катта тутса, ота-онасига оқ бўлса, камбағални пастсанаса ва мискинларни мискинликда айбласа».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламдан ривоят қилинади. Айтдилар-ки: «Менга Аллоҳ таоло мол жамлашни ва савдогар бўлишни ваҳий қилгани йўқ. Балки Раббимга ҳамд билан тасбеҳ айтишимни,

сажда қилувчилардан бўлишимни ва то ўлим келгунча ибодат қилишимни буюрди».

Абу Сайд Худрийдан (р.а.) ривоят қилинади. У киши айтдилар: «Эй одамлар! Қийинчилик ва фақирлик сизларни ризқингизни ҳаромдан талаб қилишга ундамасин. Мен бу айтилаётган сўзларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман. Ул зот айтган эдилар: «Ё Раббим, мени фақир ҳолатда дунёдан ўтказгин, бой ҳолатда ўтказмагин, Қиёмат кунида мискинларнинг зумрасида тирилтирган. Албатта, бадбахтларнинг бадбахти дунё фақирлиги билан охират азобини жамлаганидир».

Умар ибн Хаттобнинг (р.а.) олдилари га Қодисиядан тушган ғаниматларни келтиришди. Ул зот ўлжаларни диққат билан кузата бошладилар. Кейин йиғладилар. Абдураҳмон ибн Авф: «Бугун хурсандчилик куни бўлса, нега йиғляяпсиз, ё амирал мўминин?» – деб сўрадилар. Ҳазрати Умар айтдилар: «Ҳа, қайси бир қавмга бу нарса (яъни молдунё) берилган бўлса, уларнинг орасига душманлик ва адёват тушади».

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қиласидилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар бир уммат учун фитна бор. Умматимнинг фитнаси молдунёдир».

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидилар: «Аллоҳ учун энг яхши одамлар камбағаллардир». Чунки Аллоҳнинг яхши кўрган бандалари – пайғамбарлар. Уларни камбағаллик билан имтиҳон қиласан.

Ҳасан Басрий ҳазратлари айтдилар: «Аллоҳ таоло Мусо алайхиссаломга вахий қилди: «Эй Мусо, энг севимли бандам ва Ер аҳлиниңг энг яхшиси вафот этяпти. Бор, уни ювиб, кафанла ва қабрга күй». Мусо алайхиссалом уни Имрондан излаб топа олмадилар. Харобда ҳам топилмади. Кейин лой қилаётган бир қавмни учратдилар. Улардан: «Кеча бу ерда касал бўлган ёки ўлган кишини кўрдингларми?» деб сўрадилар. Лойчилар: «Кеча манави харобада бир касални кўрган эдик, балки сиз излаётган киши ўшадир», дейишиди. Мусо алайхиссалом ўша томон кетдилар. Борсалар, бир одам касал ётган экан. Бошининг тагига ғишт қўйилган. Ўзини ўзи даволар эди. Шу пайт боши ғиштдан тушиб кетди. Мусо алайхиссалом йиғладилар ва «Эй Раббим, уни энг яхши бандалардан, деб айтдинг. Лекин мен унинг олдида касалига қаровчи бирор кишини кўрмадим», дедилар. Аллоҳ таоло шунда: «Эй Мусо, агар мен бандамни яхши кўрсам, уни бутун дунёдан тўсиб қўяман», деб вахий қилди.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Иблис Сулаймон алайхиссаломга шайх суратида келди. Сулаймон алайхиссалом айтдилар-ки: «Ийсо (алайхиссалом) умматини нима қилишинг хабарини бер». Шайтон: «Мен уларни Аллоҳдан бошқа илоҳ олишга буюрам», деди. Сулаймон алайхиссалом: «Мұхаммад (соллаллоҳу алайхі васаллам) умматига-чи?» – деб сўрадилар. Шайтон: «Мен уларга дирҳам ва динорларни ташлаб қўяман. Уларга бу пуллар «ла-а илаҳа иллаллоҳ» калимасидан ҳам суюмли бўлади», деди. Сулаймон алайхиссалом: «Сенинг ёмонлигинг-

дан Аллоҳдан паноҳ тилайман», дедилар ва унга қарадилар: «у кетиб қолган эди».

Факиҳ айтадилар: Қамбағал киши Аллоҳ берган неъматларни билмоғи керак ва яна билмоғи лозим-ки, албатта, дунёни ундан узоклаштиргани уни муҳтарам қилганидир. Зеро, бу эҳтиром-хурмат пайғамбарларга ва авлиё ахлига ҳам қилингандар. Демак, у Аллоҳ таология ҳамд айтмоғи, жазавага тушмаслиги, ҳаёт машаққатларига сабр қилмоғи, Киёмат кунидаги нарсалар дунёда ололмагандаридан кўра яхши эканини унутмаслиги керак. Фақирик Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам касблари бўлгани учун ҳам буюkdir.

Факиҳ ибн Аббосдан ривоят қиладилар. У киши айтдилар-ки: «Бир куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Жаброил алайҳиссалом билан яна бир фаришта тушди. Жаброил алайҳиссалом айтдилар: «Бу фаришта осмондан биринчи марта тушиши. Раббидан сизни зиёрат қилишни сўради». Озгина ўтмасдан фаришта келиб: «Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ», деди. «Ва-алайқассалом», дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам. Фаришта айтди: «Аллоҳ таоло сизга ҳамма нарсаларнинг хазинасини ва қалитини беришини хабар қилган. Сиздан олдин ҳеч кимга бермagan эди, сиздан кейин ҳам ҳеч кимга бермайди ва сизга тайёрлаб жамлаган нарсани камайтиrmайди». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «Балки уни менга Киёмат куни жам қиласи», дедилар.

Сафвон ибн Сулаймдан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Менга Макка сахроси тилло ҳолатда күрсатылди. Айтдим-ки: «Эй Раббим, бир кунни түк ўтказаман, бир кунни оч. Түйганимда, Сенга ҳамд айтаман; оч қолганимда Сенга тазарруъ қиласман».

ДУНЁДАН ЮЗ ЎТИРИШ

Фақих Абу Лайс Самарқандий Зайд ибн Собит-дан (р.а.) ривоят қиласылар. Пайғамбар соллаллоху алайхі васаллам айтдилар: «Кимнинг нияти охират бўлса, Аллоҳ ҳамма ишларини жам қилиб қўяди. Бойлигини қалбida қиласи. Дунё уни излаб келади. Кимнинг нияти дунёталаб бўлса, Аллоҳ унинг ишларини тарқоқ этиб, камбағалигини кўз олдида кўрсатиб қўяди. Унга дунёдан фақат Аллоҳ ёзгани келади».

Асвад ибн Қайс ривоят қиласылар: «Мен Жундубдан эшиздим, у киши айтдилар-ки, Умар (р.а.) Пайғамбар соллаллоху алайхі васалламнинг олдилариға кирғанларида, у зот қамишдан тўқилган шолча устида ётган эканлар. Икки ёnlарида қамишнинг излари билиниб қолган эди. Умар (р.а.) бу ҳолга ииғладилар. Умарни кўриб, Пайғамбар соллаллоху алайхі васаллам сўрадилар: «Эй Умар, сизни нима ииғлатди?» Ҳазрати Умар: «Кисро ва Қайсарни эсладим. Уларда ҳамма нарса бор. Сиз пайғамбар бўлиб, ёnlарингизда қамишнинг излари билиниб қолибди», дедилар. Пайғамбар соллаллоху алайхі васаллам айтдилар-ки: «Дунё яхшиликлари уларга берилгандир. Биз эса, яхшиликлари охиратга кечиктирилган қавммиз».

Валид Али ибн Абу Толибдан (р.а.) ривоят қилади. У киши айтдилар: «Мен сизлардаги икки нарсадан күркәман. Орзу-хавасни күпайтириш ва ҳавойи нафсга эргашиш, чунки узун орзу охиратни унуттиради. Ҳавойи нафсга эргашиш ҳақдан адаштиради. Албатта, дунё орқада қолади. Охират эса, олдинда. Ҳар икковининг ҳам фарзандлари бор. Сизлар охират фарзандлари бўлинглар, дунё фарзандлари бўлманглар. Албатта, бугун амал бор, ҳисоб йўқ. Эртага эса, ҳисоб бор, амал қилиш йўқ». Яъни, бу кунда амалларни кўпайтирингизлар. Чунки эртага амал қилишга имкон топмайсизлар.

Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади. У киши айтдилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар жумъя қилган хутбаларини тўрт йил изладим, лекин топа олмадим. Ниҳоят, бу хутбалар ансорлардан бирида борлиги маълум бўлди. Уни излаб, Мадинага келсам, у киши Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) эканлар. Мен у кишидан: «Сиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар жумъя куни қилган хутбаларини эшитганмисиз?» – деб сўрадим. У киши «Ҳа», дедилар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хутбаларини айтдилар: «Эй одамлар, сизлар учун аломат – белгилар бор, уларнинг олдида тўхтанг, сизлар учун чегара бор, унинг олдида ҳам тўхтанг. Мўмин банда икки ҳавф орасида бўлади: ўтган умри борасида унга Аллоҳ қандай муомала қилишини билмайди ва қолган умри давомида унга нима тақдир қилганини ҳам билмайди. Мўмин банда нафсидан нафси учун, ҳаётидан ўлими учун, ёшлигидан кексайган пайти учун, дунёсидан охирати учун озуқа тайёрласин. Дунё сизлар

учун яратилган, сизлар охират учун яратилгансизлар. Нафсим қўлида бўлган Зотга қасам-ки, ўлимдан кейин айблаш йўқдир. Дунёдан кейин ёки жаннат ёки дўзах бўлади. Бу сўзимни тугатаман, сизларга ва ўзимга Аллоҳдан мағфират тилайман».

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарийдан зикр қилинади. У киши молларини Аллоҳ тоатида инфоқ этардилар. У зотнинг онаси ва акалари Абдуллоҳ ибн Муборак ҳузурларига келиб: «Бу ўғлимиз ҳеч нарсани қолдирмай, одамларга бераверади. Бизлар унинг камбағалликка тушиб қолишидан қўрқамиз», деб шикоят қилишди. Абдуллоҳ ибн Муборак ёрдам қилмоқчи бўлиб, Саҳлни чакиртирдилар. Келганларидан сўнг, Саҳл унга айтдилар: «Эй Абдураҳмоннинг отаси, агар шаҳарлик бир киши боғ сотиб олса ва шаҳардан бокқа кўчиб боришни хоҳласа, шунда ўзи боғда тургани ҳолда шаҳарда бирон нарсасини қолдирадими?». Абдуллоҳ айтдилар: «Агар шаҳардан бокқа кўчмоқчи бўлса, шаҳарда ҳеч нарсасини қолдирмайди». Шунда айтдилар: «Бир киши дунёдан охиратга кўчайётган бўлса, қандай қилиб бу дунёда нарсасини ташлаб кетади?»

Фақиҳ айтадилар: Оқил киши дунёдаги ризқига рози бўлади ва мол тўплашга мойил бўлмайди. Охират амаллари билан шуғулланади. Чунки охират қарор топиш ва неъматлар уйидир. Дунё фонийлик уйи, у хиёнаткор, фитнакордир.

Захҳок айтдилар: «Аллоҳ таоло Одам билан Ҳаввони Ерга туширганда улар дунё хидини топишиди ва жаннат бўйини йўқотишиди. Иккаласини қирқ кун дунё бад бўйи ўраб олди».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан риво-
ят қилинади: «Абадий дунё борлигига ишона туриб,
(фоний) дунё учун амал қиладиган кишига жуда ҳам
таажжуб».

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Пайғамбар
соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир мажлислари-
да ўтирган эдим. Юзлари оппоқ, соchlари чиройли
ва рангдор, оқ кийимли киши келиб, салом берди.
Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам алик олгач,
у киши: «Эй Аллоҳнинг элчиси, дунё нима?» – деб
сўради. Жавоб бердилар: «Уйкудаги туш. Унинг
ахли эса мукофотланувчи ёки азобланувчидир». У
киши яна сўради: «Эй Аллоҳнинг элчиси, охират
нима?» Жавоб бердилар: «Абадийликдир, бир гурӯҳ
жаннатда, бир гурӯҳ дўзахдадир». Яна савол қилди:
«Эй Аллоҳнинг элчиси, жаннат нима?» Жавоб бер-
дилар: «Дунёни ташлаган кишига (дунёнинг) ўрни-
га абадий неъматни беришдир». Яна сўради: «Эй
Аллоҳнинг элчиси, жаҳнам нима?» Жавоб берди-
лар: «Дунёни талаб қилувчига (дунёнинг) ўрнига бе-
рилади, ахли ундан ҳеч ажралмайди».

Савол-жавоб яна давом этди:

- Умматнинг яххиси ким?
- Аллоҳга итоат билан амал қиладиганлар.
- Ундей киши қандай бўлади?
- Енгини шимарган ҳолда карвонни изловчи
каби.
- У одам дунёда қанча вақт туради?
- Карвондан орқада қолғанчалик микдорда.
- Дунё билан охиратнинг ораси қанча?
- Кўзни юмгунча.

Кейин у киши қайтиб кетди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу киши Жаброил бўлади. Сизларни бу дунёдан юз ўтириши ва охиратга рағбатлантириш учун келди», дедилар.

Зикр қилинади: Аллоҳнинг дўсти Иброҳим алайҳиссаломдан сўрадилар-ки: «Қайси нарса учун сизни Аллоҳ дўст (халил) қилиб олди?» Айтдилар: «Уч нарса билан: икки ишни хоҳласам, Аллоҳ учун бўлганини танладим; Аллоҳ таоло менга кафолатини берган ризқдан бошқа ризққа ҳаракат қилмадим; тушлик ва кечки овқатни ҳар вақт меҳмон билан едим».

Баъзи ҳакимлар айтади: «Қалбнинг тириклиги тўрт нарсада: илм, розилик, қаноат ва зухдда. Илм уни рози қилади. Розилик билан қаноатга эришади, қаноат эса уни зухдга етказади. Зухд дунёни паст санашлиқдир».

Айтишларича, зухд уч хил бўлади: дунёни билиш ва кейин уни тарқ қилиш; Мавлонинг хизматида бўлиш, хизматда одоблилик; охиратга шавқ қилиш, кейин уни талаб этиш.

Яҳё ибн Маоз Розийдан зикр қилинди: «Хикмат осмондан қалбларга отилиб тушади. Тўрт хислатга эга қалбга ўринашмайди: дунёга ишониб қолган; эртанинг ғамида бўлган; биродарига ҳасадгўй; улуғликни севган қалбларга». Яна Яҳё айтдилар: «Муваффақиятга эришган оқил уч хислат учун амал қилади: дунё уни тарқ қилмасдан олдин у дунёни тарқ этади; қабрга кирмасдан олдин қабрини бино қилади; йўлиқишдан олдин Раббини рози қилади».

Али ибн Абу Толиб (р.а.) айтдилар: «Ким ўзида олти хислатни жам қилса, жаннат талабини ҳам, дўзахдан қочишни ҳам тарк этмайди. Аллоҳни таниб, Унга итоат этса; шайтонни таниб, унга итоат этмаса; ҳақни билса ва унга эргашса; ботилни билса ва ундан қочса; дунёни билса ва бош тортса; охиратни билса ва уни талаб қилса».

Жаъфар ибн Муҳаммад ривоят қиласи. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Али, тўрт иллат бадбаҳтиқдандир: кўзнинг қуруқлиги; қалбнинг қаттиқлиги; дунёни севиш; орзуни узун қилиш». Яна айтдилар: «Агар дунё Аллоҳ назарида чивиннинг қанотичалик қадрли бўлганида эди, коғир дунёдан бир томчи сув ҳам ичолмас эди».

Абдураҳмон ибн Ҳусмондан ривоят қилинади. «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кечани уйқусиз ўтказдилар ва бомдод намозини «Думнатул-ҳай»да, яъни қабиланинг ахлат ташлайдиган жойи тарафда ўқидилар. Шу жойда ўлган эчки боласини кўрдилар, ёғларида шиш бор эди, яъни унинг тери-лари орасида қуртлар ғимирлаб юради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қарадилар ва туяларини ушладилар. Кейин қавм турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана шу эчкининг эгаси уни паст санаб ташлаб кўйган деб ўйлайсизларми?» дедилар. «Ҳа, эй Аллоҳнинг элчиси», дейишиди саҳбийлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам-ки, дунё Аллоҳ ҳузурида бу улоқнинг ўз ахлига хор бўлганидан ҳам хорроқдир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинди: «Дунё мўминнинг зиндони, қабр

қўрғони, жаннат эса унинг маконидир. Дунё кофир-нинг жаннати, қабр қамоқхонаси, дўзах эса маконидир».

Фақих айтадилар: «Дунё мўминнинг зиндони», деган сўзларининг маъноси – мўмин агар неъматда ва кенгчиликда бўлса ҳам, Аллоҳнинг жаннатдаги неъматлари олдида бу дунёда гўё зиндондагидек, деганидир. Чунки мўминга ўлим ҳозир бўлса, унга жаннат кўрсатилади. Ва ўзи учун жаннатда тайёрланган нарсаларни кўриб билади-ки, у қамоқда экан. Аммо кофирга ўлим келса, дўзах кўрсатилади ва Аллоҳ унга тайёрлаб қўйган нарсаларни кўриб билади-ки, дунё жаннат бўлган экан. Ким оқил бўлса, зинданда хурсанд бўлмайди, роҳатни талаб қилмайди. Оқил киши дунёга қарамоғи, дунё ҳақидаги зарбулмасалларни фикр қилмоғи лозим. Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёни зарбулмасал қилиб баён этганлар.

Аллоҳ таоло айтади: «Дарҳақиқат, бу дунё ҳаётининг мисоли» яъни, унинг йўқ бўлиши ва кетиши ёмғир каби «сувга ўхшайди»; «Биз уни осмондан ёғдирганимиз» яъни, Аллоҳ таоло осмондан туширган; «у ер набототи билан аралашади» яъни, сув ерга сингади, кейин «одамзод ейдиган» донлар «ва ҳайвонлар ейдиган» ўт ва пичанлар униб чиқади, «ҳатто ер чирой олади»; «ясан-туссан қилганида» яъни, ер ўсимликлар билан зиннатланганда «унинг аҳли гумон қилишади» яъни, ўсимлик ва экинлар эгалари ўйлашади-ки, «унинг устида кучли қудратлимиз» деб, яъни, унинг галлаларига эгамиз, деб; улар яқиндагина тугайди «ва ерга кечаси ё кундузи Бизнинг буйругимиз

келади», яъни Аллоҳнинг азоби келади; «гўё куни кеча обод бўлмагандек, уни вайрона қилиб қўямиз». Шунингдек, экинзорлар қолмагандек дунё ва ундағи нарсалар қолмайди. «Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни (яъни мисолларни) шундай муфассал баён қиласиз» (Юнус, 24).

Ривоят. Бир киши Шомдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ерлари ҳақида сўрадилар. У ерларининг кенглигини ва турли неъматларга бойлигини айтди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қандай яшайсизлар, қандай кун кўрасизлар?»-деб сўрадилар. У киши жавоб қилди: «Турли-туман таомлар еймиз». Сўрадилар: «У нимага айланади?» «Ўзингиз билган нарсага» (яъни бавл, ахлатга). Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунё ҳам худди шунга ўхшайди», дедилар.

Яхё ибн Маоз Розий айтдилар: «Дунё Аллоҳнинг экинзори, одамлар шу экинзорнинг экини, ўлим – ўроқ, жонни оловчи фаришта алайхиссалом шу экинни ўрувчи, қабристон уни янчувчи, жаннат ва дўзах ҳавои хоҳишларнинг уйидир. Бир гуруҳи жаннатда, бир гуруҳи дўзахда бўлади».

Луқмони Ҳакимдан зикр қилинади. У киши ўғилларига айтдилар: «Эй ўғилгинам, дунё чуқур денгиздир. Унда кўп кишилар ғарқ бўлишган. Бас, кемангда Аллоҳга тақво қилгин».

Баъзилар айтади: «Солиҳ амаллар кўтариб юрган давлатингдир. Бу молга хирс қилсанг, сенинг фойданг. Кунлар – солиҳ амалларнинг тўлқини, таваккул -сојси. Аллоҳнинг китоби – далили, нафсни

хаводан қайтариш – арқони, ўлым – соҳили, қиёмат – савдо қиладиган ери. Аллоҳ эса унинг эгасидир».

Фузайл ибн Иёздан ривоят қилинади. У киши айтдилар-ки: «Дунё Қиёмат куни келтирилади. Ўзидаги чирой ва зийнати билан айтади-ки: «Эй Робб! Мени яхши бандаларинг учун уй қилиб қўйгин». Аллоҳ азза ва жалла: «Сени улар учун уй қилиб қўйишга рози эмасман, сен ҳеч нарсадирсан, сепилган чанг бўлгин», дейди. Шундан сўнг дунё чангга айланади».

Иbn Аббос (р.а.) айтдилар: «Қиёмат кунида дунё оқариб-кўкариб кетган, қари, тишлари кўринган, аъзолари титилган хас ҳолатда келтирилади. Ким уни кўрса, қайта қарагиси келмайди. У одамларга қаратилади ва «Буни танийсизларми?» – дейилади. «Уни танишдан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз», дейишади. Шундан сўнг: «Бу дунёдир. Сизлар фахрланган ва унинг устида талашган дунё мана шудир», дейилади».

Фақиҳ айтдилар: Дунёга азоб берилмайди. Чунки унда гуноҳ йўқ, лекин дўзах аҳли уни кўришлиги учун дўзахга туширилади. Дўзах аҳли учун дунё хор қилиб кўрсатилади. Худди санамлар дўзахга ташлангани каби. Аллоҳ айтади: «(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сифинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтиналариdir. Сизлар у (жаҳаннамга) тушгувчидирсизлар» (Анбиё, 98). Бутлар учун азоб йўқ, лекин азоб ва ҳасратни зиёда қилиш дўзах аҳли учундир. Шунингдек, дунё дўзах аҳлининг азобини, ҳасратини зиёда қилиш учун дўзахга ташланади. Демак, мўмин киши охират учун амал қилмоғи лозим. Дунё би-

лан машғул бўлиб қолмаслиги, шуғулланса ҳам, керак бўлганича, унга қалби билан ёпишмасдан шуғулланса бўлади.

Ийсо алайхиссалом айтдилар: «Сизларга ажабланаман. Дунё учун амал қиласизлар, ваҳоланки, унда амалсиз ҳам ризқланасизлар, охират учун амал қилмайсизлар, ваҳоланки, унда амалсиз ризқланмайсизлар».

Абу Убайда Асадий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Расууллоҳу соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимнинг қалби дунё севгиси билан тўлган бўлса, Аллоҳ таоло уни уч нарса билан боғлаб кўяди. Машғул бўлиш ва давомли чарчаш билан; тугамайдиган орзу билан; чексиз ҳирс билан. Унда қийинчилик бўлмайди. Дунё талаб қилади ва талаб қилинади. Охират ҳам талаб қилади ва талаб қилинади. Ким охиратни талаб қилса, уни дунё талаб қилади. Ҳатто дунёда ризқини тўлиқ олади. Ким дунёни талаб қилса, уни охират талаб қилади. Ҳатто ўлим келади, сўнгра бирданига олиб кўяди».

Иброҳим ибн Юсуф Кинонадан ривоят қилади. Айтадилар-ки: «Мен Абу Ҳозимнинг шундай деганларини эшитдим: «Дунёдан икки нарсани топдим. Бири – мендаги нарса, у йўқ бўлмайди, иккинчиси – бошқаники, унга етолмадим, чунки меники бўлган нарса бошқага берилмагани каби, бошқаники ҳам менга берилмайди. Мен бу нарсанинг қайси бирида умр ўтказай? Ва мен яна икки нарсани икки нарса деб билдим: бири – мол-дунёнинг ажали меникидан олдин келиб, ундан ғалаба қиламан; иккинчиси – менинг умрим уникidan олдин узилади, ўламан

ва бошқа кишига ташлаб кетаман. Қайси бири билан Рabbимга осийлик қилдим?»

Абу Суфён ривоят қиласылар. Саъд ибн Абу Ваққос Салмоннинг (р.а.) олдига келдилар. У киши касал эдилар, зиёрат қиласылар. Салмон йигладилар. Саъд ибн Абу Ваққос: «Эй Абдуллоҳнинг отаси, нега йиглаяпсиз? Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам сиздан рози ҳолда дунёдан кетдилар-ку?» – деб сүрадилар. Салмон (р.а.) айтдилар: «Огоҳ бўлинглар! Мен ўлимдан кўркиб ёки дунёга ҳирс килиб йигламайман. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бизларга бир аҳд берганлар «Сизларнинг дунёдаги насибалингиз йўловчи оладиган нарса микдорида бўлсин», деганлар. Менинг олдимда эса, бу қора нарсалар турибди». У кишининг олдиларида ичадиган, ейдиган, таҳорат қиласылар идишлар бор эди. Кейин Саъад (р.а.) айтдилар: «Эй Абдуллоҳнинг отаси, сиз ҳам бизга аҳд беринг. Сиздан кейин бизлар ҳам уни ушлайлик». Салмон (р.а.) «Эй Саъд, қайғурган пайтингизда, ҳукм қилаёттанингизда ва қасамингизни бажариш вақтида Аллоҳни эслангиз», дедилар.

Жубайр Заххокдан ривоят қиласылар. Бир киши Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан сўради: «Эй Аллоҳнинг элчиси! Одамларнинг зоҳидроғи ким?» Айтдилар: «Ким қабрни ва чиришини унутмаса, дунё зийнатининг ортиқчасини ташласа, дунёдан кўра охиратни афзал билса, кунларнинг эртаси бор деб хисобламаса ва ўзини ўлгардан деб санаса».

Ҳаким Хотам Лиғофий айтдилар: «Тўрт нарсани тўрт нарсадан талаб этдик ва бу йўлда хато қиласыларни молдан талаб қиласылар – у қаноатда экан;

рохатни кўплиқдан изладик – озликда экан; неъматни таом ва кийимдан қидирдик – сатрда, яъни Аллоҳ ёпган айбларда ва Исломда экан».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким дунёга катта аҳамият бериб тонг орттираса, Аллоҳ унинг қалбига уч нарсани боғлаб қўяди: гамдан ҳеч узилмайди, машғулликдан ажралмайди ва камбағаллиги тугамайди».

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтдилар: «Ким тонг орттираса, у меҳмондир. Моли яланғочдир. Меҳмон жўнаб кетади, яланғочлик ортига қайтади».

Фузайл ибн Иёз: «Ёмонликнинг ҳаммаси бир уйда бўлса, унинг қалити дунёни севишлиқдир. Яхшилиқнинг ҳаммаси бир уйда бўлса, унинг қалити дунёни тарқ қилишдир», дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло: «Мўмин бандамга дунёни кўпайтирсам, хурсанд бўлади, у Мендан узоқроқдир. Дунёни камайтирсам, ранжийди. Кимнинг дунёсини камайтирсам, ана шу бандам Менга яқиндир», дедилар ва кейин бу оятни тиловат қилдилар: «Улар Биз уларга бераётган мол-давлат ва болаларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимиз деб ўйлайдиларми? Йўқ, улар (буни гафлатлари янада зиёда бўлиши учун қилинаётганини) сезмайдилар» (*Мўминлар*, 55-56).

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Абу Зарнинг кўлидан ушладилар ва: «Эй Абу Зарр, албатта, сенинг олдингда баланд тўсиқ бор. Унга фақат енгил кишиларгина кўтарилади», дедилар. Абу Зарр: «Ё Расулуллоҳ, мен енгил кишиларданман-

ми ё оғирларданманми?»-деб сўрадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенда бир кунлик таом борми?» – деб сўрадилар. Абу Зарр: «Ҳа», дедилар. Сўрадилар: «Эртансиги-чи?» Абу Зарр яна «Ҳа», деб жавоб бердилар. «Эртадан кейингиси-чи?» деб сўрадилар. Абу Зарр: «Йўқ», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сенда уч кунлик таом бўлса, оғирлардансан», дедилар».

(Дилмурод Қўшоқов таржимаси).

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»ДАН

Худхуддан сўрадилар:

– Эй кутлуг жамол эгаси! Молу дунё менинг кўнглимга чексиз муҳаббат солди. Унга эришмоқ хаёли жонимга қувонч бағищлайди, унинг жаранглаган товушини эшитсам, кўнглим хузур топади. Кўлимда агар бир нафас олтин-кумуш бўлмаса, мени ўша заҳотиёқ ўлди, деб ҳисоблайвер.

Худхуд бу саволдан ранжиб жавоб берди:

– Эй ҳақиқатдан йирок! Жонингга пул фироқ доғини қўйибди. Хирс жоми кўнглингни маст айлабди, сен бу мастиқдан ер билан бир бўлибсан. Киши ҳам шундай сўзларни айтадими?! Ахир бу ҳақиқий инсонларнинг иши эмас-ку! Асл инсонлар бу ишдан ор қиласидилар.

Бу хил тубан иш билан шуғулланиш фақат сичқонга ярашади. У ниҳоятда тиришиб, ерни қазиш билан доимо тупроқ ичра хору зор умр ўтказади. Шу ҳирси туфайли ер тагидан турли тешиклар кавлаб, бу ёмон иллатидан ниҳоят кўп машақкат чекади. Шу

тариқа доимо уй сари кавлаб бораверади. Нихоят, тешик очиб юзага чиққач, пусиб, пайт пойлаб ётган мушук унинг этини еб, қонини симиради.

Ёки сен йиллар туфроқ остида хазинани пойлаб ётган илонга ҳам ўхшайсан. Чарх бунинг эвазига унга лойиқ жазо беради, яъни у кишилар кўзига кўрингани заҳотиёқ, бошини янчиб ташлайдилар.

Сенинг зотингда ҳам шундай иллат борки, эй ифлос, бу билан сен илон ва сичқонни эсга келтирасан. Уларнинг оқибати нима бўлгани ўзингга маълум. Билгил-ки, сендаги бу иллат яхшиликка олиб бормайди.

Симу зарни севган одам унга қул бўлиб, унинг шавқидан ажойиб маст ҳолга тушади. Ёки фараз килки, фақат жоҳил ва нодон, маст кишигина сийму зарни ўзига бут ҳисоблаб, унга сифинади. Бундай кишини жаҳодат билан иймонни тарк этиб, дўзахга равона бўлган деб айтиш мумкин. У бу жаҳон боғида токи тирик экан, ўз умрини шу янглиғ мащакқат билан ўтказади. Олтин-кумуш учун юз хил ҳирс ва шайдолик кўрсатади, аммо охирида расвоник билан ўлиб кетади.

Майли, мен сени сичқон деб атамай, балки Қорунга тенг деб ҳисоблай; илон демасдан, Фаридун деб ҳам атай. Аммо оқибати нима билан тугайди? Улар нима қилдилару сен нима қила олардинг?! Барибир улар қаби бутун бойлигинги қолдириб, нариги дунёга равона бўласан! Шунинг учун бу беҳуда хаёлни бошингдан чиқариб ташла! Миянгни эзиб ётган бу қаттиқ тошдан қутқар! Ҳақиқий эр бўлсанг, асл мақсадни кўзлагил, нимаики сўзлассанг, ўшан-

дан сўзлагил. Бу номуносиб иш билан шуғулланма, чунки ундан сенга заرار етиб, охири жонингнинг уволи бўлади» (изоҳ: Корун ўта хасис бўлгани сабабли бадиий адабиётда давлатмандлик ва хасистик рамзи сифатида тилга олинади. Фаридун (ёки Афридун) қадимги Эроннинг ғоят бадавлат подшоҳларидан).

* * *

Эй хожа, қачонгача бойлик тўплайсан, улар ўлимингдан кейин қолиб кетади-ку?! Агар Хорун хазинасини жамласанг ҳам, барибир, сенинг тамагирлигинг ва очкўзлигинг тутамайди (*Хусайн Воиз Кошифий*).

* * *

Пулу молга бўлган ташналиқ сувга бўлган ташналиқдан кўра даҳшатлидир (*Мұхаммад Зеҳний*).

* * *

Ким Аллоҳдан дунёлик истаса, уҳисоб-китоб куни Аллоҳнинг ҳузурида кўпроқ туришни хоҳлайди, деганидир (яъни бойлигини керакли жойга ишлатмаса, узундан узоқ ҳисоб беришга мажбур бўлади) (*Бишр Хофий*).

* * *

Баъзилар дунёга ўйнғигач, унинг севгисидан чиқиб кетиш йўлини тополмай қолишади. Шунинг учун дунёга муккадан кетиш тақиқланади (*Ином Шаъроний*).

Ким Аллохни севса, хақиқий ҳаётда яшайди, ким дунёни севса нодон бўлади. Аҳмоқ одам умрини бехуда ўтказади, оқил ўз айбини қидиради (*Сиррий Сақатий*).

Ошиқ дунёни ҳам, охиратни ҳам севмайди, балки фақат Парвардигорини севади (*Боязид Бистомий*).

Мол-дунёйим кўп, деб кибрланмагин. Мол-дунёнинг фойдаси нимага арзийди?! Ўлганда яланғоч кетасан. Ҳамёнинг, тўрванг, бойлик тўла сандиғинг – бари қолиб кетади.

Бу дунё бир қўниб, яна кетадиган работдир, бу работга тушиб ўтувчилик қўниб кета беради... Олдинги карvon йўл босиб ўтиб кетди, шу олдинги карvon неча манзилни босиб ўтди... Бу дунё бойлиги орқасидан қанча кишилар югурмоқда, хасис ҳам бойлик фойдали деб ўзига ўзи зўр бериб, ўзини ўзи қийнайди... Молга бунчалар кўнгил қўймоқ на керак?! Бу бойлик келса, кўпаяди, озаяди ва йўқ бўлади.

Кўнгилдан молга бўлган сукликни чиқар, фақат кийим билан қорин тўқлигини кўзла... Бойлик, камбағаллик емишнинг бор-йўқлигидир. Озиқ йўқлигини қашшоқлик деб айтма... Бу дунё бойли-

гидан егулик, кийгулик бўлса, етарли, ортиқча тила-
ма, унинг ошиқчаси зиён-уволдир ва оғирлик кел-
тиради.

* * *

Йигит қарийди, янги эскиради, бели қувватли
бўлса – букилади, кучи кетади... Бу дунё лаззати
бевафо, унинг мазали кечган пайти елдек ўтиб ке-
тади... Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса, эртага йўқ
бўлади, менини деган нарсалар бировларга қолади...
Барча тўлган нарсалар камаяди, емирилади, обод
ерлар оқибатда хароб бўлади... Қанча обод ерлар
бор эди, халқи сифишиш мас эди, халқи йўқ бўлди, жой-
лари бўш, эгасиз қолди... Қанчадан қанча доно фай-
ласуфлар бор эди, энди уларнинг мингдан бири йўқ.

* * *

Дунё кулдиради, яна қош ва манглайи билан
хўмраяди; бир қўли билан бол тутса, иккинчиси би-
лан заҳар қўшади... Қўли билан асал едириб, лаззат-
лантириб, таом бериб, кейинги қадаҳга эса заҳар
қўшиб ичиради... Ширинлик татисанг, аччикқа йўй,
кишига бир йўлдан роҳат келса, орқасидан ўнлаб
қийинчиликлар келади... Эй умидворлар, ранж ва
қийинчиликсиз роҳат истайсизлар, дунёда умид
қачон амалга ошган?

* * *

Бу дунё аврайдиган илон кабидир, уни ювош,
юмшоққа йўйсанг, ичи аччик ичимлик каби оғудир.
Илон юмшоқ, ювош бўлиб кўринса ҳам, ёмон феъл-
лидир; ювошлигига ишонмасдан, ундан узоқ туриш
керак.

* * *

Будунё сиртдан кўрувчи кишига жуда кўркамдир, ички томони эса минглаб ёқимсиз нарсалардан иборат. Дунёниг кўркли ташки гўзаллигини кўриб, унга кўнгил қўймоқ хатоликларнинг бошланишидир («Дунёга муҳаббат қўйиши хатоларнинг бошидир» – ҳадисдан).

* * *

Никоб кўтарилади, дунё юзини баъзан бир оз кўрсатади, гўё учмоқчидек бўлиб кўлині очади ва яна қочади... Ҳаёт ўткинчи кўклам булутидек ё тушдек курукдир, бахт тўхтовсиз ўтади ёки қушдек учеб юради... Дунё молини тамоман тўплаган киши уни ея олмай ўлиб кетади, унинг ҳолини кўринг.

* * *

Ким мол-дунёсиз факир бўлса, кишилар уни кўргач, юз ўгириб, кўз юмиб ўтадилар... Эй мол-дунёга кўзи оч киши, яхши билгин, бу мол бугун қайғу алам, эртага - у дунёда эса гуноҳлар ортилган юк ва азобдир.

* * *

Сенинг тўплаган молинг ўзингникидир, уни беркитиб сақлаганинг эса сенга ҳасратдир... Бутун тўплаган нарсаларинг сенга тотли бўлиб кўринади. Сўнг уни қолдириб кетганингда заҳри юзага чиқади... Бу дунёниг мазаси қийинчилик билан вужудга келган роҳатдир, бунинг ташвиши кўпроқ, роҳати оздир.

* * *

Молинг ҳаромдан йиғилган бўлса, аввалидан охиригача азобдир, агар ҳалоллик билан йиғилган бўлса, хисоб берилади.

* * *

Бу дунёning мазаси қийинчилик билан вужудга келган роҳатдир, бунинг ташвиши қўпроқ, роҳати эса оздир. Асал бор ерда ариси ҳам бирга бўлади, кишига асалдан кўра ари заҳри ортиқ татииди (*Аҳмад Юғнакий*).

* * *

Бойликка ҳирс қўйиш – жодунинг сиртмоғига тушиб қолиш билан баробар (*Қози Аҳмад Faффорий*).

* * *

Дунёning қийинчилиги тўртта: ғурбатда касаллик, қариганда ёлғизлик, ҳеч нарсаси бўлмаганда қарздорлик, сафарда узоқ йўл (*Ибн Мукаффа*).

* * *

Дунё – илон, илонбоздир дунё қидирган,

Илонбоздан қасдин олур илон оқибат (*Абу Абдуллоҳ Рудакий*).

* * *

Бу дунёning адолатсизлиги шунда-ки, у инсонни мәҳнатига яраша тақдирламайди, ё хизматини ошириб баҳолайди ё камситиб (*Бузургмехр*).

* * *

Кел, э кўнгул, жаҳон савдосидан кеч,
Қадам ғам кишварина урмагил ҳеч.

(Эй кўнгил, дунё ишлари ва завқларидан кеч, оёғингни дунёning ғаму ҳасратларига урма. Дунё қайғуси билан охират мулкидан қуруқ қолмагин. Ундан кўраси қилмийшларингга зудлик билан тавбаю истигфорлар қилгин).

Ажаб маккорадур дунёйи фоний,
Минг алвон жилва бирла алдар они.

Ўшал маккораким, солса қўйниға,
Севингандин кирав шайтон ўйунға (Сўфий
Оллоҳёр).

(Ўшал хийлагар дунё бир одамни алдамоқ учун кўлини унинг қўйнига солган пайтда, шайтон суюниб, ул одамнинг ибодатуши үрнига кириб олади-ю уни йўлдан чиқаради).

* * *

Бойлик шўртанг сувга ўхшайди. Сувсаган киши шўр сувни қанчалик ичгани билан унинг чанқоғи асло пасаймайди, аксинча, шу сувдан кўпроқ ичгиси келаверади. Бойлик кўланкага ҳам ўхшайди: қувсанг қочиб кетаверади. Аммо ундан қочгудай бўлсанг, у сенга ёпишади, орқангдан эргашиб келаверади.

* * *

Донишманд Ойтўлдини подшоҳ Кундуғди Элиг ёнига чорлайди. Йигит эса ёнидан копток чиқариб, ўшанга ўлтиради. Элиг унга кўп саволлар беради. Йигитнинг жавобидан шодланади. Шунда Ойтўлди кўзларини юмиб олади. Элиг бундан ажабланганида Ойтўлди изоҳ беради:

– Эй Элиг! Сен менинг қиёфамда давлат ва бойликни кўрмоқчи эдинг. Мен уларни аникроқ тасаввур эта олгин, деб шу ҳаракатларимни қилдим. Коптот давлат, яъни бойликка жуда ўхшайди. Уларнинг иккови ҳам жойида тўхтаб турмайди. Юмалаб кетаверади. Менга кулиб боққанингда, кўзларимни юмиб олишимга сабаб – давлатнинг кўзи кўр эканини сенга уқтириш эди. Бойлик билан давлат кўзи кўр одамларга ўхшайди. Ким бойлик ва давлатнинг қўлидан тутса, ўшанга эргашиб кетаверади: бу яхши, мана буниси ёмон, деб ажратиб ўтирмайди. Оқар сув, йўриқ тил ва қут бир жойда тўхтаб турмайди. Олам кезувчилар йўл юриб тинмайди. Бахт давлат ҳам бир жойда қўним билмайди... («Қутадғу билиг»дан).

* * *

Мол-дунёни қанча тергамагин, у тугайди, озаяди. Ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади (*Юсуф Хос Ҳожиб*).

* * *

Бу дунё ва унинг мол-мулкига қўнгил қўймагин. Чунки ҳечбир киши ундан вафо кўрмаган (*Абдураззок Самарқандий*).

* * *

Эй одам, асл ёр висолига етишмоқни истасанг, дунё қелинчагини талоқ қил (*Алишер Навоий*).

(*Агар жаннатни истасанг, жаннатда Аллоҳ висолига етишмоқ ниятинг бўлса, у ҳолда бойликка қўнгил қўйма, ундан ажрал*).

* * *

Бир кун Яман шоҳин гўри устига борсам,
Кўл чўзди-ю тутди кафан, кўрсатиб карам.
Ва деди: «Бу саховатим айб айламагил,
Бу дунёда бундан бошқа йўқ бирор нарсам.

* * *

Кимнинг бўшроқ чўнтағи,
Тинчроқ тепар юраги.

* * *

Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,
Бефахм кишилар ўзни йўқотар (*Низомий Ганжавий*).

* * *

Жаҳон моли эрур охир заҳри мор,
Азизларни ҳам айлар ул хор-зор (*Абулқосим Фирдавсий*).

* * *

Бил, оёқ остингда юрган чумоли,
Бир донга гаровдир юз жони-ҳоли.

* * *

Бойлик қидириб кон қазисанг магар,
Аввал тош-қум чиқар ва сўнггида зар (*Хисрав Дехлавий*).

* * *

Йўқдир хабаринг, бошида не ҳол дунё,
Эй хожа, хаёлингда мудом мол-дунё.

Бир сидра кафандир улушинг, ох, уни ҳам
Кўргайми раво, йўқми бу баттол дунё (*Паҳлавон
Маҳмуд*).

Ўшал олтин идиш менга не керак,
Агар ёвлар унга қоним солажак (*Фахриддин Жур-
жоний*).

Эмас кишига бу дунёда мулку мол камол,
Ҳусули илму ҳунар келди безавол камол (*Комил
Хоразмий*).

Гар оқил эрсанг, сим-зар жамъига ғарра бўлма-
ким,

Faфлат била кўп кимсани қилмишдур мағрур
ганж.

Ҳар кимки даҳр шоҳлигин айлади ҳавас,
Бордур насиб ғуссаи фикри жаҳон анго (*Оғаҳий*).

Дунёга муҳаббат кўйиш – ўғрилик, зулм,
хақсизлик, адолатсизликларнинг қилинишига, жа-
миятнинг қонун ва низомлари бузилишига сабаб
бўлади.

Дунё нашъали, аммо асл жойимиз эмас. Охират
учун ҳам ҳаракат қилишимиз керак (*Маҳмуд Асъад
Жўшон*).

* * *

Биз дунёга манманлик учун келмадик. Биз севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, маҳлукотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келдик (*Юнус Эмро*).

* * *

Инсоннинг мулки инсонийлигига (*Мустафо Отатурк*).

* * *

Билиб қўйки, сен ўз дунёнгда амалинг уруғларини экмоқдасан. Дунёнг – сенинг даланг. Ўлим они – йифим-терим замонинг, охират эса хирмонингдир. Нима эккан бўлсанг, ўша нарсани йифиб-териб оласан, холос.

* * *

Дунёнинг ичига кир, сайд қил, аммо эҳтиёт бўл – дунё сенинг ичингга кирмасин.

* * *

Имкони бўлса инсон ухламасдан тунни ҳам дунёси учун сарфлар эди... Бироқ, дунё ҳамма нарса дегани эмас (*Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал- Жазарий*).

* * *

Дунё ғами ўткинчидир. Абадий қолади, деб сиқилма.

* * *

Биздан олдин келиб-кетганларнинг бу дунёда излари бор, биздан кейин келадиганларга эса биз

из қолдирамиз. Тўғри из қолдирган киши қандайин баҳтли!

* * *

Бойнинг бир кўзи камбағалда бўлиши керак. Бир қўлини камбағалга бериши лозим. Камбағалдан юз ўтирган бойнинг кўzlари хоин кўздир (*Муҳаммад Камол*).

* * *

Ўлимга барибир: гулдай дудоқлар,
Ҳалол юрганлару ҳаром томоқлар.
Уст-боши бутлардан чопонни ечгай,
Ковуш кийиб кетмас ялангоёқлар (*Сирожиддин Сайид*).

* * *

Тобутимдан қўлларимни чиқариб қўйинглар,
одамлар у дунёга ҳеч нарса олиб кетмаётганимни
кўришсин (*Македониялик Александринг васиятидан*).

* * *

Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди.
Кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлинни ёритишга сарф
этса, фойда олади. Кимки кўпроқ олишга интилса,
ку-йиб қолиб ўзига азоб беради (*Буқрот ҳаким*).

* * *

Дунё мұхаббатига мубтало бўлган кишининг
юрагига панду насиҳатлар фойда бермайди (*Батли-
мус ҳаким*).

* * *

Ким бу ҳаётни олий неъмат деб билса, бу уни
бадном қилади.

* * *

Бойлик – асло кўр эмас, факат у – зийрак (*Афлотун ҳаким*).

* * *

Инсон кўпинча қўлидаги неъматнинг қадрини
уни йўқотмагунича билмайди (*Софокл*).

* * *

Мени кўринг: на фуқаролик ҳуқуқим, на бир
бошпанам, на давлатим, на қулим бор. Тунлари
очиқ осмон остида ухлайман. Хотиним ва фарзанд-
ларим ҳам йўқ. Мана шу ер, осмон ва ёпинчиғимдан
бошқа менинг ҳеч вақоим йўқ. Хўш, менга яна нима
керак? Ҳеч нарса! Чунки мен эркинман. Ўзимга хон,
ўзимга бекман. Бадарға қилишади? Қаёқقا бадарға
қилишарди? Ким мени бу оламдан ташлаб юбориш-
га қодир? Қаерни истасам, ўша ерга бораман. Ахир,
қуёш, ой, юлдузлар, қушлар хониши ҳамма ерда бир
хил-ку! (*Эпиктет*).

* * *

Донишманд бойлик қуршаб олганида қашшоқлик
ҳақида ҳар вақтдагидан кўпроқ ўйлайди.

* * *

Маънавий қулликдан шармандалироқ мутёлик
йўқ.

* * *

Оз нарсаси бор эмас, доим жуда кўпини хоҳлаган одам фақирдир (*Сенека*).
Лат. Proverbium

* * *

Мол-мулк мард ва Парвардигор насиб этган инсонларнинг олдига келади (*Вергилий*).
Лат. Proverbium

* * *

Хеч кимдан умидвор бўлмаган ва ҳеч нимадан қўрқмайдиган кишини мен хур одам, деб ҳисоблайман (*Демонакт*).
Лат. Proverbium

* * *

Йўғидан қайгуга ботмайдиган, борига шукр қиласдиган одам энг ақллидир.
Лат. Proverbium

* * *

Хеч нарса тасодифан юз бермайди. Масалан, хазина топиб олишнинг сабаби ё ер чопиш ёки дарахт ўтқазиш бўлиши мумкин.
Лат. Proverbium

* * *

Кимнинг истак-хоҳишлари кам бўлса, ўша бойдир (*Демокрит*).
Лат. Proverbium

* * *

Пулинг кўп бўлса кувонма, кам бўлса куйинма (*Эзоп*).
Лат. Proverbium

* * *

Қашшоқ бўлиш нодон бўлишдан яхшироқдир, негаки, қашшоқ – фақат пулдан маҳрум, нодон эса одамийликдан (*Аристипп*).
Лат. Proverbium

* * *

Бойликни ҳамма истайди, лекин ундан фойдаланишни ҳамма ҳам билмайди (*Граф Сёдермере*).

* * *

Сен тақдири азални эмас, аввало ўзингни енгишга ҳаракат қил. Дунёни тартибга солишга уринма, энг олдин ўз истакларингни бошқара бил (*Рене Декарт*).

* * *

Сув оқими доимо пастга интилганидек, одамлар бойликка талпинадилар. Шу боис ҳукмдорнинг фармойишидан ўзларига фойда тегишини кўзлаган одамлар унинг ҳар қандай буйруғини сўзсиз бажаридилар.

* * *

Инсонлардаги бойликка ва аслзодаликка интилиш ҳаваси қабр ичидагина барҳам топади (*Шан Ян*).

* * *

Батамом серобчиликда яшаётган киши лиммолим тўлдирилган косага ўхшайди: ундан сув тўкилай-тўкилай деб турибди. Унга ортиқча бир томчи ҳам қўрқинчли. Ким фаровонликка ботиб кетган бўлса, у йиқилай деб турган чирик дарахтга ўхшайди, сал туртилса кифоя, ағдарилади (*Хун Сзичен*).

* * *

Дунё ҳаёти томошахонага ўхшайди: унда кўпинча жуда ёмон одамлар энг яхши ўринларни эгаллаган бўлишади.

* * *

Ўтган кун ҳақидаги: «Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдиму нималарга улгуролмадим?» деган саволга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин (*Пифагор*).

* * *

Дунё расвогарчиликларга ботиб кетган. Менинг у билан гаплашадиган гапим йўқ (*Чжуан Цзи*).

* * *

Бозор – бир-бирини алдаш ва тўнаш учун атай-лаб белгиланган жой (*Анахарсис*).

* * *

Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун ғам чекманг ва ташвишли хаёлларга берилманг. Қези келгандан, фурсатни қўлдан бермай ишга киришинг (*Сюн-Сзи*).

* * *

Дунё мени илинтирмоқчи бўлди, аммо тута олмади (*С. Саввич*).

* * *

Ҳаддан ортиқ тиришиш муваффакиятлар йўлини тўсади. Ироданинг ҳаддан ошиқ зўриқиши эса ишга халақит беради.

* * *

Мақсадим – қашшоқликка юз тутмай, исрофгарчиликка йўл қўймай, ўзгаларга буйруқ бермай, бирорвларга тобе бўлмай яшаш (*П. Франческо*).

* * *

Пул борлигига мен китоблар сотиб олдим, пул йўқлигига эса кийим-кечак ва озиқ-овқат харид қилдим (*Роттердамлик Эразм*).

* * *

Хали кўрасизлар, жаҳаннам сахни мусиқа шайдолари билан тўлган бўлади.

* * *

Пул очликни кетказади, баҳтсизликни эмас, таом қоринни тўйдиради, руҳни эмас.

* * *

Тиш оғриғини кечирганлар тишлари соғлом бўлганларни, камбағаллар эса пули кўпларни баҳтли санашади (*Б. Шоу*).

* * *

Пулни севиш барча кулфатларнинг илдизи деб ҳисобланади, пулнинг йўқлигини ҳам худди шундай ҳисобласа бўлади (*С. Батлер*).

* * *

Бир миллион доллар ўрнига бир миллион дўстни афзал кўрардим (*Э. Ричербакер*).

* * *

Пулни севмайман, аммо пул асабларимни тинчлантиради (*Ж. Керси*).

* * *

Пулнинг яратилишига сабаб қанча қарзингиз борлигини билишдир (*Ж. Хентовет*).

* * *

Эҳтиёжларимга етарли даражада пулга эгаман... агар соат тўртгача ўлсам (*Х. Йонгман*).

* * *

Ҳар ой озроқ пул йифинг ва охир-оқибат қанчалик кўп пулингиз борлигига ҳайрон бўласиз (*Э. Хаскингс*).

* * *

Хақиқий бой деб барига шукр қилган ва ҳеч кимга бўйин эгмаган кўзи тўқ кишини айтаман.

* * *

Миллатларнинг бойлиги ипак, пахта ёки олтин эмас, балки комил инсонлардир (*С. Хой*).

* * *

Пул ўлдирган руҳ қилич ўлдирган танадан кўра кўп учрайди (*В. Скотт*).

* * *

Бой одам қўлидагига қаноат этган кишидир (*Р. Эмерсон*).

* * *

Бахти бўлмоқ учун давлатмандликнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун бойлиқдан фойдаланишни ҳам уддалаш керак (*П. Голбах*).

* * *

Пул ҳудди гўнг каби – агар сочиб юборилмаса,
ундан наф кам бўлади.

* * *

Пул яхши дастёр ва ёмон жанобдир.

* * *

Бошқаларнинг бойлиги сенга бойлик келтирмайди.

* * *

Бойиб кетишнинг жуда ҳам кўп йўллари бор, лекин ҳалол йўли кам; тежамкорлик – шуларнинг энг тўғриси. Лекин бу йўлни ҳам пок деб бўлмайди, чунки у кишининг инсонпарварлик, саховат каби мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласи.

* * *

Кўпчилик ҳамма нарсани бойликка сотиб олса бўлади деб ўйлаб, аввало ўзларини бойликка сотишади(*Ф. Бэкон*).

* * *

Карз қулликнинг бошланишидир (*В. Гюго*).

* * *

Бир бўлак олтин қорани оқ, хунукни чиройли, адолатсизни одил, наслсизни аслзода, кексани ёш, пасткашни ботир қилишга етади (*В. Шекспир*).

* * *

Мактабдаги тарбия ҳаётда йўл топицингизни таъминлайди. Ўз тарбиянгиз эса сизга бойлик келтиради (Ж. Рухи).

* * *

Бойлик оддийлик ичida кўпаяди» (Новалис).

* * *

Ҳеч қандай яхши одам бирдан бойиб кетмайди (П. Кюррис).

* * *

Мол-мулк кўпайгани сайин истаклар ҳам кўпаяди. Инсон қачонки эришолмаган нарсаларини эслагандагина қўлга киритганларининг қадрига етади (Дебс).

* * *

Биз мол-мулкимизни назорат қила олсаккина бой ва мустақил бўламиз. Аксинча, мол-мулкимиз бизни назорат қилса, ҳақиқатда факир яшаймиз (Э. Борк).

* * *

Бойлика очилган эшик кичикдир. У ерга кириш учун эгилиш керак (М. Дисамп).

* * *

Бир йилда бойишни истаган одам олти ойда осилар (Сервантес).

* * *

Зеҳн ва рух китобдан қанчалик таъсирланса, инсон шу қадар бой бўлади (*Г. Мюллер*).

* * *

Катта мол-мулк инсонни баъзан ёлғизлантиради (*Т. Улиам*).

* * *

Чеккага олиб қўйган пулингиз эришилган пулдир.

* * *

Одамни бой қиладиган кўнгилдир (*Г. Бичер*).

* * *

Бой бўлишни истасанг, пул топишни ўйлаганинг қадар йиғишни ҳам ўйла.

* * *

«Пул ҳамма нарсани ҳал қилади», деган инсон пул учун ҳамма нарсани кўз остига олган инсондир (*Б. Франклін*).

* * *

Бизнинг жамиятимизда бадавлатлардан ҳам кўпроқ пул тўғрисида ўйлайдиган синф камбағаллардир. Камбағаллар пулдан бошқа нарса тўғрисида ўйлай олмайдилар. Камбағалликнинг баҳтсизлиги ҳам шунда (*О. Уайлд*).

* * *

Чўнтақ тешилса, уни пул билан тўлдиришнинг
ҳеч бир фойдаси йўқ (Т. Эллитон).

* * *

Дунёнинг энг катта фожиаси камбағаллик эмас,
бойликка тўймасликдир (Ж. Сена).

* * *

Дунёнинг энг бойи тежамкорликни билган, энг
қашшоги хасис одамдир (*Камфорт*).

* * *

Майда ишларни ўта тиришқоқлик билан амалга
оширувчилар кўпинча буюк ишларга қодир бўла
олишмайди.

* * *

Бошқаларсиз яшай оламан деювчилар катта ха-
тога йўл кўйишиади. Лекин менсиз ҳеч ким ҳеч нарса
қилолмайди деювчилар бундан ҳам кўпроқ адаши-
шиади (*Ф. Ларошфуко*).

* * *

Қашшоқликни даҳоликнинг онаси деб даъво
қилишни бас қилинг!

* * *

Камбағаллик тугаган жойда хасислик ва зиқналик
бошланади.

* * *

Милионни қидирғанларнинг топиш эҳтимоли бор, қидирмайдиганлар эса, ҳеч қачон топа олмайдилар (О.Балзак).

* * *

Одамлар ҳамиша фаровонликка интилишади, аммо унинг нимада эканини ҳамиша ҳам кўришавермайди.

* * *

Пул ҳукмронлик қиласиган барча ерларда халқ ўз тинчлигини сақлаш учун берган пуллар, ҳамиша, унинг ўзини асоратга солишга қурол бўлиб хизмат қилмоқда; бугун у ўз ихтиёри билан тўлаётган пуллар ҳам эртага уни яна пул тўлашга мажбур этиш учун фойдаланилмоқда.

* * *

Тушунаман, камбағалликдан фахрланиб юрганимдан кўра, моддий жихатдан етарли маблағим бўлгани яхшироқ. Камбағал бўлиб ҳам кун кўриш мумкин, лекин бойликтан ўз ўрнида фойдаланишга нима етсин, ахир яхшилик қилиш истагини амалга ошириш учун бойликка бойлик қўшиш айни муддао-ку...

* * *

Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзи ўзидан ҳам кўнглинг тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган, омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни баҳтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!

* * *

Келажакда хайрли ишларга сарф қилмоқчи бўлиб ҳаром йўллар билан бойлик орттиранг, Худо йўлига деб, яқинларини талаб, егуликни чўнтақка урган сохта художўйга ўхшаб қоласан.

* * *

Ҳаром йўллар билан топган бойлигингиизни яхшиликка сарфламоқчи бўлганингизда ҳам, улар янги жиноятларга етаклайди.

* * *

Бой билан камбағал ўртасидаги келишмовчилик шу даражада-ки, биринчиси иккинчисининг аҳволини яхшилагандан кўра, ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолишини афзал кўради. Тубан йўллар билан бойлар даврасига киришдан кўра, яхшиликка сазовор бўлган одамлар орасида қолганинг маъқул.

* * *

Энг ажабланарли томони шуки, серғалва, серташвиш камбағаллар билан ёнма-ён яшашдан қутулиш учун анча-мунча пул сарф қилишга тайёр турган бундай нозиктаб одамлар амалда бирорта бечорани қашшоқликдан кутқариш учун бир тийин ҳам бергиси келмайди.

* * *

Кимдир дўстлигини билдириш учун фақат киссасидан пул чиқаришни билади, бошқалар эса ўзгалар учун ташвиш чекади, вақтини, қобилиятини, ҳис-туйгуларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Шундай тенгсизлик бўла туриб нонкўр бой арзимас

садақасини пеш қилиб мақтанади, уялмай-нетмай сурбетларча миннатдорлик талаб қиласы.

* * *

Бойликка интилма, усиз яшашни ўрган; бойнинг такаббурлигидан ҳазар қил, олижаноб мақсадлар йўлида одамларни баҳт излашда беғараз бўлишга ўз мисолингда ўргат, уларга намуна бўл.

* * *

Жамиятга хизмат қилишнинг фуқаролар учун асосий иш бўлмай қолиши ва улар унга шахсан ўзлари эмас, балки ҳамёнлари билан хизмат қилишни афзалроқ кўра бошлашлари заҳотиёқ – энди давлат бузилиб кетишга яқин.

* * *

Қадимги сиёсатчилар ахлоқ ва фазилат ҳақида тинмасдан гапирадилар, ҳозиргилар эса, факат савдо ва пул ҳақида вайсайдилар (Ж. Ж. Руссо).

* * *

Пул ҳар нарсага қодир, дейдиган одам, пул учун ҳамма нарсанни қилишдан тоймайди (П. Буаст).

* * *

Пулга муҳтоҷ бўлмасликнинг оддий йўли керагидан кўп олмай, боридан ҳам озроқ фойдаланиб яшашдир (В. Ключевский).

* * *

Қарз олишга одатлансанг, секин-аста тиланчига айланасан (Э. Хемингуэй).

Халқ мақолларидан:

Пул топгунча ҳисоб топ.

* * *

Пул дарди – кабоб.

* * *

Пули кўпнинг кўзи кўр.

* * *

Бой бойга боқар, сув сойга оқар.

* * *

Пулни топиш осон, харжлаш қийин.

* * *

Бой боёғон бўлса, ичаги торогон бўлар.

* * *

Бой – ўргимчак.

* * *

Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон.

* * *

Оз бўлса эплаб кўр, кўп бўлса сеплаб кўр.

* * *

**Бойдан мурувват тилаш – толдан зардоли ти-
лаш.**

* * *

Бойлик молда эмас, камолда.

* * *

Бойлик – тўзон.

* * *

Бойликнинг онаси – ер, отаси – меҳнат.

* * *

Кўп пул одамни кўр қилур (*Араб мақоли*).

* * *

Одам бойликни доим топа олар, бойлик одамни топа олмас (*Эрон мақоли*).

* * *

Ортиқча мол – ортиқча ташвиш (*Япон мақоли*).

УЧ ТАЛОҚ ҚҮЙИЛГАН ДУНЁ

*«Эй Одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусну
сувратларингга ва мол дунёларингга боқмасман.
Балки дилларингга ва қилган амалларингга
боқурман», деган вавдага мувофиқ Аллоҳ
қалбимизга қараганида уалиб қолмаймизми?*

Аввалдан огохлантириб қўйишни лозим топдик: сухбатдан муддао - дунё-бойликни, хусусан бойларни ёмонлаш ёки рад этиш эмас. Ислом дини охирзамон дини экан, мусулмонлар Аллоҳнинг севган бандалари эканлар, нима учун улар бошқалардан кўра қашшокроқ ва ҳақирроқ яшашлари керак? «Фақирилитим – фахрим» деган муборак ҳадисни тўғри талқин қиляпмизмикин? Расулуллоҳ (с.а.в.) умматларини ҳамиша бечоралиқда яшашга ундамаган бўлсалар керак? Бу ҳадисда рамзий маъно бордир? Ислом бойликни мутлақ инкор этмайди. Бойликни халол топиш ва ҳалол нарсаларга ишлатиш талаб этилади. «Эй Одам фарзанди! Дунё йигишни касб қилиб олар экансан, Киёмат кунида хисоб беришингни, мол-дунёни қаердан олиб, қаерга сарф қилганингдан сўроқ қилинишингни ҳам эслаб қўй» (Ҳадиси құдсийдан). Абу Бакр Сиддик (р.а.) айтдилар: «Ёшликни пардоз билан, соғлиқни фақат дори ичиш билан кўлга киритиб бўлмаганидай, бойликка куруқ орзу-ҳавас билан эришиш мумкин эмас. Бунинг икки йўли бор: 1. Тинимсиз ғайрат ва меҳнат. 2. Фирромлик йўли». Ислом ана шу фирромлик йўлида топилган бойликни ҳаром қилган. «Эй Одам фарзанди, агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, би-

лгил-ки, азоб-укубати нақд бўлган гуноҳ келаётир» (Ҳадиси қудсийдан).

Бизнингча, масаланинг моҳияти – дунёни бутунлай рад этишда эмас, дунёга ружу қўймасликда! Яъни: мол-дунё – умр ва саодат учун, аммо умр молу дунё кўпайтириш учун эмас! «Эй Одам фарзанди, билгил-ки, қайси бир банданинг қалбини мол-дунё йиғиш сехри ишғол қилган бўлса, унинг дилини фақирлик хавфи билан банд қилиб қўяман. Ўлимни эсдан чиқариб қўяман ва яна уни мол-дунё йиғиш билан овораи сарсон қилиб, охиратини эсламайдиган, ғофил қилиб қўяман». «Эй одамлар! Дунё –охиратда ҳовлиси йўқ одамнинг ҳовлиси дир, дунёга ақли йўқ одамларгина шод бўлади ва иймон ишончи йўқ одамгина дунёга ҳирс қўяди» (Ҳадиси қудсийдан).

Бойлик – имтиҳон турларидан бири: ҳамма бараварига камбағал бўлса ким кимга закот беради, ким кимга эҳсон қиласди? Фақирлик ҳам ўзига ҳос имтиҳондир. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) дейдилар: «Аллоҳга қасамки, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсан ҳам, хотиржамдирман. Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликда эса сабр қилиш фазилати бор». Аллоҳ барчаларимизни шу фазилат билан неъматлантирсин! Яхши ҳаёт, фаровон турмуш Аллоҳга бўлган иймону эътиқод, тақво ва тоат-ибодатнинг самараси эканлигини унуган одам бу дунёда кўп нарсани ютқизади. Бу фаровонлик, тўқчилик ва серобчилик синов ва имтиҳон учунлиги, неъматнинг синов мақсадида берилишини англаб етиш кишини хушёрликка, гуноҳлардан ҳазар қилишга ундейди.

Фоний дунё имтиҳонининг мавжудлигини англамаган одам мол-дунё, ризқ-рўзнинг сероб бўлиши натижасида манманлик ва ношукурлик тузоғига илинади-ю, ўз Раббисини ҳам унугтади, динни инкор қиласди. Оқибатда эса шиддатли азобга дучор бўлади.

Донолардан бири айтган экан: «Фарзандларимга ҳеч нарса қолдирмагандан кўра бойлик қолдириб, Қиёматда унинг ҳисобини беришни афзал била-ман». Бундан мақсад – ота вафотидан кейин фарзандлар, айниқса, сағирлар сарсон-саргардон бўлмасликлари керак. Рўзгор халтасини елкага ташлаб юриш ўрнига ёшлиқ чоғларида илм олганлари жамиятга фойдали эмас-ми? Саҳобалардан бири барча бойлигини бошқаларга тарқатмоқчи бўлганида Расулуллоҳ (с.а.в.) «бундай қилма», деганлар. У киши «Бойлигимнинг ярмини тарқатайинми?» деб сўраганида ҳам «йўқ», деб бойликнинг учдан бирини тарқатиб, учдан икки қисмини фарзандларига қолдириши афзаллигини айтганлар. Шарафли ҳадис: Расулуллоҳ (с.а.в.) қаҳобалардан:

– Қайсиларингизга ўз молидан кўра варасаларининг (фарзандларининг) моли яхшироқ кўринади? – деб сўрадилар.

– Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), ҳаммамизга ҳам ўз молимиз меросхўрларимизнинг молидан яхшироқдир, – деб жавоб қилдилар.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом дедилар:

– Билиб қўйинглар-ки, варасаларингизга тегишли мол ўз молингиздан кўра яхшироқ кўринади. Ўзингиз-дан илгари юборган мол – бу сизнинг мо-

лингиз. Аммо ўзингиздан кейин орқангизда қолган мол эса, бу албатта варасалар молидир.

Нима сабабли шундай дедилар? Шарҳим, киши ўз ҳаёти мобайнида қўлидаги молидан яхши ишларга сарф қилса, гёё уни ўзидан илгари юборган бўлиб, манфаати ўзига тегади. Бироқ, молпарастлик туфайли уни йиғиб, яхши сарфламай ўзидан кейин қолдирса, у варасалар моли ҳисобланади. Шуннинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) «у мол кишига яхши кўринади», дедилар. Ворислар инсофли бўлиб, отадан қолган молни яхши ишларга сарфласа, албатта савобдир. Аммо улар бетавфиқ бўлиб, ота молини ёмон ишларга сарфлайдиган бўлсалар (Аллоҳ сақласин!) бу хусрондир.

Абу Заррдан (р.а.) ривоят: «Эй абу Зарр, молнинг кўплигини бойлик нишонаси деб биласизми?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.). Мен «Худди шундай, ё Расулаллоҳ!» (с.а.в.) дедим. «Молнинг камлигини камбағаллик нишонаси деб биласизми?» – дедилар. Мен: «Худди шундай, ё Расулаллоҳ», дедим. Ул Зот шундай марҳамат қилдилар:

– Бойлик аслида қалб ва кўнгил бойлигиdir. Камбағаллик эса қалб ва кўнгил камбағаллигиdir. Ким қалбан бой бўлса, дунёда дуч келган нарсалари унга зарар етказа олмас. Ким қалбан камбағал бўлса, дунёдан ортиқ уни бой қиласиган нарса йўқдир ва дунёning хасислиги унинг нафсига зарар етказиши мумкин».

Энди сухбатимиз шу йўналишда, яъни қалбни бойитиш учун дунёга ружу қўймаслик хусусида кечади.

«Дунё ҳаёти бир тушдан иборатдир. Дунёда мол-дунё соҳиби бўлмоқ, тушда хазина топиб олишга ўхшайди, – дейдилар мавлоно Румий. - Дунё моли наслдан наслга ўтиб, шу дунёда қолади. Ўлим фариштаси ғофилнинг жонини олиш билан уни уйқудан уйғотади. У киши ҳақиқатдан ҳам эга бўлмаган мол учун дунёда чеккан заҳматларидан ҳайратта тушади. Минг пушаймон бўлади. Лекин вақт ўтган, ғишт қолипдан кўчган бўлади...

...Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар... ва ҳоказо нарсалар одамлар хирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики, у безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё – олтин қопламали сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё сохта, ёлғончикидир, аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади».

Ҳикматни бугунги кун назари билан талқин қиласак: спортчиларга бериладиган мукофот – «олтин медал» деб аталади. Номи олтин, бироқ, бу нишонда зарра миқдорида ҳам олтин йўқ. Лекин айрим нодон ўғрилар буни англамай, медални ўғирлайди, жонини таҳликага қўяди ва... ҳеч нарса-га эришмайди. Дунёга алданганлар ҳам ўша нодон ўғрилар аҳволига тушади.

Бойлик асли надир?

Бойлик – пўлат сандиқдаги минг ёки миллион доллардан тортиб, чўнтағимиздаги сўнгги юз сўмгача бўлган маблағ ўзимизниги эмаслигини, бизга омонат эканини биламизми?

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга ўғиллари ҳазрати Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилиш амри бекор қилингач, Аллоҳ ул зотга сон-саноқсиз қўй суруви эҳсон этди. Жаброил алайҳиссалом инсон қиёфасига кириб, ул зотдан сўрадилар:

– Бу қўй сурувлари кимники? Менга бир сурув қўй сотасизми?

– Бу қўйлар Раббимниидир, - дедилар Иброҳим алайҳиссалом, - Бу онда менинг қўлимда омонатдир. Агар бир марта зикр қиласанг, қўйларнинг учдан бирини, уч марта зикр қиласанг, ҳаммасини олиб кетишинг мумкин.

Жаброил алайҳиссалом зикр қилдилар:

– Суббухун, қуддусун, Роббuna ва Роббиул-маълоикати ваър-руҳ.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Бу қўйларнинг ҳаммасини олиб кетавер», - дедилар.

– Мен инсон эмасман, фариштаман, бу қўйларни ололмайман, – дедилар Жаброил алайҳиссалом.

– Сен фаришта бўлсанг, мен – Ҳалилман (Аллоҳнинг дўстиман). Берган нарсамни қайтариб ололмайман.

Бу воқеадан сўнг Иброҳим алайҳиссалом қўйларни сотиб мулк орттиридилар ва барчасини вақф қилдилар.

Дуоларимизда Аллоҳдан ҳамиша тани соғлик ва хотиржамлик тилаймиз. Ишларимизнинг ривожини сўраймиз... Бироқ, «менга бойлик бер!» деган

илтижони эшитмаймиз. Эҳтимол бойлик илинжида муножот қилувчилар бордир. Лекин улар овоз чиқармай сўрасалар керак, яна Худо билади. Ажабки, бойлик сўраб илтижо қилмаймиз-у лекин бутун вужудимиз билан бойликка интилаверамиз. Мулкдорларнинг баъзилари бойликларининг омонат эканини ҳам биладилар ва ундан ажраб қолишдан қўрқиб, саждага бош қўядилар. Демоқчимиз-ки, саждага бош қўйишдан мурод Аллоҳ розилигини исташ эмас, балки бойликдан ажраш қўрқуви. Энг олий бойлик саломатлик эканини ҳамма билади. Ҳатто яхудийларнинг бир латифасини айтиб кулиб юрамиз: «Эй худойим, – дейишаркан улар, – Сен бизга саломатликни беравер, қолган нарсаларни сотиб олаверамиз». Саломатликни бойлик тўплаш учун сарфлаш керакми ё бойликни саломатликни асраш учун сарфлаш керакми? Ҳаётда иккала ҳолатни учратамиз. Баъзилар бойлик йўлида саломатлигини аямай қурбон қиласидилар, бойлик тўплаш ишқида тиним билмайдилар. Бойликни тўплайдилару бироқ, муддаога етгунча бир касалликни ҳам орттириб оладилар ва... тўплаган бойликларини даволаниш учун сарфлай бошлайдилар.

Саҳобалар бойлик ҳақида гапиришганда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар-ки: «Кимки ўз оиласи бағрида тинч, тани соғ бўлиб тонг оттирса ва бисотида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё зийнати берилган ҳисобланади». Фикр қиласидик: пўлат сандиқда миллионлар турибди. Бироқ, оиласда ҳаловат йўқ. Бу миллионлар, айниқса, ҳаром йўл билан топилган бўлса бир лаҳзалик ҳам

“НСТ”

ҳаловат бермайди, балки оилани хотиржамлиқдан бегона қилиб қўяди.

Шарафли ҳадис: «Бойлик молнинг кўплиги билан эмас, балки чин бойлик – нафснинг бойлигидир». Шарҳким: нафснинг бойлиги – топган молига қаноат қилишдан ва унинг баракотини Аллоҳ таолодан сўрашдан, шунингдек, одамлар қўлидаги бойлигидан тама қилиш ва уларга қарам бўлишдан Раббил оламийндан паноҳ сўрашдан иборат. Дунё кўланкага ўхшайди: қувласанг, олдингга тушиб қочиб кетаверади. Қочсанг – сенга ёпишади, изингдан эргашиб келади. Кимда ким унга кўнгил бергудай бўлса, ҳаёти зое бўлади. Дунё лаззатларининг энг кераклиси – тинч-омон ҳаёт кечириш. Емак-ичмак ҳам лаззат. Бу лаззат аслида томоқники. Аммо ош сингмай қолса, мижоз бузилади. Мижоз айниса – унинг иложи нима бўлади? Одамнинг қорни бир марта тўйса икки кун юриши мумкин. Битта тўн кийса, камида икки йилга етади. Мана шу иккиси учун одамнинг ўзини қул қилиши ярашадими? Бугун дунёси тилагига мос бўлиб турган кимса, ақли бўлса унга ишонмасин, унинг учиб кетишини фахм этсин ва ўлимнинг ҳақ эканини унутмасин. Ўлим пистирмадан чиққандай пайдо бўладиким, охиратнинг «вой» бўлиши ҳеч гап эмас. Охиратда эса... «Эй Одам фарзанди! Доим умрингни дунё учун сарф килаверсанг, қачон бундоқ бир чексиз умидлар билан тавба қиласан?» (*Кудсий ҳадисдан*).

Мазкурга Аҳмад Рифоъийнинг бу хитоби ҳамоҳангдур: «Эй дўст! Кўрмасмисан-ки, чақалоқ дунёга келган вақтда ҳирси сабабли қўллари бир нарсани ушлагандай ёпиқ бўлади. Дунёдан ке-

таётганда эса, кафтлари бўшлигидан очиқдир. Чунки ҳирс билан орзу қилинган нарса қўлдан чиққан. Ўлим етарли насиҳатчиидир, ўлим етарли воиздир».

Ёш Гўрўғлига шундай ўгит қилишган:

*Тирикликда билгин, даври давронсан,
Оқибатда бир жонзодга маконсан.*

Бир оқилдан сўрадилар-ки: «Некбаҳт кимдир ва бадбаҳт кимдир?» Ул оқил киши деди: «Некбаҳт улдурким, еди ва бағишилади ва бадбаҳт улдурким, ўлди ва ташлади». Шоир айтмоқчи:

*«Мен-мен» деганларнинг «мен» и қолмади,
Наф бермади асло йиққан мол-холи.*

– Эй кўнгил! Бу панд-насиҳат сенга ҳамдир. Сен унга амал қилишга ўзингда куч топа оласанми? Дунёга ҳокимман, деб ғавғо қилганлар ҳозир йўқ-ку! Сен дунё орзу-ўйларини иғиштириб қўя қолгин. Эй кўнгил, дунё айши лаззатининг сўнггида ажал нишининг заҳмати борлигини унумта! Эй нафс, менинч қўй!

Бу дунёning неъматлари камалакка ўхшаб оз умрли ва ўткинчи эканини ҳикмат ахли кўп таъкидлаган. Бойлик заҳар аралаштирилган болга ҳам ўхшайди. У аввал ширин кўринади кейин эса ўлдиради. «Эй Одам фарзан-ди! Сенинг дунёдаги мисолинг – дунёning ҳаловатиу унинг сенга кўрсатадиган макр-ҳийласи – асалга пашша тушиби кабидир. Агар у асалга қўнса, халок бўлади. Шундай экан, бошқа одамларнинг манфаати учун ўзини куйдирадиган ўтинга ўхшамагин» (*Ҳадиси қудсийдан*). Дунё киши уйғонганидан кейин ачиниш хиссини уйғотадиган ширин тушга ҳам ўхшайди.

Бу дунёга берил-ган одамни ипак қуртига қиёслаш мумкин. У қанчалик күп ипак ўраса, ўз құл оёғини шунчалик қаттиқ боғлаган ва нажот йўли шу қадар қийинлашган бўлади. Дунё мулкини илонга ҳам ўхшатадилар. Агар кимса мулкини янада кўпайтиришга тиришаверса, илонларни ҳам кўпайтирган бўлади. Илонлар уни кечасию кундузи чақаверади, чақаверади... Шу азобларда дунё дарди билан банд бўлиб, оқибатда Яратгани унутади. Ҳа, айтдик: бойлик айб эмас, лекин молни бутун жону тани билан, яъни қалбдан севса, киши ҳақиқий бой бўлиб роҳатга етолмайди. Чунки бундай ҳолдаги моддий бойлик қалбни касаллантиради. **Охиратни олиш учун дунё молини сотиш мумкин, дунё моли деб охиратни сотиш жоҳилликдир.** Инсон дунёнинг бўм-бўшлигини билган куни ибрат ва ҳикматга эришган бўлади. Зулматдан нурга чиқади.

Ҳикоят: Бир ҳаким чиройли товусни кўрди. Унинг гўзаллиги ҳакимни ҳайратга солди. Лекин тоуснинг ҳунук қафиллаши, чиройли патларини юлиши ҳакимни ажаблантириб сўради-ки:

– Эй товус! Шундай гўзал патларингни нега юляпсан? Бундай чиройли патни ерга ташлашга қандай қилиб кўзинг қиди? Бу ишинг Аллоҳ берган неъматга ношукурлик эмасми?

Товус ҳакимнинг бу гапини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади ва ҳакимга деди-ки:

– Эй ҳаким! Сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қиляпсан. Менинг бу гўзал патим, бу гўзал қанотларим бошимга минг турли балолар келтирди. Барча чеккан заҳматларим, мана шу гўзал патларим туфайлидир. Бу патлар менда экан, ўзимни ҳимоя

қилишга ожизман. Кошки кўримсиз бир қуш бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим. Хоҳлаган жойимда эркин кезардим. Эй ҳаким! Бу зийнат, бу сифатлар менда бўлгани учун душманларим жуда кўп.

Мазкур ҳикоятда кишилар буюк ибрат оладиган сабоқ мавжуд. Зоҳири чиройли зийнатлар, мол ва мансаб кишилар ҳаловатини бузадиган нарсалардир. Инсоннинг мансаби, моли қанчалик ортса, хавотири ҳам шунчалик ортади. Минг турли балоларга мубтало бўлади.

Инсонларнинг баҳтли яшашларига монелик қиласидаги нарса - уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол тўплашни инсон тотиб кўриш, ҳидлаш, сезиш каби эҳтиёжларини қондириш учун қиласи. Лекин бу сезгиларнинг ҳеч бири мақсадга етиш учун кифоя қilmайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди. Бу эса туюдан қочиб қутулмоқчи бўлган одамнинг ҳолига ўхшайди. Ривоят:

Бир одам кутурган туюдан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу ахволдан кутилиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булатини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди.

Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантиради-ки, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига кўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нурини тўсиб кўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулақ, ҳалок бўлади.

Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Кора ва оқ сичқон – кеча ва кун-дуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздирраб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоқقا маҷол.

Шайҳ Саъдий ҳазратларини мавлоно Оғаҳий таржималарида ўқиймиз:

*Агар султон ғаний ва комрондир,
Ва гар дарвеш ҳожатманди нондур.
Икков ҳам элта олмас жонпарвар ҳол,
Кафандин ўзга даҳр амволидин мол.
Чу қилғунг мулк молингдин жудолик,
Эрур шоҳликдин авлороқ гадолиқ..*

Ха, дунёнинг лаззати чақмоқ каби, булут сояси каби бир зумда ўтиб кетади. Шу боис ҳам унга ружу қўймоқлик нодонлик ҳисобланади. Юқорида бу хусусда сўз бошлаб эдик, энди мавзуни яна давом эттирамиз. Шарафли ҳадис: «Дунёга рағбат қилмаслик, аҳамият бермаслик, дунё ишларидан йироқ обид ва зоҳид бир қул бўлмоқлик кўнгил ва баданга роҳат бағишлайди. Дунёга рағбат қилмоқлик, уни севмоқлик ғам ва маҳзунликни зиёда қиласди». Шарҳким: дунёни севмаслик кўнгил ва вужудга роҳат бағишлаши нима? Бундай одамда ҳирс, ҳақсизлик, кину адоват қилиш туйғуси бўлмайди. «Қандай қилиб фалончининг оёғини чалсам, фалончининг молини ёки мансабини тортиб олсан», деган вас-васа киши қалбини безовта қилса, вижданони «Гуноҳдан қўрқмайсанми, одамлардан уялмайсанми?» деб тергайди. Чунки у биладиким:

Ўзингча тижорат қилгани келдинг,
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.
Бу дунё беш кунлик зиёратгоҳдидир,
Аслида зиёрат қилгани келдинг.

Аллоҳ таоло «Инсон ўзини бой-беҳожат кўрса, бас, түғёнга тушади, ҳаддидан ошади. Албатта, қайтиб бориши Раббингнинг Ўзига, бошқага эмас», деб огоҳ этган. Атрофимизга зийрак боқайлик: чиндан ҳам киши бойлик, мансаб орттирса, дарров түғёнга кетади, ҳовлиқади, ҳаддидан ошади. Лекин Қиёмат куни барибир Аллоҳга қайтади. Ўшанда ҳар бир нарсанинг аниқ ҳисоб-китоби бўлади-ки, буни унутмаслиги даркор. «Шак-шубҳасиз, (кофир) инсон Парвардигори унга ато этган неъматларига кўрнамаклик қилгувчиидир. Ва шак-шубҳасиз у бунга (ўзи-

нинг ношкурлигига) гувоҳдир. Ва шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ берилгувчиdir» (*Вал-одиёт сурасидан*). «Билинглар-ки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулги, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатdir, ўрталарингиздаги ўзаро мақтанишдан ва мол-мулкни ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатdir. У худди бир ёмғирга ўхшар-ки, унинг ёғиши сабабли униб чиққан ўт-ўлан дехқонларни ҳайратга солиб, ақлларини банд қилиб кўюр, сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўурсиз. Сўнгра у ҳас-чўпга айланиб кетади. (Дунё ҳаётининг ҳоли ҳам шундан ўзгача эмасdir.) Охиратда эса ўша дунёга алданиб қолганлар учун қаттиқ азоб ва иймон-эътиқод билан яшаб ўтганлар учун эса Аллоҳ томонидан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти ғууррга кетгазувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас» (*Ҳадид сурасидан*).

Энди оятни яхшироқ англаш учун «Тафсири ҳилол»-га мурожаат қиласиз: Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини «ўйин-кулги, кўнгил эрмаги, зеб-зийнат» деб таърифлаяпти. Чиндан ҳам одамлар ўлчови билан қаралганида ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиш учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Қаёққа қарасангиз, одамлар кийим-бош, емоқ-ичмоқ, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган. Ўз обрўлари, мансаблари, хасабу насаблари билан фахрланишган, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга урингани-уринган. Аслида эса бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очикроқ тушунтириш учун Қуръони карим кўзимизга доимо қўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради. Бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшай-

ди-ки, у ёққандан сўнг чиққан наботот дехқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир. Яъни ўсимликлар тезда қурийди, ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади. Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчи бўлгани сабабли у билан алданиб қолмаслик керак. Чунки охиратда кофирларга азоб, мўъминларга Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги мавжуд. Яна таъкидким, бу гаплар тарки дунё қилишга, ҳамма нарсадан юз ўтиришга чақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишга, ўткинчи ҳой-ҳавасдан устун бўлишга даъватдир. Одам ҳаром-хариш воситалар билан мол-дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан хақир бўлиши муқаррар. Зотан, «Бизнинг зикримиздан юз ўтирган, дунё ҳаётидан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўтиринг» (*Ваннажм сурасидан*), деб буюрилган.

Кимса олтин ва кумушни кўрмаса ҳеч гап эмас. Бироқ уларни кўргандан кейин жуда кўп нолойиқ ишларни қилиб юбориши мумкин, шуниси чатоқ!

*Киши фақирликда яшаса қашшоқ,
Эзгу феълни ташлар бойигани чоқ.
Гадой тўқ бўлиб, у бойиса агар,
Тўғрилик йўли тез уни тарк этар.
Бу қут кўрмаган эр агар топса қут,
Қилиғи бузилар, қилар элга ют.
Эл ичра узаяр қўли ҳам тили.*

Дунёда гўзал ва жозибали нарсалар ғоят кўп: уюм-уюм пуллар, турли русумли машиналар, тилла-жавҳар безаклар, қиз-жуvonлар, фарзандлар... Булар ҳар бир кишининг истагида оз ёки кўп дараҷада мавжуд. Бироқ, буларнинг барчаси ҳаёт учун

аҳамиятли нарса эмас. Дунё ясанган келинчак каби. Шоир айтмоқчи: «Фоний дунё хуштур, аммо оқибат мавт ўлмаса». Ҳа, оқибат – бу дунёда ўлим бор. Ҳеч ким абадий қолмас. Яна ўлимдан сўнг хисоб-китоб бор. Оманно ва саддақно! Шак-шубҳасиз бор!

Ривоят: Бир девона киши бор эди. Унинг маскани кеча-кундуз вайрона эди. Ҳар дам ўша вайронанинг бир ёнини қазиб, ўз умрини хазинага эришиш умиди билан ўтказар эди. Иттифоқо, шунча мاشаққат чеккандан сўнг баҳти чопиб, хазинани топиб олди. У қазиётган чуқурда бир эшик кўринди. Эшикни очиб, ичкари киргач, катта бир саройни кўрди. У ерда тиллаю жавҳарларга тўла қирқта хум тураг эди. Девона бу бойликни кўрди-ю, хушидан кетди. Шу онда бу ерга бир аблაҳ киши етиб келди. Хазина остонасида бехуш ётган девонани кўрди ва ҳеч бир иккиланмай унинг кўксига ханжар санчиб, бечоранинг қонини шу хазина устига тўқди ва барча бойликка эга чиқди. Яшашдан бирдан бир мақсади хазинага эришмоқлик бўлган девона эса бору йўқ сармоясидан – ҳаётидан ажралди.

Бошқа бир ривоятдаги бечора девона эмас, чапдаст савдогар эди. Унинг умри денгиз сафарлида ўтарди. Димоғига савдо мояси ўрнашиб олиб, сувга ғарқ бўлиш хаёлига ҳам келмасди. Борган мамлакатида ўн кундан зиёд турмас, савдоси тугагач, яна сув узра йўл тутар эди. У денгизни ҳар хил оғатлардан холи деб ишониб, йиллар оша шу зайлда сафар қиласерди. У Маккаи Мукаррама жойлашган яrim орол яқинидан бир неча марта ўтса-да, фарз амални бажариш лозимлигини хаёлига ҳам келтирмас эди. Кишилар унга ҳаж амалини бажариш ке-

рак, деб айтсалар-да, аммо бойлик орттириш ҳирси савдогарни у томон боришига йўл қўймас эди. Бир куни денгизда бўрон кўтарилиди. У тушган кема гоҳ осмонга сапчир, гоҳ пастга тушиб кетар эди. Савдогар савдо ишларига ғарқ бўлганидек, унинг кемаси ҳам денгизга чўкди. Ўзи эса катта бир балиққа ем бўлди.

Айрим биродарларимиз «Эмиратга бориб келдим», деб таассуротларини сўзлай бошлаганларидан мен шу ривоятни эслайман. Улар «Эмират» деб атаётган Бирлашган Араб Амирликлари давлати Маккаи Мукаррамадан унча узоқ эмас. Ҳозир у ерга асосан тижорат мақсадида, бадавлатроқ кишилар эса сайру саёҳат ва дам олиш ниятида борадилар. Афсуским, ривоятдаги савдогар каби улуғ сафарга отланишни хаёлларига келтирмайдилар.

Дунё охиратнинг зироат майдонидир. Барча эътиборини дунё молига қаратиб, унга муҳаббат қўйиш жамият қонун ва низомларининг бузилишга сабаб бўлади. Ҳар қандай илгор жамиятнинг пойдевори адолатдир. Золимнинг зулм қилишига имкон бермасликдир. Қонунларни тўғри қўллашдир. Бу шартлар бажарилмаса, жамиятга заар етади. Шунинг учун инсонларнинг кўнгли тўқ бўлиши, дунёга ҳирс қўймаслиги лозим. Шу туйғу инсонни ҳаромдан, ўғрилиқдан, зулмдан саклайди. Аллоҳ ризолиги томон йўналтиради. Ибодат қилдиради. Ошики содик, фаол бир инсонга айлантиради. Инсон дунёга манманлик учун келмайди. У севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, маҳлукотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келади. Кўнгилга эътибор қаратади:

одамларнинг кўнглини кўтаришга, хайрли дуосини олишга интилади. Акси бўлса-чи?

Шарафли ҳадис: «Кимнинг нияти охират бўлса, охиратни истаса, дунёни кўзи кўрмайди. Унга ахамият бермайди». Натижада нимага эришади? Унинг ишларини Яратганинг ўзи ростлайди. Кўнглини бой қилади. Хузур-ҳаловат беради. Дунё моли унинг ҳузурига ўзи келади. «Агар бунинг тескариси бўлса-чи? Охиратни ўйламай, дунё молининг орқасидан елиб-юрган инсоннинг аҳволи нима бўлади? Аллоҳ унинг ишларини тўзғитиб ташлайди. Ишлари юришмай қолади. Камбағаллик хавфини икки кўзининг ўнгига гавдалантиради». Яъни «сен факир бўлурсан», деган хавотир уни тинч қўймайди. Кўнгил бойлиги қайда-ю, бу хавотир қайда?! Мана шу кўнгил ғариблигидир ва бу ғариблик «Э воҳ, закот берма, ҳайрли ишлар қилма, мол ҳарж этма, хароб бўлурсан», деб васваса қилаверади. Оқибат эса...

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат ила дейдилар-ки: «Кимнинг ҳиммати, истаги, васф этгани, орзу этгани, ўнгига ҳам, тусида ҳам такрорлаб турган нарсаси дунё бўлса, Аллоҳ ундей бандага охиратда менинг ёнимда кўшни бўлмоқликни ҳаром қилади!» Ақли бор одам учун бу ҳукм баданга минг-минг игна санчилгани кабидир. Охиратда Расулуллоҳнинг ёнларида бўлиш баҳти қайда-ю акси – фожиа қайда?! Мадинаи Мунавварада бўлган, Пайғамбаримиз алайҳиссалом муборак қабрларини зиёрат қилиш баҳтига етишган биродарларимиз бу ҳикматни чуқур англаб етишлари ва бошқа биродарларига англатишлари лозимдир.

Хикоятким, ҳазрати шайх Утбат ул-Гулом (қ.с.) сайдарда әканликларида бир ҳүрни кўрдилар. Ул Ҳур: «Ё Утба! Мен сенга ошиқман, ҳеч қачон мени қўйиб, бошқа аёлни истама. Токи мен сенга ҳаром бўлмайин», – деди. Бу хитобга жавобан ҳазрат бундай дедилар:

– Мен дунёни уч талоқ қўйдим! Киши уч талоқ билан қўйиб юборганини қандоқ олгай?!

Мазкур ҳикматга ҳазрат Навоий байтлари шарҳ вазифасини ўташи мумкин (мазмуни): «Эй одам, асл ёр висолига етишмоқни истасанг, дунё келинчагини талоқ қил», дейилмоқдан муддао: агар жаннатни истасанг, жаннатда Аллоҳ висолига етишмоқ ниятинг бўлса, у ҳолда бойликка кўнгил қўйма, ундан ажрал. Дунё молидан бенасиб қолиш баъзи одамларга фожиа бўлиб туюлади. Аслида эса жаннатни йўқотиш фожиадир. Охиратнинг маҳри – дунё молига кўнгил қўймаслик, уни тарк қилишдир. Дунёга алданган одам охиратга қўллари бўш кетадиким, Искандар Зулқарнайнинг васияти мисолдир.

Иқлиmlарни фатҳ этувчи Искандар жаҳон мулкининг тождори бўлди. Унинг тасарруфига кирмаган ер қолмади. Денгизу қуруқлик, ҳўлу қуруқ унинг фармонида эди. Осмон гумбази устида хутба ўқиб, адолат муҳрини юлдузларга урди.

Унга қуллук қилишни шоҳлар орзу қилиб, шу билан фахрланар эдилар. Хулқ-атвори ҳикмат билан зийнатланган эди. Зотида Жамшидлик нишонаси бўлиб, жаҳонни кўрсатувчи жом унинг кўзгуси эди. Етти иқлимни забт этган ва етти осмонга ҳукми ўтар эди. Шундай саодатманд шоҳ оламдан ўтар вақтида шундай бир ожизлик ва бечораликка учради-ки, на

ҳакимларнинг ва на табибларнинг тадбири фойда берди. Барчалари бу яшил дунё боғида қолиб, у қора тупроқ сари кетди. У ўзининг бу ҳолатидан ичидан ўртаниб, бундай сўз айтди:

– Мен хору залиллик билан бу оламдан кетар эканман, мен учун сафар ноғораси чалинар экан, кимки ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, унга менинг шундай васиятим бор: вақтики мендаги муқаддас бўстон қуши муқаддас маскан айвони сари учса (яъни, жоним узилса), оҳу фарёд билан оламни қора қилиб, хобгоҳимга тобутимни солсангиз ва қабр томон юрсангиз, тобутнинг ёнидан бир қўлимни чиқариб қўйинг. Токи одамлар бу қўлимга ибрат кўзи билан қарасинлар. Билсинлар-ки, етти иқлимининг шоҳи, етти осмон сирларининг огоҳи жисмида жон йўқ ҳолда бу дунёдан бўш қўл билан бормоқдаман. Кимки жаҳон мулкига эга бўлишни ҳавас қилса, шу бўш қўл унга ибрат бўлсин!

Бу баён сўнгидаги шоирнинг «Эй Навоий, бу дунёдан қўлингни торт», деган хитоблари бизларга ҳам қаратилгандир. Дунёдан қўлни тортиш шоирнинг шунчаки баландпарвоз сўзлари эмас. Ҳазрат Навоийнинг бадавлат оиласда туғилганлари, кейинчалик ўzlари ҳам жуда катта мол-мулкка эга бўлганлари маълум. 1481 йили шоир бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вақф мулкини ташкил қилганлар. Бу мулкдан тушган даромаднинг катта қисми таълим муассасалари, мусоғирхоналар ва дарвешлар, қаландарлар, камбағаллар, муҳтоjlар, етимесирларнинг эҳтиёжини қоплашга қаратилган. Бошқа бири қисми эса илм-фан ва адабиётни ри-

вожлантиришга сарфланган. Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда ҳазрат Алишер Навоийнинг шахсий ташаббуслари ва ва маблағлари билан мадрасалар қурилган ва моддий томондан таъминланган. Машхур тарихчи Хондамирнинг маълумотига кўра, 40 работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўпrik, 20га яқин ҳовуз қурдиргандар. Ҳусусан, Ҳиротдаги «Ихлосия» ва «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» тиббиёт муассасаси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Орул-ҳуффоз» хайрия биноси каби иншоотларни қурдиргандар («Ихлосия» ва «Низомия» XIX асрда Англия ва Россиянинг Ҳирот учун олиб борган жанглари пайтида бузуб ташланган).

Эгалланган илм ва амал бирлиги, сўз ва иш бирлиги деб шунга айтадилар.

Киши бойлик эмас, ҳақиқат изловчиси бўлса, уни қаерда топса, олишга интилса, ҳақиқий бойликка эришган бўлади. Пулнинг фойдаси савдогарни қувонтирганидек, обиднинг ибодати ҳам обидни севинтиради. Пул севгисига мубтало бўлганлардан бир нарса сўрамаслик тавсия этиладиким, улардан нимадир сўраш – қутурган ит олдидан таомини олиш кабидир. Олмонларда «Пул бераман, десанг, шайтон ҳам раксга тушади», деган мақол бор. Лев Толстой пулни қулликнинг бир кўриниши деб таърифлаган. Чиндан ҳам хаёли ҳамиша пул билан банд бўлган одам пулнинг қули ҳисобланади. Одамзот орасидаги қулдорлик йўқолган аммо пул қулдорлиги мавжуд ва у қиёматга қадар ҳам йўқолмайдиким, бу қулликдан foят эҳтиёт бўлмоқ жоиз. Қулдорлик замонларида

саҳий бойлар қулларига әрк берганлар. Бироқ пул қулдорлигидә бундай марҳамат йўқ, Шу боис ҳам қадим файласуфи Софокл: «Пул – инсоният гарданидаги энг катта тавқи лаънатдир», деган. Ажаб! Ажаб! Биз ана шу тавқи лаънатни севамиз-а!! Киншини юксалтирадиган пули, мансаби эмас, балки иймони ва илмидир. Чунки пулни ишлата-ишлата адо қиласди, иймон билан илм тугамайди. Пулни ўғирлатса, хонавайрон бўлади, иймони ва илмини эса ҳеч ким ўғирлай олмайди. Шунга кўра, Аллоҳ мұхаббатига суюнган кимса йиқилмайди, мол ва мансабга суюнган киши эртами кечми суюнчиқсиз қолгандаги аҳволини ўйлаб кўйисин. Моддият аҳли пулга севинади. Иймон ва умид ҳақиқий инсонни севинтиради. Моддий ўлим – охиратга қайтишдир. Иймон аҳли учун эса ўлим йўқ.

Дунёдаги яралмиш ҳар бир нарса, фақат буюмлар эмас, ҳаттотуйғулархамаҳамиятливааҳамиятсиздеб икки турга бўлинади. Аллоҳга ишқни, ота-она, оила, дўстларга мұхаббатни аҳамиятсиз деб ҳисоблаган кишини аҳмоқ дейдилар. Бойликка мұхаббатни аҳамиятли деган кимса янада аҳмокроқдир. «Мен мол ва дунёга амр қилдимки, эй дунё, сен менинг дўст бандаларимга хор ва эътиборсиз бўлгин. Токи уларнинг меҳр ва мұхаббатлари сенга эмас, менга мойил бўлсин» (Ҳадиси қудсийдан). Ҳа, агар Аллоҳнинг наздида мол-дунёнинг қадри заррача бўлса эди, уни аввал пайғамбарларига, сўнгра авлиё ва анбиёларга раво кўрган бўларди. Мол-дунёга ҳирс қўйишдан ва унинг фитналаридан барчаларимизни раббимиз Аллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Аллоҳ таоло Жаброил алайхиссалом орқали расулига: «Агар расулим бойликни хоҳласа, Макка атрофидаги тоғларни олтинга айлантириб бераман», деб билдирганида Пайғамбаримиз алайхиссалом бу таклифни қабул қилмадилар. Фоний дунёдан кўра боқий охиратни, умматлари ғамини афзал кўрдилар. Бир киши Расулulloҳга (с.а.в.) юмшоқ тўшак ҳадя қилди. Ўша кечак Фахри олам (с.а.в.) қаттиқ уйқуга кетиб, таҳажжуд намозига турла олмадилар. Шу боис «Энди бу тўшакда ётмайман, бу тўшак мени намоздан қолдирди», деб эгасига мулоҳимлик билан тушунтириб, ташаккур айтиб, қайтариб бердилар. Расуллоҳ (с.а.в.) шолча устига битта бўз ёпинчиқ матони ёпиб, ухлардилар (олдинги сухбатимизда бўйра устида ётганларини баён этиб эдик). Ҳатто шу даражада оддий ва камтарона ҳаёт кечирардилар-ки, баъзан ахли аёлларига бир оз малол ҳам келарди. Ҳазрати Фотима онамиз (р.а.) оталаридан: «Ҳасан ва Ҳусайн жуда ҳаракатчан ва шўх, уларга қарашга кучим етмай қоляпти», деб ёрдамчи сўраганларида Аллоҳнинг расули (с.а.в.) дедилар-ки:

– Кизим, истасанг икки ёрдамчи берай. Лекин шуни билгин-ки, айни замонда икки дунёда ҳам роҳат топишинг қийинdir. Бу дунёда қийналгинки, у дунёда роҳат оласан.

Бошқа бир ривоятда ҳазрати Фотима онамиз (р.а.) тегирмонда ун туйишдан, қудукдан сув тортиб чиқаришдан қабариб кетган қўлларини оталарига кўрсатиб у Зотдан ёрдам истаган эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) қизларига дедилар-ки:

– Ахли иймон бундай факир яшар экан, Бадр шаҳидларининг етимлари паришон ҳолда эканлар, сен қайси юз билан мендан ёрдам сўрайпсан?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳазратларининг масжидлари ёнида «Хужрай саодат» деб аталадиган аҳли байт-ларининг хоналари бор бўлган. Уммавийлар даврида масжид кенгайтирилаётган вақтда ўша уй бузилади. Бу ишдан мусулмонлар йифлаб: «кошкыйди, «Хужраи саодат» бузилмасайди, уни кўриб одамлар ибрат олсайди», деб афсусланган эканлар. Узунлиги уч аршин, эни бир аршин келадиган, яъни битта каравот сифадиган кенгликдаги уйчада бир киши bemalol ётиши, икки киши сиқилиб қолиши мумкин бўлган.

Айниқса, бугунги кунда, данғиллама иморатлар қуриш авжга чиқсан замонда: «Эй кўнгил! Данғиллама иморатларни кўрганингда уларга ҳавас қилма, «Хужраи саодат»ни эсла!» деб хитоб қилиб туришимиз керакка ўхшайди. Сароймонанд қурилган янги уйига кўчиб ўтган бир йигит домла-имомларни эҳсон дастурхонига чорлаб деди-ки: «Расуллулоҳ ҳаётларини ўқиб, ўрганиб ўйланиб қолдим: бу данғиллама иморатни қуриб исломий жиҳатдан тўғри қилдимми?» Савол ниҳоятда жиддий эди. Бироқ, меҳмонлар гапни ҳазилга буришди: «Бизларни тез-тез меҳмонга чакириб турсангиз динга ҳеч бир зарари йўқ». Жавобни айтиб кулдилар. Биз эса «Эй кўнгил, сен бу гапга кулма!» дедик. Данғиллама иморат қуришнинг динга зарари йўқ. Аммо ҳар бир нарсанинг меъёрини сақлаш афзал. Мусулмонлар чакка ўтиб ётган эски кулбаларда яшамасликлари керак. Озода, кенг ва ёруғ, иссиқ уйларда истиқомат қилишлари лозим. Бироқ, узунаси эллик, эни ўттиз қадамли хоналар қуришдан фойда борми? Иморатда бир оила яшагани ҳолда, қирқ хона қуришдан наф

борми? Ўзига зарур миқдорда кераклисини қуриб, ортиб қолган маблағига камбағал қариндоши ёки қўшнисига биттагина хона қуриб берса савоб эмасми?

Имкони бўлмаган кишининг фақирона ҳаёт ке-чириши табиий. У шундай яшашга мажбур. Бироқ, тўкин-сочин яшашга имкони бўла туриб, камтарона, оддий яшаб ўтган кишининг ҳаёти аҳамиятли ва ибратли бир ҳодисадир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай яшадилар.

Саҳобаи киром ҳам шундай яшадилар.

Ҳазрати Умар (р.а.) ҳаётларидан ҳикоя: Рум элчиси Мадинаи Мунавварага сиёсий мулоқот учун келди. Элчи одамлардан халифа ҳазрати Умар нинг яшайдиган саройини сўради. Одамлар: «Халифанинг саройи йўқ. Лекин унинг порлаган кўнгил саройи бордир. Унинг бу дунёга оид, фақат фақирлар ва ғариблар сиғинадиган кулбаси бор», деб жавоб қилдилар. Бу сўзларни эшитган элчи ҳайрат ва даҳшатга тушди. Мол-мулкини, от-уловини, ҳадяларини унутиб, ҳазрати Умар Форукни излай бошлади. Ураган одамдан халифани сўрайверди. Ҳайрат билан ўз-ўзига: «Демак, дунёда шундай ҳукмдор ҳам бор экан-да! Худди рух каби қолганларнинг кўзидан узокда эмиш», деди. Нихоят бир араб аёл: «Сиз излаётган халифа, ҳов анави хурмо дарахтининг соясида ухляяпти. Одамлар уйларида, ётоқларида ухлар эканлар, халифа қумнинг устида истироҳат қилмоқда. Бориб хурмо дарахтининг соясида ётган зулли илоҳийни (Ҳакнинг соясини) кўринг», деди.

Уйқуда ётган халифа Умар элчининг кўнглига ҳайбат, руҳига шодлик солди. Элчи яна ўзи-ўзига: «Мен императорлар билан бирга бўлган ва улар қаршисида обрўга эга бўлган бир инсонман. Лекин улардан биронтаси ҳам ҳайбатли эмас эди. Бу халифа қурол-яроғсиз, қўриқчиларсиз ерда ётибди. Мен ухлаётган бу кишининг қаршисида титраб турибман. Нега шундай бўлмоқда? Демак, бу ҳайбатни Ҳақдан олган бўлса керак. Бу ҳайбат эски ҳирқа кийган бу кишининг ҳайбати бўлмаса керак», деди.

Рум элчиси бундай руҳий түғёнлар ичида экан, халифа Умар уйқудан уйғондилар. Элчи таъзим билан халифага салом берди. Халифа алик олдилар. Самимий ва сехрли сўзлар сўзлаб, юраги така-пуга бўлиб турган элчини жон саройига киритиб, ҳузурга қовуштирилар. Шундан кейин ўзини халифага бегона деб билган элчи ул зотнинг дўстига айланди. Халифа билан қилган сухбатидан дунёни, ўзлигини, элчилигини унутди...

Бошқа асҳоби киромлар ҳам шундай бўлганлар. Ҳазрати Али – халифа, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Салмони Форсий ҳазратлари ҳам шаҳар ҳокими бўлганлар. Лекин яшаш тарзларини ўзгартиргмаганлар. Ҳокимликка ҳос шинам хоналарда ётмаганлар, дабдабали либослар киймаганлар. Бошқа мусулмонлар қандай бўлсалар, улар ҳам шундай бўлганлар. Буларнинг асосида бир туйғу бор эди: дунёни кўзга илмаслик, аҳамият бермаслик! Унинг мол-мулкига, роҳат-фароғатига асир бўлиб қолмаслик! Охиратни исташ ва унга рағбат қилиш. Аллоҳнинг ризоси ҳакида ўйлаш ва ризосини қозониш учун харакат қилиш. Тунларни ибодат ва кўз ёшлари билан ўт-

казиш. Кундузлари елиб-югуриб халқ хизматини қилиш, бошқаларнинг дуосини олмоқ, лекин мол-мулкини олмаслик! Қўл остида бошқаларнинг ҳақ ва ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти бўла туриб, ўз манфаати учун фойдаланмаслик ва содда ҳаётни давом эттиришни зухд-зоҳидлик дейдилар. Охират мухим. Мўъмин учун уни назардан қочириш, инкор этиш асло мумкин эмас. Зоҳидлик туйғуси шу сабабли аҳамиятли. Фарзандларимизга «Зоҳиджон» деб чиройли исмни бежиз севиб қўймаймиз... Баъзи биродарларимиз шундай исмларни зурриётларига қўядилару бироқ, ўз кўнгилларини дунё бойлигидан узишни ўйламайдилар.

«Аллоҳ бир бандани севса, уни дунёдан асрайди. Худди сиз беморингизга сувни таъқиқлаганингиз каби». Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бу ҳикматлари ажиб гўзалдир. Сув – ҳаёт манбаи. Лекин маълум пайтда бемор учун хатардир. Дунё ҳам солиҳ банда учун хатар. Аллоҳ солиҳ бандасини бу хатардан Ўзи асрайди. Бойликка алданиб қолмаслик, уни аҳамиятсиз нарса деб билиш бунга бир ишорадир. Бир киши Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келиб деди:

– Ё Расулаллоҳ! Менга бир амал ўргатинг-ки, уни бажарганимда Аллоҳ мени яхши кўрсин, инсонлар ҳам яхши кўришсин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

– Бу дунёдаги нарсаларга аҳамият берманг. Аллоҳ сизни яхши кўради. Инсонлар ёнидаги нарсаларга аҳамият берманг, инсонлар сизни севади».

Кудсий ҳадисда Аллоҳ бандаларига хитобан де-ди-ки: «Эй дунё ахли! Кимки дунё ҳузур ҳаловатини

талаб қылса, унинг маърифати йўқлиги, кимки ўт-кинчи неъматни, тугайдиган ҳаётни ва битадиган роҳатни яхши кўрса, у ўзига жабр қилгани, Раббисига гуноҳкор бўлгани, охиратни унутганидир ва дунё у одамни алдагани белгисидир». «Эй Одам фарзанди! Охиратинг учун сен гўё эртага ўладигандек амал қилгин. Мол-матоҳни дунёда абадий турдигандек жам қилмагин». Чунки «у кунда на мол манфаат берар ва на болалар». Ҳа, айнан шундай! Қиёматда иймон ва солих амалдан бошқа ҳеч нарса фойда бермайди. «Магар ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, ўша манфаат топар» (*Шуаро сурасидан*).

Ривоятким, басир ва сўқир ҳамроҳ эдилар. Иттифоқо кўрнинг қўлидаги қамчиси тушиб кетди. У отидан пастга тушиб, ерни пайпаслаганича қамчисини қидирди. Бу онда бир заҳарли илон тун совуғи таъсирида карахт бўлиб, қотиб ётарди. Кўр одам уни қамчи деб ўйлаб, қўлига олди-да, отига минди. Кўзи очиқ одам унинг қўлидаги илонни кўриб, қичқириб юборди:

– Дўстим! Қамчи деб хаёл қилиб қўлга олганинг заҳарли илон-ку! Ташла!

Сўқир: «Қамчин ниҳоятда гўзал бўлса керак-ки, ҳамроҳим унга ишқибоз бўлиб, алдов йўли билан мендан тортиб олмоқчи», деб ўйлаб, аччиқланди:

– Сен қандай ҳасадгўй дўстсан ўзинг! Аллоҳ менга янги қамчинни раво кўрганда, бир алдов билан тортиб олмоқчимисан?

– Эй азиз дўстим, сендан қамчин тама қилаётганим йўқ, – деди басир. – Ҳамроҳликнинг шартларидан бири – йўлдоши хатарда бўлса, уни хабардор қилишдир. Мен шу бурчимни адo этяпман, холос.

Кўзи очик одам ҳақ гапини сўқирга маъқуллата олмади. Йўлда давом этдилар. Бир оздан кейин қуёш кўтарилиб, кун қизиди. Илон жонланди-ю кўрнинг қўлини чакди ва уни ҳалок қилди.

Агар бу ривоятни ҳаётда юз берган воқеа сифатида қабул қисак, кўзи ожиз биродарларимизни ранжитган бўламиз. Ривоятда «сўқир» дейилганда иймони, қалби ожиз бўлгани туфайли дунё молига алданиб қолган нодон назарда тутилган. Аслида манзилга бехатар етиб бормоқ учун отга чиройли қамчи уриш шарт эмас. Оддий хипчин ҳам кифоя қиласди. Лекин кўнгил чиройли отни ва чиройли қамчинни талаб қиласверади. Ҳаётимиз ҳам шундай. Яшаш учун унча зарур бўлмаган нарсалар учун хатто жонимизни хатарга қўямиз. Биз ўғриларни «жиноятчи» деб айблаймиз. Ҳолбуки, ўғирлик унинг касби. Жонини хатарга қўймаса, тирикчилиги ўтмайди. Лекин биз, тўғрилар-чи?

Бир сайёҳ сахрода адашиб қолди. Ейишга таоми, ичишта суви қолмай, «энди ўладиган бўлдим», деб тушкунликка берилган пайтда кўзига узокдаги хум кўринди. Умид унга куч бериб югурди. Шунчалар югурди-ки, жони ҳалқумига келиб қолди. Бироқ, етиб бориб қараса-ки, хум сувга эмас, олтинга тўла экан! Буни қўриб шунчалар изтиробга тушдики...

Ҳаётда шундай бойлик топиб олишни орзу қилиб яшайдиганлар топилади. Лекин инсонни хушнуд қиласиган нарса олтину жавоҳир эмаслигини ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди. Бойлик, кам-кўп микдоридан қатъи назар, ҳаёт кечириш учун бир восита холоску? Агар одам сахродаги адашган сайёҳ ҳолига тушса, бир пиёла сув учун бир қоп олтини бўлса-да, бе-

риб юбормайдими? Инсонни бир қоп олтин эмас, томоғидан ўтган бир қултум сув ва бир тишлам нон севинтиради. Хорун ар-Рашиддан сўрадилар:

– Эй подшоҳим, тасаввур қилингким, сахрода ёлғиз қолиб, ташналиқдан азобланяпсиз. Бир қултум сув эвазига нима берасиз?

– Хазинамнинг ярмини бераман, - деди хукмдор.

Яна сўрадилар:

– Ичга кирган бир қултум сувнинг чиқиб кетмоғи ҳам бор. Бунинг учун нимани бағишлиар эдингиз?

– Хазинамнинг қолган ярмини баҳш этгум.

– Ҳукмдорим, у ҳолда барча бойлигингизнинг қадри бир қултум сув қадрига teng эканда, а?

Бизнинг бир хавотиришимиз борким, бойлик орттиришга даъват этаверади. Бу – эртами, индинми, кутитмагандан бор-йўғидан ажраб, қашшоқланиб қолиш хавотири. Ҳолбуки, Одам фарзанди ўзига фақирлик етаётганини билса, Кудсий ҳадисдаги амрга риоя этмоғи, яъни фақирликни «солиҳ бандалар каби «хуш келдингиз!» дея қарши олиши» даркор. Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо ҳаётининг кунлари мангуга йўқолаётгандилиги билан иши йўқ. Билмаймиз-ки, қашшоқлик – ожизликдан келиб чиқади. Аллоҳ огоҳ этади-ки: «Эй Одам фарзанди! Фақирликдан бўлган хавфинг дўзахдан бўладиган хавфни дилингдан чиқариб юборади. Дунё ишларида қилинадиган кўп ва узоқ орзуҳаваслар охират ишларини қилишдан тўсиб қўяди. Дунё молига муҳаббат менинг муҳаббатимни дилингдан чиқаради» (Ҳадиси қудсийдан).

Қадим замонларда турли мамлакатларда бадавлат одам вафот этганида бойлигидан бир қисмини

ҳам қўшиб кўмганлар. Лекин лаҳад қуртлари бу тилла ва жавҳарларга тегмаганлар, балки ҳаётлик пайтида бойликка тўймаган шу бойлик эгасининг кўзларини еганлар. Подшоҳнинг тантилиги тутиб бир одамга: «Тила, тилагингни», деганда у одам бир косача узатиб: «шуни тиллага тўлдириб беринг», деб сўради. Подшоҳ озгинагина нарса сўраганидан уни нодон фаҳмлаб кулди. Косача ўн-ўн беш тилла танга билан тўлади, деб ўйлади. Аммо мўъжиза юз бериб, хазинадаги барча олтину жавохир солинсада, косача тўлмади. Охири подшоҳнинг ҳеч нарсаси қолмагач, мўъжизанинг сирини сўради. «Бунда ҳеч мўъжиза йўқ», деди у одам ва косачанинг тубидаги **КЎЗ**нинг суратини кўрсатди. Кейин шу кўз устига яrim сиқим тупроқ ташлаган эди, косача ўн танга билан тўлди. Қиссадан хисса шуки, бойликка тўймаган кўзни тупроқ тўлдиради.

Дунё вафосизликдан иборатдир. Шоир айтмоқчи: «Ким кутар сендан вафони, ёлғон дунё сен эмасми?» Дунё берган омонатини тезда қайтариб олади. Бир кун кўкка кўтарса, эртаси куни юзтубан йикитади. Дунё бир соя кабидир, уни ушламоқчи бўлсанг, олдингга тушиб қочади. Унга эргашиб сарсон саргардон бўлгунча умр ўтиб кетади. Дунёга кўнгил қўйиш ҳаёсиз аёлга кўнгил қўйиш кабидир. Бу ишқ инсонни бир куни юзтубан қилади. У доимо қалбга васваса солади. Сўнгига инсонни бор-йўғидан айиради.

Ўлимнинг маъносини билганлар фоний дунёнинг лаззатларига, йўлчиликнинг маъносини билганлар эса меҳмонхонадаги ўйинларга алданмайдилар. Бутун фоний дунёнинг ноз-неъматлари бир кишининг қўлида тўпланса-ю бу одам минг йил

яшаса бундан нима фойда бор? Охир-оқибат борадиган жойи тупроқ туви эмасми? Шарафли ҳадис: Расулуллоҳ: «Асло ўликлар ёнида ўтирманглар», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, бу ўликлар кимлар?»-деб сўрадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:

– Ўликлар – бу дунёга кўнгил кўйганлардир.

Киши ўликлардан фарқи бўлмаган ғофилларга кўшилса, уларнинг қўлидаги ўлим заҳарини ўзи билмаган ҳолда ичган бўлади. Шу тарзда унинг қалби ҳам ўлик қалбга айланади. Ягона йўл – маънавий жиҳатдан тирик бўлганлар билан яқинлашишдир. Муз сотувчи Жунайд Бағдодий (қ.с.) ҳазратларига рўпара келиб: «Сармояси эриб бораётган инсонга ёрдам беринг», деб нидо қилди. Ҳазрат бу нидони эшишиб, маъносини англадилару хушдан кетдилар. Нединким, аслида ҳар бир одам бу дунёда сармояси эриб бораётган бир бечорадир. Шундай экан, ҳар биримиз ўз кўнглимиизга хитоб қилайлик:

– Эй кўнгил! Дунё сармоясини охират сармоясига олиб борувчи восита сифатида кўрмас экансан, бу дунёдаги амалларинг шайтонларга ем бўлишда давом этаверади. Натижা эса ғам-алам ва алданишдан иборатдир. Истроф тентаклиги ва марҳамат йўқсиллиги фоний дунёнинг бош балосидир, охиратда эса азоб сармоясидир. Ўтган кунларинг моҳиятини ўзгартириб бўлмайди. Келажагинг моҳияти эса шубҳалидир. Он бу ондир. Бу оннинг кўнгил ва пешона терларини ҳаёт тупроғига эка олсанг, инша Аллоҳ, охиратинг ёруғ бўлғувсидир.

Инсон дунёга шўнғиш билан уйқуда қолади. Буни «гафлат» деб атаемиз. Ҳаққа кўнгил берганларгина

ғафлат уйқусидан уйғона оладилар. Күнгил бойлик ҳавасидан узилмагунича киши Ҳаққа астойдил руку ва сажда қилолмайды.

Аллоҳ бандага бойлик бериш билан зиммаси-га оғир масъулиятлар ҳам юклайди. Барча бойларни адашганлар, алданганлар, дея олмаймиз. Шукрки, ҳалол топиб, ҳалолга ишлатаётган бойлар қадимда ҳам бўлишган, ҳозир ҳам борлар. Бойликни имтиҳон, дедик. Шунинг баробаринда камбағаллик ҳам имтиҳондир. Аллоҳ бандаларни синаш учун бирига кўп, бирига эса оз берганини Ўз Китобида зикр этган. Шунга кўра, камбағалдан сабр ва шукр талаб қилинади. Бойларга ҳасад билан қараашдан тўхтатилади. Сир эмас, бойликка эга бўлмаганларнинг кўпчилиги бойлик эгаларини ёмон кўрадилар. Бу нафратларини айримлар ичларида саклайдилар, айримлар ошкора билдириб турадилар. Ўтган асрдаги ўқтабр тўнтаришидан кейин бу нафратлар юзага чиқиб, ёмон оқибатларга олиб келди. «Йўқолсин бойлар, яшасин камбағаллар!» деган шиор амалга ошиб, бойлар йўқолди, барча ёппасига ҳам моддий, ҳам маънавий камбағалга айланди. Совет замонида закот, эҳсон, мурувват... каби гўзал хулқлар унугилди. Қирқ беш йиллик умрим совет замонида ўтиб бирорвнинг бирорвга закот берганини эшитмадим. Кимдир яширин ҳолда берган бўлса, Аллоҳ бу мурувват эгасидан рози бўлсин!

Аллоҳнинг ҳар бир ишида ҳикмат бор. Кимгайдир бойлик бермабдими, бу одам ўзини бечора, ҳокисор деб англамасин ва атрофга аламзадалик билан боқмасин. Агар бирон қариндоши ёки биродари ҳаром йўл билан бойиётган бўлса, бу йўлдан

қайтаришга уриниб кўрсин. Ҳалол йўлдагиларга эса ҳавас билан боқсин. Фарзандларини уларга ўхшатиб тарбия қиласин.

Мазкур рисолани бой биродарларимиз ҳам ўқишар, деган умидда уларга айrim нарсаларни эслатиб ўтишни жоиз деб билдик. Агар бу нарсаларни билсалар, нур аланинур, такрорлаш ўрнида қабул қиласлар:

Аллоҳ таборак ва таоло огоҳ этади-ки: «Эй Одам фарзанди! Ўзим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб, фарзимни адо этмасанг, фақир ва мискинлар ҳақини ушлаб турадиган бўлсанг, билгил-ки, мажбуран мол-дунёнгни тортиб оладиган золимларни юборурман. Улар қўлига ўтиб кетган молинг учун сен ҳеч қачон, ҳеч қандай савоб ололмайсан» (*Кудсий ҳадисдан*). Кучли кишининг заифларга илтифоти унга зийнатдир. Ҳасислик билмайдиган бадавлат киши тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Бадавлат киши ҳасис бўлмаса, унга бу зийнат бўлиб тушади. Ҳузур-ҳаловатни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймайдиган бойликнинг эса ҳеч бир ёмонлик ери йўклигини яна таъкид этамиз. Ҳикмат аҳлидан яна таъкид-ки: «Мол умр осойиши учундур, умр мол жамъ этмак учун эрмастурур». Бойнинг бир кўзи ҳамиша фақирда бўлиши ва бир қўлини фақирга Бериши талаб этилади. Ҳикмат-ки: «Фақирдан юз Ўтирган бойнинг кўзлари хоин кўзлардир. Фақирдан қўл тортган бойнинг қўллари хоин қўллардир».

Бугунги кунда бойларнинг саҳоватларини кўриб Турибмиз, узокроқдагиларни эшитяпмиз. Барчала-Рини дуо қиласиз: Аллоҳим, ваъдангга мувофиқ, бу Саҳоват эгаларининг ажрларини бер!

Лекин бу борада бир мuloҳазамиз ҳам бор. Кўп биродарларимиз саҳоватни асосан масжидларнинг безагига қаратяптилар. Ҳолбуки, масжидни ҳаддан ташқари безаш ҳам бидъат ҳисобланади. Нединки, Аллоҳ масжиднинг безагига эмас, масжидга қадам босиб келганларнинг қалбига қарайди. Бир масжидда имом саҳоватли биродаримизни гилам берганлари учун дуо қилдилар. Албатта, бу иш таҳсинга лойик. Лекин шу масжид гиламга муҳтоҷ эмас. Шу қадар гилам ва кўрпачалари кўп-ки, икки қават солинса ҳам ортиб қолади. Шу биродаримиз саҳоватларини боғчагами, мактаб ёки шифохонагами қилсалар нақадар гўзал бўлар эди! Фақат масжид қуриш ёки безаш билан инсоният иршод бўлмайди. Илмга ўзини бағишлаганларга ёрдамлашиш, илм аҳлининг халқقا нафи тегадиган асарларини нашр этишга кўмаклашиш ҳам ғоят савобдир. Бу Аллоҳ наздида ёрдамларнинг энг яхшисиdir. Айrim китоблар қиммат бўлгани сабабли илмга рағбати бор ёшлар сотиб ололмайдилар. Агар шу китоб саҳоватли бойнинг маблағига чиқарилса, қанчалар савоб иш бўларди. Афсуски, ҳозирча биз бундай савобга эришган бойларни кўрмаяпмиз. Мактаб кутубхоналарига китоблар совға қилаётган ҳиммат эгалари ҳам бармоқ билан санарли даражада кам. Довруғи етти иқлимга татийдиган тўйлар қилинади. Ўнлаб, ҳатто юзлаб одамларга зар чопонлар кийдирилади. Ҳолбуки, бу чопонларни бирон киши бирон марта киймайди. Шунинг ўрнига шу одамнинг аввало ўзига, хонадонига нафи тегадиган беш-үн китоб совға қилингани аълороқ эмасмикин? Дейлик, меҳмон тўйдан эсадалик сифатида тақдим этилган «Тафсири

хилол», «Ҳадис ва ҳаёт» ёки бошқа бир китобни уйинга олиб бориб ўқиса, фойдаланса, тўй эгасига савоби тегади-ку? Олиб бориб, ташлаб қўйиладиган чопондан қандай савоб унади? «Оlam олим билан тирик, олим бўлмаса олам қоронғуликда қолади», дейдилар. Келажакда мунавар олим бўлиб етишувчилар бугун турли даражадаги мактабларда ўқияптилар. Шу мактабларга ҳиммат қилиш олимлар тарбияси учун хизмат ҳисобланади. Бу ҳам садақатул жориянинг бир кўринишидир.

Бир латифа борким, кўнгилларига оғир ботмасин: Бир одам фарзанд кўрган эди «Хотининг нима туғди?» деб сўрадилар. «Камбағалники нима бўларди ё ўғил ё киз-да», деб жавоб берди у. Бу гапдан ажабланиб сўрадилар: «Ия, бойлардан нима туғилади?» «Бойлардан бевош, бемаъни, бефаросат туғилади», деб жавоб қилди у. Ҳа, кишига малол келадиган гап бу. Аммо начора, латифанинг замирида ҳақиқат ҳам бор. Фақат изоҳким, бойнинг боласи бевош, бемаъни, бефаросат бўлиб туғилмайди. Балки бойлигидан ғурурланувчи ота-онанинг айби туфайли бемаъни, бефаросат, бевош қилиб тарбияланади. Ўтган аср бошларида Махмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари «Падаркуш» деган саҳна асарларида фарзандига илм ва тарбия беришни истамаган бойнинг фожиасини ёзган эдилар. Не ажаб ва не афсуски, ўшанга ўхшаш ҳодисалар ҳозир ҳам учраб турибди. Бузуклар, гиёхвандлар орасида бойваччаларнинг кўплигидан фақат жамият озор чекмайди, энг аввало ўша отаоналар азобланишади.

Давлат ҳаммага ҳам ярашади, аммо уқув-идрокли донишманд кишига у кўпроқ мос бўлади. Давлат но-

дон билан фақат ёнма-ён туради халос. Бирок, у доно билан ҳақиқий гўзаллик касб этади. Жоҳилларнинг дунёга берилишлари ёмон. Олиму доноолар берилсалар, янада ёмонроқ. Бой одам фарзанд тарбиясида шу ҳақиқатларни унутмагани дуруст.

Мол-дунёси кўп одамнинг дўстлари, оғайнилари ҳам кўп бўлиши барчага маълум. Айрим бойлар бу билан фахрланадилар, аммо билмайдилар-ки, буларнинг ярмидан кўпи «манфаат дўстлари»дирлар. Киши дўстга зор бўлган куни хор айлайдиганлар ҳам айнан шу «манфаат дўстлари»дирлар. Агар қўлимиздаги танганинг бир томонига «Дунёга берилганинг дўстлигига ишонма», деб ёзилса, иккинчи томонига «Бой бўлганинг учунгина сенга интилувчилардан эҳтиёт бўл», деб ёзиб қўйиш керакмикин? Бу ҳақда хикмат: «Мол дунё баъзи кишининг маҳбубаси ва маъшуқасидир. Маъшуқа қаерда бўлса, ошиқлар унга бош эгадилар. Маъшуқа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошиқлар у кишининг яқинига йўламайдилар. Кўрмайсизми, гул ўз этагига зар тўлатиб ишва-карамлар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадхини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шохи ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди».

Юқорида баён этилган фикрлар айрим шахсларга оиддир. «Бойликка ружу қўйиш» дейилганда фақат шахсни назарда тутмаслик керак. Бу мамлакатларга хос касаллик ҳамдир. Мамлакатлар орасидаги ўзаро урушларнинг сабабчиси ҳам айнан шудир.

Агар бир одам бойликка хирс қўйса ва бу йўлда бошқа кишига зулм қилишдан қайтмаса, у бир ёки

бир неча кишига заар келтириши мумкин. Лекин, афсуски, биз буни давлатлар орасида ҳам кўрамиз. Минг йиллардан бери бир қабила бошқа бир қабила ҳисобига бойишга ҳаракат қиласди. Бугун, яъни Ийсо алайхиссалом туғилганларидан эътиборан йил ҳисобидаги йигирма биринчи асрда ўзларини тараққий этган, комил маданиятли, инсофли ҳисоблаётган, оламга ўзларини фаришта мисол кўрсатишга уринаётган давлатлар кимлар ва нималар ҳисобига бойлар? Нима учун урушлар тинмай давом этяпти? Чунки уларнинг қурол савдосидан оладиган фойдаси ақл бовар қиласди даражада кўп. Нима учун нефтга бой мамлакатларга тинмай фитналар қилишади? Чунки улар маҳсулотни эгаларининг эмас, ўзларининг манфаатларини кўзлаб сотишлари шарт. Европанинг бой мамлакатлари Африка ва бошқа қитъадаги камбағал давлатларнинг қарзларидан воз кечиб, тантилик ҳам қилиб қўйишади. Айёрикни қаранг: уларни қулоғига қадар қарзга ботирган ким? Ўзлари-ку! Нима учун миллионлаб одамлар бир бурда нонга муҳтожлар? Нима учун миллионлаб одамлар турли касалликлардан кирилиб кетяптилар? Ҳар йили Европа аҳолиси ўн бир миллиард доллар пулинин морожна (музқаймоқ) ейишга сарф этади. АҚШ ва Европаликлар ҳар йили ўн етти миллиард доллар пулларини ит-мушукларни боқиши учун сарфлайдилар. Европаликлар ҳар йили бир юз беш миллиард доллар пулларини маст қилувчи ичимликка сарф қиласдилар. Дунё бўйича тоза ичимлик сувига зор қашшоқ аҳолини сувга тўйдиринш учун шу маблагнинг ўндан бир улуши кифоя қилас экан.

АҚШ аҳолиси дунёning беш фоизини ташкил этади. Мана шу беш фоиз одам дунёдаги неъматларнинг йигирма беш фоизини истеъмол қилади. Европанинг кучли мамлакатлари ҳам улардан кам эмаслар. Улар ҳеч қачон дастурхонларидағи ҳатто битта ушоқнинг ҳам камайишига рози бўлмайдилар. Шу боис ҳам дунёни фитнага булғаб, кун ке-чирадилар. Бойлик ишқи Ер юзини ана шундай таҳликада ушлаб турибди. Тарихда энг оғатли ҳисобланган Иккинчи Жаҳон уруши тугаганига ярим асрдан ошди. Етмиш йилдан бери катта урушлар йўқ. Лекин шу вақт мобайнида Иккинчи жаҳон урушидаги талофотдан кўра кўпроқ одам қурбон бўлди ва ҳар дақиқада уруш қурбонларининг сони ошиб бормоқда. Такрор айтамиз-ки, бу оғатнинг асосий сабаби бойлик талvasаси. Бу сатрларга дикқат билан эътибор беринг:

*Америка узоқ замон мобайнида бойлик вассасаси-
га тушиб қолган эди. Бу бойлик вассасаси жуда қўпол
шаклларга кириб, жуда зўр очқўзликни вужудга кел-
тирди. Бу нарса ҳозир тобора кучайиб бормоқда. Бу
вассасада инсон ҳарактерининг гўзаллиги оёқ ости
қилинди ва одамнинг бойлик ортишишга интилиши
биринчи ўринга қўйилди. Шундай очқўзлик балосига
гирифтор бўлган бу азим мамлакат мақсади томон
елиб бораётганида, ярим йўлда аравасининг катта-
кон ғилдираги синиб қолди ва арава-параваси билан
чанг йўлга ағдарилиб тушди. Бугун мана шу ҳалокатга
якун ясаб, одамнинг ана шу ҳалокатдан бошқа энди
нимаси қолди, деган савол беришимиз мумкин. Кат-
та-катта ҳаражатлар, ҳамма ҳаракатлар – бар-
часи зоҳирий нарса. Шу зоҳирий нарса барбод бўлса,*

ицимизда алиф ҳам йўқ эканлиги дарҳол маълум бўлиб қолади. Агар бу зоҳирий нарсани, хўжакўрсинга ишлатиладиган нарсани, мoddий негизни улоқтириб ташлайдиган бўлсак, у тақдирда инсоннинг ўзи қани? «Унинг моҳияти қаерда?» деб савол бериш мумкин. Натижада ана шу ҳалокатидан боши гангіб қолган одам қандайдир ички дунём бор, деб айтишдан ожиз қолади. Бугунги инсоннинг ўзи ҳеч қандай қадрқимматга эга эмас. У бутунлай бозор кишиси бўлиб қолган. Бугун эса бозор куни эмас!

Хўш, бу фикрларга нима дейсиз? Бугунги куннинг гаплари, дейсизми? Ҳа, бугунги кун нафаси келиб турибди. Бироқ бу гаплар Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди, дунёнинг бебаҳо адаби Рабиндратрат Тҳакур томонидан 1935 йилда айтилган. Афсус шуки, бойлик васвасаси ҳамон давом этмоқда. Бойлик васвасасида тўлгонаётган жаҳон бойлари яна ижтимоий тенглик ҳақида тинмай гапирадилар. Бир шахснинг камбағаллик домида нонга зор яшагани ҳолда, иккинчи шахснинг ғоят бойиб кетишини ижтимоий тенглик дейиш мумкинми? Асло! Улар мингоёқ – медузага ўхшаб жаҳондаги камбағал мамлакатларга чанг солғанларича уларнинг қонларини сўриб ётибдилар. Ҳар нарсанинг охири бўлгани каби бу адолатсизликнинг ҳам ниҳояси мавжуд. «Дунёни биз тебратяпмиз», деб бойликларига мағрур бўлган кимсаларнинг динлари йўқ. Чунки будда ҳам ўз тобеларини бу гуноҳлардан қайтишларини буюради. Таврот, Инжил ҳам шундай. Лекин бойликларини бут қилиб сиғинувчи бу одамлар дунёни Яратган Зот борлигини унутганлар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон (р.а.) халифа этиб сайланганларидан сўнг масжидга чидилар. Ниҳоятда хафаҳол ва юзлари сўлғин эди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) минбарларига чиқиб Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саловот айтгач, бундай дедилар:

– Сиз ўткинчи бир ҳаёт уйидасиз ва умрингизнинг қолган қисми ҳам ўтишини кутмоқдасиз. Шу ҳолда ҳануз ўлим келмай туриб, ишларнинг энг афзалини қилиб олишга шошилинг. Бир қарабсиз-ки, кутилмаган соатда ушланиб қоласиз. Унумтманг-ки, бу дунё ёлғон ва алдов устига бино бўлган. «Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин ва сизларни алдамчи шайтон «Аллоҳ кечираверади», деган алдов билан алдаб қўймасин» (Луқмон сурасидан).

Сиздан аввал ўтган кимсаларнинг ҳолидан ибрат олинг. Сўнг савъ-ҳаракат қилинг ва ғафлатда қолманг. Зоро, сиз ғафлатга тушиб қолсангиз ҳамки, ишларингизни ҳисоб-китоб қилишда сира ғафлатга тушилмайди. Дунёда экинлар экиб-ўрган, баланд кошоналар қурган ва узоқ вақт завқу сафо сурган дунёнинг ўғиллари, биродарлари бугун қаердалар? Дунё уларни ютиб юбормадими? Жалил Аллоҳ дунёга нақадар аҳамият бермаганидек, сиз ҳам шундай унга берилманг. Охират учун ҳаракат қилинг.

Мазкур хитобни дилга жо қилган ҳолда, дуога қўл очамиз:

– Аллоҳим, Сенга ҳамлар бўлсин! Сен ҳақсан, Сенинг ваъданг ҳақ, жаннат ва дўзах ҳақ ва пайғамбарлар ҳақдирлар ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақ ва Қиёмат ҳақдир! Аллоҳим! Бизлар бойлик сабабидан түғёнга кетищдан, камбағаллик

сабабидан хор бўлишдан фақат Сендан паноҳ тилаймиз. Эй ваъда қилиб, вафо қилган, қўрқитиб, афв этган Зот, бойлик илинжида бошқаларга зулм қилиб, сўнг бу ишидан афсус-надомат чекканларни мағфират эт. Эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Аллоҳим! Бу дунёга келиб, ўзини бойлик жилвасида ҳалок қилганларнинг оқибатидан бизларни ўзинг асра! Аллоҳим, фақат бойлик ишқида яшаётган түғёндаги биродарларимизни шайтон васвасасидан қутқар, токи дўзахазобига мубталаоб бўлмасинлар. Аллоҳим, бойлик неъматини бермаган бандаларингга шукр ва сабр неъматини янада мўл қилиб бер, токи қиёматда Фирдавс боғларига етишсинлар. Аллоҳим! Бизларни ҳақиқий ҳаёт – охират ҳаёти эканига иймон келтирган баҳтиёр бандаларингдан қил. Аллоҳим бизларнинг рағбатларимизни ёлғиз Ўзингга қил, бойлигимизни кўксимизда қил ва бизларга ризқ қилиб берган нарсаларингни баракали эт, Аллоҳим! Сендан гуноҳларимизни мағфират қилишингни, ишларимизнинг хидоят йўлида бўлишини сўраймиз. Ўз нафсимизнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ тилаймиз ва Ўзинггагина тавба қиласиз. Аллоҳим! бизларни раҳматингга ол! Хидоятда барқарор қил, қалбимизни ислоҳ эт, амалларимизни қабул қил, рушду-хидоятимизни ўзимизга илҳом қилиб бер ва барча ёмонликлардан Ўзинг сақла. Омийн, йа Раб ал-оламийн!

МУНДАРИЖА

Безанган келинчак	3
Дунё ҳаёти	25
Мол-мулкнинг бевафолиги	61
Хою ҳавас ёки орзу-истакларнинг битмас- туганмаслиги	67
Хирс ва узун орзу	75
Камбағалларнинг фазилатлари	82
Дунёдан юз ўгириш	93
«Лисон ут-Тайр»дан.....	105
Уч талоқ қўйилган дунё.....	133

Тоҳир Малик

БЕЗАНГАН КЕЛИНЧАК

Мұхаррирлар:

А.Тилавов

А.Абдужалилов

Техник мұхарир:

Ю.Үринов

Мусаххиха:

И.Захидова

Саҳифаловчи дизайнер: Ю.Үринов

Наш.лиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 11.11.2018 йилда топширилди. Босишига 07.12.2019 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/₁₆.
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 10.23

Нашр б.т. 11 Адади: 10000 Буортма №148.


Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95



Тоҳир Малик

Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эршиш
олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзи-ўзидан
ҳам кўнгли тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган,
омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни баҳтли қила
олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!..

Мазкур китобда шу каби муаммолар хусусида
баҳс юритилади.



“Sano-standart”
нашриёти

ISBN 978-9943-5467-2-1



9 789943 546721